

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ЦИКЛИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ  
“КАПИТАН” МАХСУС УНВОНИ БЕРИШ УЧУН МАЛАКА  
ОШИРИШ ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ-2023**

УДК 355.54:351.74(07)(575.1)

Мазкур ўқув-услубий мажмуа “Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги “капитан” махсус унвони бериш учун махсус малака ошириш ўқув курси”нинг ўқув дастури асосида тайёрланган.

### **Муаллифлар:**

Б.Б. Умурзаков Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси;

Х.Н. Муслимов Жанговар тайёргарлик цикли ўқитувчиси.

### **Такризчилар:**

Н.А. Юнусов ИИВ Жанговар ва жисмоний тайёргарликни таъминлаш бошқармаси бошлиғи;

И.Х.Махмудов ИИВ Академияси Ҳарбий фанлар кафедраси бошлиғининг ўринбосари.

Ўқув-услубий мажмуа Ички ишлар органлари ходимларига навбатдаги “капитан” махсус унвони бериш учун махсус малака ошириш ўқув курсида таҳсил оладиган тингловчилар учун ИИОлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, ўқ отар қуроолларни қўллаш тартиби ва ҳуқуқий асослари, табиий шароитда харитасиз ориентир олиш ва топографик хариталарни ўқиш, электрошок қурилмаларининг тузилиши, қўллаш тартиби ва ҳуқуқий асослари, ИИОлари ходимларининг хизмат кийимини кийиш тартиби, жамоат жойларда шубҳали буюмлар (портлаш хавфи бўлган) аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифалари ҳамда ўқ отиш тайёргарлигининг янги меъёрлари ёритиб берилган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги “\_\_\_”- сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва маъқулланган.

©Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023.

## Мундарижа

Кириш.....	6
Модул бўйича дарслар тақсимооти.....	9
6.1-мавзу: ИИОлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, ўқ отар қуролларни қўллаш тартиби ва ҳуқуқий асослари (маъруза).....	10
6.2-мавзу: Табиий шароитда харитасиз ориентир олиш. Топографик хариталарни ўқиш. (семинар).....	28
6.3-мавзу: Электрошок қурилмалари, тузилиши, тактик-техник таснифи, қўллаш тартиби ва ҳуқуқий асослари. (маъруза).....	44
6.4-мавзу: ИИОлари ходимларининг хизмат кийимини кийиш тартиби (семинар).....	58
6.5-мавзу: Жамоат жойларда шубҳали буюмлар (портлаш хавфи бўлган) аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифалари (семинар) .....	72
2.6-мавзу: Ўқ отиш тайёргарлиги ИИО ходими касбий тайёргарлигининг асоси сифатида: янги меъёрлар, ўқ отишда хавфсизлик чоралари (семинар).....	81
Мавзулар бўйича тахминий тест саволлари.....	112
Глоссарий.....	114
Адабиётлар.....	118

## КИРИШ

Ҳурматли тингловчилар! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органлари ходимларини "Инсон қадр учун" тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш, ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб- ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Шу сабабли, навбатдаги “капитан” махсус унвонини бериш учун махсус малака ошириш ўқув курсларида тахсил олаётган ходимлар махсус воситаларни, ўқ отар қуролларни қўллаш тартибини, ҳуқуқий асосларини, табиий шароитда харитасиз ориентир олиш ва топографик хариталарни ўқишни, электрошок қурилмаларининг тузилиши, қўллаш тартиби ва ҳуқуқий асосларини, хизмат кийимини кийиш тартибини, жамоат жойларда шубҳали буюмлар (портлаш хавфи бўлган) аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифалари ҳамда ўқ отиш тайёргарлигининг янги меъёрлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириши керак.

Ўқув-услубий мажмуа ички ишлар органлари офицерларининг фавқулодда вазиятлар вужудга келганда моҳирона ҳаракат қилиш кўникмаларини ошириш, шунингдек юзага келадиган турли ҳил вазиятларда хизмат вазифаларини бажаришда малакаларини оширишдан иборат. Тайёргарликнинг асосини ички ишлар органлари шахсий таркибининг мураккаб ва кескин вазиятларда махсус восита, жанговар қурол ва электрошок воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатилади.

Навбатдаги “капитан” махсус унвонини бериш учун махсус малака ошириш ўқув курсларида ўқитиш инновацион педагогик технологиялар, интерфаол методлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш, уларнинг жанговар тайёргарлик бўйича билимлари ҳамда амалий кўникмаларини юксалтиришга қаратилган.

**Жанговар тайёргарлик модулининг мақсади** – ходимларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш орқали махсус восита ва ўқ отар қуролларни моҳирона қўллаш, табиий шароитда харитасиз ориентир олиш ва топографик хариталардан фойдаланишни ўргатиш, уларнинг касбий интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, шунингдек ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун малакаларини оширишдан иборат.

**Жанговар тайёргарлик модулининг вазифалари:**

- тингловчиларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш;

- тингловчиларни юксак даражадаги Ватанпарварлик, довюраклик, мардлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш;

- тингловчиларнинг юқори даражада жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳар томонлама такомиллаштириб бориш;

- хизмат фаолияти давомида рўй берадиган ҳодисаларга тўғри баҳо бериш, мураккаб вазиятларга қисқа фурсатларда мослашиш, кескин ва фавқулодда вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш;

- Ички ишлар органларида мавжуд ўқ отар қуролларни билиш ва уларни моҳирона қўллаш;

- махсус восита, электрошок қўрилмалари ҳамда ўқотар қўроллари қўллаш тартибини билиш ва фавқулодда ҳолатларда қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

- хизмат вазифаларини бажаришда учрайдиган ҳолатларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

- жанговар тайёргарлик модулида назарий олинган билимларни амалиёт билан боғлиқлигини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

**Тингловчи:**

“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган, хизмат вазифаларини виждонан бажарадиган, жанговар тайёргарлиги юқори даражада бўлишини англаши;

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексига белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши;

табiiй шароитларда харитасиз ориентир олиш ва топографик хариталарни ўқишни;

электрошок воситалардан фойдаланишни;

ИИО ходимларнинг хизмат кийимини кийиш тартибини;

жамоат жойларда шубҳали буюмлар (портлаш хавфи бўлган) аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифаларини;

ўқ отиш тайёргарлигининг янги меъёрларни ҳамда ўқ отишда хавфсизлик чоралари **билиши** керак.

**Тингловчи:**

ўз фаолиятини режалаштириш;

турли вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш;

қўл остидаги шахсий таркибни бошқариш;

махсус воситалар билан жанг қилиш;

қуроллардан моҳирона отиш;

оммавий тартиббузарликларни бартараф қилишда махсус воситалар билан ҳаракатланиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

мураккаб шароитларга тез мослашиш, кескин вазиятларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш;

турли ҳил махсус операцияларни амалга оширишда топографик хариталардан фойдаланиш;

турли ҳил ўқ отар қуроллардан отиш;

ўқ отар қуроллар ва махсус воситаларни қўллашда хавфсизлик чораларига риоя қилиш;

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш каби **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Модул бўйича дарслар тақсимоти:**

Т/р	Ўқитиладиган модуллар номи	Жами	Ўқув соатлари				
			Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Мустақил тайёргарли	Назорат
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>
<b>2.</b>	<b>Ҳарбий тайёргарлик</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	-	-	-
<b>6.1</b>	ИИОлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, ўқ отар куролларни қўллаш тартиби ва ҳуқуқий асослари.	2	2	-	-	-	-
<b>6.2</b>	Табиий шароитда харитасиз ориентир олиш. Топографик хариталарни ўқиш.	2	-	2	-	-	-
<b>6.3</b>	Электрошок қурилмалари, тузилиши, тактик-техник таснифи, қўллаш тартиби ва ҳуқуқий асослари.	2	2	-	-	-	-
<b>6.4</b>	ИИОлари ходимларининг хизмат кийимини кийиш тартиби.	2	-	2	-	-	-
<b>6.5</b>	Жамоат жойларда шубҳали буюмлар (портлаш хавфи бўлган) аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифалари.	2	-	2	-	-	-
<b>6.6</b>	Ўқ отиш тайёргарлиги ИИО ходими касбий тайёргарлигининг асоси сифатида: янги меъёрлар, ўқ отишда хавфсизлик чоралари.	2	-	2	-	-	-

## **МАВЗУ–6.1: ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ КУЧ ИШЛАТИШ, МАХСУС ВОСИТАЛАРНИ ВА ЎҚОТАР ҚУРОЛЛАРНИ ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.**

(2 соат маъруза)

### **Маъруза машғулотининг режаси:**

1. ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари.
2. Махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари.

### **1-ўқув саволи. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрь кунидаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунида, ички ишлар органларининг зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси каби асосий вазифалар аниқ белгилаб ўтилди. Шу билан бирга, ички ишлар органлари ходлари хизмат олиб бориш чоғида махсус воситаларни қўллаш (қонунни 5-бобининг 21,22,23,24-моддаларида ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш) тартиби ёритиб ўтилган.

### **21-модда. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш шартлари.**

Ички ишлар органи ходими ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади.

Ички ишлар органи ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт. Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тегишли сертификат берилади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш бўйича текширувдан ўта олмаган ички ишлар органи ходими эгаллаб турган лавозимга мувофиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони



бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун мазкур моддада ҳамда ушбу Қонуннинг 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган асослар вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида ички ишлар органлари прокуратурага дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходимининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, ички ишлар органи ходими жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар ички ишлар органи ходими томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ички ишлар органи ходими ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб, ИИВнинг 2017 йил 15 мартдаги “ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисида”ги 55-сонли буйруғи билан йўриқнома тасдиқланди.

## **Умумий қоидалар**

### **Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллашнинг умумий шартлари**

Ходим томонидан ички ишлар органларига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида жисмоний куч ишлатиши, ўқотар қурол ва махсус воситаларни қўллаши ушбу Йўриқномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Ички ишлар органи ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт.

Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тайёргарлик якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Жазони ижро этиш бош бошқармаси, «Қўриқлаш» республика бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Транспортдаги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Шахсий таркиб билан ишлаш хизматлари, таълим муассасалари бошлиқлари (ўринбосарлари), Қоровул қўшинлари қўмондони ва ҳарбий қисм командирлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификат берилади.

Сертификатга эга бўлган ходимга хизмат вақтида жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалардан фойдаланиш ва ўқотар қуролни қўллашга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ва Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти муддатли ҳарбий хизматчилари учун сертификат бошланғич ҳарбий тайёргарлик курси якунлари бўйича қисм командирлари ва билим юрти бошлиғи томонидан берилади.

Хизмат ва жанговар тайёргарлик бўйича ўқув йили якунида синовларни ижобий топширган ва тиббий кўрик натижалари бўйича хизматга яроқли деб топилган ходим жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатлари бўйича даврий текширувдан ўтган ҳисобланади.

Даврий текширувдан ўта олмаган ходим эгаллаб турган лавозимига мувофиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтади. Аттестациядан ўтказилгунга қадар ходимга куч ишлатиш, ўқотар қурол ва махсус воситаларни қўллаши эҳтимоли юқори бўлган шароитлар билан боғлиқ вазифалар юклатилмайди.

Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллашдан аввал ходим уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган ҳолда огоҳлантиради, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Ходим, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Махсус операцияларни ўтказиш даврида махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тўғрисида давлат тилида (зарур ҳолларда бошқа тилларда) овоз кучайтириш мосламаларидан фойдаланиб огоҳлантирилгандан сўнг қўлланилади.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, уларнинг қариндошлари йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши лозим.

Хизмат мажбуриятларини бажариш давомида жисмоний куч ишлатган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаган ходим ушбу ҳолат юзасидан бевосита бошлиғи (командири)га дарҳол ахборот беради.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органлари раҳбари томонидан дарҳол ҳудудий прокурорга хабар берилади ва ваколатли раҳбар томонидан хизмат текшируви тайинланади.

Хабарномада қаерда, қачон, кимга қарши, нима сабабдан ёки кимнинг кўрсатмаси билан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилганлиги кўрсатилиши лозим.

Ходим томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ёки ўқотар қуролни қўллаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ушбу Йўриқномада белгиланган асослар ва тартибда амалга оширилган деб топилса, у жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Ходим томонидан жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши оқибатида фуқарога тан жароҳати етказилса ёки у ҳалок бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ходим ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши лозим.

### **22-модда. Жисмоний куч ишлатиш.**

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органи ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

жиноятларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни энг яқиндаги ички ишлар органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун.

Ички ишлар органи ходими ушбу Қонунда махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

### **23-модда. Махсус воситаларни қўллаш**

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган хужумни қайтариш учун;

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;

қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

хайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

Ички ишлар органи ходими қуйидаги махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

***резина таёқлар:***

- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

- ушлаб турилган шахсларни ва қамокқа олинган, маъмурий қамокқа олинган шахсларни олиб бориш, кўриқлаб бориш ва кўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

***кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли, шикастлантирувчи қурол:***

- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

- ушлаб турилган шахсларни ва қамокқа олинган, маъмурий қамокқа олинган шахсларни олиб бориш, кўриқлаб бориш ва кўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

***қўлкишанлар ёки бошқа боғлаш воситалари:***

- ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

- ушлаб турилган шахсларни ва қамокқа олинган, маъмурий қамокқа олинган шахсларни олиб бориш, кўриқлаб бориш ва кўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

***махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар:***

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

***электрошок қурилмалари:***

- жинойтга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

- қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

- зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

***хизмат ҳайвонлари:***

жинойтга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

жинойтлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

***чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари:***

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

***транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситалари:***

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- жинойтлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

***тинчлантириш қўйлаги:***

- жинойтга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

- ушлаб турилган шахсларни ва қамокқа олинган, маъмурий қамокқа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек

қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

***сув билан зарба берувчи машиналар:***

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

***зирҳли машиналар:***

- ушлаб турилган шахсларни ва қамокқа олинган, маъмурий қамокқа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

***тўсиқ-зовларни бартараф этувчи воситалар:***

- ушлаб турилган шахсларни ва қамокқа олинган, маъмурий қамокқа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

- Ички ишлар органи ходими ушбу Қонунда ўқотар қурол ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирмаслиги ва мол-мулкига зарар етказмаслиги керак.

**24-модда. Ўқотар қуролни қўллаш**

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан ҳимоя қилишда;

гаровдагиларни озод қилишда;

ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, махсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;

қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамокдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;

инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиришда.

Ички ишлар органининг ходими ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт, бундан унинг ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Ички ишлар органи қуроллантириладиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ушбу рўйхатга кирмайдиган ўқотар қурол ва унинг



ўқ-дорилари билан ички ишлар органларини қуроллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 майдаги “Қурол тўғрисида”  
**ЎРҚ № 550-сонли Қонуни.**

Қонуни қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган  
Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда маъқулланган.

### **Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**газли қурол** — кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддаларни қўллаш йўли билан жонли нишонга вақтинчалик шикаст етказиш учун мўлжалланган қурол;

**калта стволли қурол** — стволининг узунлиги уч юз миллиметрдан ва умумий узунлиги олти юз миллиметрдан ошмайдиган қурол;

**пневматик қурол** — сиқилган, суюлтирилган ёки қотирилган газсимон модданинг қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракатга келадиган аслаҳа билан нишонни масофадан туриб уриш учун мўлжалланган қурол;

**сигнал берувчи қурол** — тузилиши жиҳатидан фақат ёруғлик, тутунли ёки товушли сигналлар бериш учун мўлжалланган қурол;

**совуқ қурол** — шикаст етказиладиган объект билан бевосита тўқнашиш чоғида одамнинг жисмоний кучи ёрдамида нишонни уриш учун мўлжалланган қурол.

## **2-боб. Қуролнинг таснифи.**

### **5-модда. Қуролнинг турлари**

Қурол мўлжалланилган мақсади ҳамда асосий параметрлари ва тавсифларига кўра фуқаровий қурол, хизмат қуроли ва жанговар қурол турларига бўлинади.

### **6-модда. Фуқаровий қурол**

Ов ва спорт билан шуғулланиш учун, шунингдек ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурол фуқаровий қурол жумласига киради.

Фуқаровий қурол қуйидагиларга бўлинади:

1) ов қуроли:

сойли стволли ўқотар қурол;

силлиқ стволли ўқотар қурол, шу жумладан сойли қисмининг узунлиги бир юз қирқ миллиметрдан ошмайдиган ўқотар қурол;

комбинацияланган (сойли стволли ва силлиқ стволли) ўқотар қурол, шу жумладан алмаштириладиган ва жойлаштириладиган сойли стволли ўқотар қурол;

пневматик қурол;

тиғли совуқ қурол (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлар);

сигнал берувчи қурол;

2) спорт қуроли:

сойли стволли ўқотар қурол;

силлиқ стволли ўқотар қурол;

тиғли совуқ қурол (рапиралар, шпагалар ва қиличлар);

улоқтириш қуроли (камонлар, арбалетлар ва найзалар);  
пневматик қурол;  
сигнал берувчи қурол;

3) ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли:

газли қурол — кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган газли баллончалар, механик пуркагичлар, аэрозолли қурилмалар ва бошқа қурилмалар;

электрошок қурилмалари, учкун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмалар.

Фуқаровий ўқотар қурол қаторасига ўқ узишни истисно этиши ва ўқдон (барабан) сифими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги керак.

### **7-модда. Хизмат қуроли**

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, табиатни ва табиий ресурсларни, қимматбаҳо ва хавфли юкларни, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вазифаларни бажариш чоғида юридик шахсларнинг (бундан буён матнда махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар деб юритилади) ходимлари томонидан, шунингдек давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурол хизмат қуроли жумласига киради.

Хизмат қуроли қаторасига ўқ узишни истисно этиши, ўқдон (барабан) сифими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги, калибри силлиқ стволли қурол учун йигирма беш миллиметрдан ва оғиз қисмидаги қувват уч юз эллик жоулгача бўлган сойли калта стволли қурол учун тўққиз миллиметрдан ошмаслиги керак.

Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларнинг ва хизмат қуролини сақлаш, олиб юриш, ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари мансабдор шахсларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **8-модда. Жанговар қурол**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона кўмитаси, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳарбий тузилмалари (бундан буён матнда махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар деб юритилади) қуроллантирилган ёки қуроллантиришга мўлжалланган, жанговар ҳаракатларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш учун мўлжалланган қурол жанговар қурол жумласига киради.

Жанговар қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш фақат махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар томонидан, шунингдек ушбу Қонун 12-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган, махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Жанговар қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомаласи тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

**10-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар;

махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар;

қуролни ва унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

қуролни ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар;

қуролни коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

чет эл фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2022 йил 05 майдаги “Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ЎРҚ 772-сонли қонуни.

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 февралда қабул қилинган сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда маъқулланган

**249-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш.**

Ўқотар қуролни ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек пневматик қуролни, тигли совуқ қуролни (ов пичоқларини, ов ханжарчалари ва ханжарларни, рапиралар, шпагалар ва қиличларни), улоқтириш қуролини (камонлар, арбалетлар ва найзаларни), сигнал берувчи қуролни сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш одамнинг ўлимига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса:

- базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Ўқотар қуролни олиб юриш ва сақлаш**

Ходимлар томонидан хизмат фаолияти давомида ўқотар қуролни олиб юриш, сақлаш тартиби ва муддатлари ички ишлар органи бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида белгиланади.

Худуддаги тезкор ва криминоген вазиятни инобатга олиб ички ишлар органи бошлиғи томонидан ходимга ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга рухсат этилиши мумкин.

Ўқотар қурол ходимларга уларнинг шахсий жавобгарлиги остида берилади.

Тўппончалар ғилофларда, тасмаси тақилган ҳолатда олиб юрилади. Битта ўқдон тўппонча дастагида, иккинчи захира ўқдон ғилофда сақланади.

Автомат ва милтиқлар «Тасмага» ҳолатида олиб юрилади. Ўқдонлари ўқдон халталарида сақланади.

Ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга эҳтиёж бўлмаганда, ўқотар қурол ички ишлар органлари навбатчилик қисмига ёки омборига топширилади.

**2-ўқув саволи: Махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари.**

**Махсус воситаларни қўллашда хавфсизлик қоидалари**

Кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли қурол, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламаларини шахсий таркиб томонга қаратиб қўллаш тақиқланади, уларнинг қўлланилиши натижасида булут ҳосил бўлган худудда қолган ходимлар зудлик билан газниқобларни кийишлари ва хавфли худудни тарк этишлари лозим.

Газ-тутун булути тарқалган худудда хизмат олиб бораётган ходимлар газниқобларда бўлишлари лозим.

Кўзни ёшлантирувчи воситалар билан ишлашда қуйидагилар қатъиян ман этилади:

ушбу воситаларни қисмларга ажратиш, ўзбошимчалик билан носозликларни бартараф этиш, сумкалардан ташқарида олиб юриш;

қўллаш жадаллигини ошириш (газли гранаталарни қўллаш жадаллиги махсус операция раҳбари томонидан белгиланади);

махсус карабиндан отиш учун мўлжалланган қоғоз гильзали, ёритувчи ва сигнал берувчи барча турдаги ўқ-дориларни ҳамда газли гранаталарни сигнал бериш тўппончасидан отиш.

Тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар ва чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламаларининг пилта (запал)лари алоҳида олиб юрилиши лозим. Пилта (запал)ларни электр манбасига улашдан олдин занжирда кучланиш йўқлиги текширилади. Ушбу воситаларни қўллаётган ходим шахсий ҳимоя воситасида бўлиши керак.

Портламай қолган барча портловчи ва нур-товушли мосламалар мутахассислар томонидан зарарсизлантирилади.

Ўчиб қолган аланга узатувчи шнурни қайтадан ёқиш қатъиян ман этилади.

Электр манбаи ёрдамида портлатиладиган барча тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар ва нур-товушли гранаталарнинг созлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, улар қайтадан портлатилиши мумкин.

Транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситаларини қуйидаги ҳолатларда қўллаш қатъиян ман этилади:

одамларни ташиш учун мўлжалланган транспортларга нисбатан ушбу воситаларида йўловчилар бўлганда;

чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарига тегишли автотранспорт воситаларига;

тоғ ёнбағир йўлларида, шунингдек йўлнинг кўриниши чегараланган қисмларида;

темир йўл кесимчаларида, кўприкларда, йўл ўтказгичларда.

Электрошок қурилмаси индукторини устига қопқоғи ёпилган ҳолда олиб юриш ва сақлаш лозим. Электрошок қурилмаси билан ҳаракат қилганда қуйидагилар тақиқланади:

индуктор қопқоғи мавжуд бўлмаган, ҳаракатга келтиришга тайёр бўлган электрошок қурилмаси электродларига тегиш ва қўлларни яқинлаштириш;

электрошок қурилмасини ёмғир ва нам ҳавода қўллаш.

Тез аланга олувчи ва портловчи объектларда яширинган жиноятчиларга нисбатан қўлланиладиган ва ёнувчи (портловчи) хусусиятларга эга бўлган махсус воситаларни қўллаш ёнғин ўчириш хизматлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Махсус воситалар қўлланилгандан сўнг хоналар (бино) жароҳат олганлиги, ёнғин ўчоқлари ва портламай қолган воситаларни аниқлаш мақсадида текширилади. Портламай қолган воситаларни зарарсизлантириш мақсадида мутахассислар жалб қилинади.

Карабин КС-23, сигнал пистолетини ишлатиш бўйича буйруқ олингандан аввал ўқлашни амалга ошириш керак.

Тутунли газ булути таъсир қилаётган ҳудудга тушиб қолган махсус операция иштирокчилари, зарарли ҳудудни дарҳол тарк этишлари зарур. Тутунли булутдан зарарланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун нашатир спирти (нафас олиш учун) ва 2 фоизли истеъмол қилинадиган сода эритмаси ёки борли кислота (кўзни ювиш учун) ишлатилади.

Тутунли газ булути ҳудудида ишлар шахсий ҳимоя воситаларида олиб борилади.

“Черёмуха” махсус воситаси билан ишлаётганда қатъиян тақиқланади:

- “Черёмуха-1”ни қисмларга ажратиш ва ундаги носозликларни бартараф этиш, халтадан ташқарида олиб юриш (белбоғга осилган);

- хажми 60 куб.м кам бўлган биноларга “Черёмуха-6” гранатасини икки маротаба ташлаш;

- сигнал пистолетидан отиш учун мўлжалланган ҳар хил турдаги 26 мм қоғозли гильзага ўқланган ўқ-дориларни, сигнал берувчи ва ёритувчи ўқ-дориларни, шунингдек «Черёмуха-4» газ гранатасини карабин КС-23 дан отиш учун ишлатиш;

- “Черёмуха-7” гранатасини отиш учун, карабин КС-23 ташқари, бошқа ҳар хил қуролни ишлатиш;

- “Черёмуха-4ва7” гранаталар патронини қисмларга ажратиш.

Кичик хажмдаги портловчи мосламалар, ёритувчи қаттиқ шовқинли гранаталар ва мосламалардан фойдаланилганда, кўрқитиш воситалари портлаш мосламасидан ажратиб олиб юриш керак.

Кўрқитиш воситаларига электр занжирни улашдан аввал унда электр қуввати йўқлигига амин бўлиш керак.

Ўчиб қолган олов ўтказгич тизимчани қайтадан ишлатиш учун ёқиш қатъиян тақиқланади.

Ишламай қолган «Пламя», «Ключ», «Импульс» мосламаларига, «Заря» гранатасига 10 дақиқа ичида яқинлашиш тақиқланади.

Электр токи билан ишлайдиган мосламалар «Ключ», «Импульс», «пламя» ларни ишлатаётганда электр занжирини ишлаётганига амин бўлиш керак ва қайтадан 10 дақиқа ўтгандан сўнг (ишламай қолса) ишлатиш керак воситаларини ишламай қолган мосламалардан узиш керак ва ишламай қолиши сабабаини аниқлаш мақсадида доимий сақлаш жойларига элтиш керак. Устки қисмида ёки асосида камчиликлари (ёриғлар, ишқаланишлар ва бошқалар) бўлган кичик хажмдаги портлатиш мосламаларини ва ёритувчи қаттиқ шовқинли гранаталарни қўллаш тақиқланади.

Қуйидагиларга нисбатан «ЁЖ-М» мосламасини қўллаш қатъиян тақиқланади:

- одамларни ташишни ташкиллаштирадиган аҳоли автотранспорти ва юк ташиш автомобиллари;

- чет эл фуқароларига тегишли ёки улар томонидан ижарага олинган автотранспортлар;

- мотоциклар, мотоколяскалар, мотороллерлар, мотопедлар;

- тоғли йўлларда ёки текланган кўринишли йўл участкаларида;

- темир йўл билан кесишган йўлларда, туннелларда, кўприкларда, эстакадаларда.

ЭШУ мосламасини индикаторига ҳимоя қалпоқларини кийдириб сақлаш, ёқилган ҳолатида электродларига тегмаслик ва қўлларни ҳам унга яқинлаштирмаслик, болаларнинг қўлига тушиб қолишига йўл қўймаслик керак.

ИИИ ходимларни резина таёқ ва қалқон ёрдамида ҳаракатларини бажаришга сифатли тайёрланишини таъминловчи аниқ ҳаракатлар. Бунда ИИИ ходимлари ёки харбий хизматчилар машқ ва операцияларни бажаришга киришишдан олдин махсус воситаларни жангга яроқлилигини текшириб, йўриқномаларга асосланган ҳолда фойдаланишлари лозим.

Махсус воситаларни қуйидагиларга ишлатиш мумкин эмас: балоғат ёшига етмаганларга, хомиласи кўриниб турган ва болали аёлларга, ногиронларга, қарияларга агар улар хужум қилмаган тактирда.

Фаол мудофа воситаларни қўллашда ва махсус операцияларни ўтказишда ўзини тута билиш зарур. Ички ишлар органларининг ҳатти – ҳаракати белгиланиши топшириққа тўла мос келиши ва фуқароларнинг соғлигига имкон борича шикаст етказмаслик керак.

Фаол мудофаа воситаларини қўллаш ва махсус операциялар ўтказиш махсус воситалар қўлланилиши лозим бўлган шахсларга, бу ҳақида давлат

тилида аввалдан огоҳлантириш орқали амалга оширилади. Улар товуш орқали огоҳлантирилиши зарур ҳолларда агар улар орасидаги масофа узоқ бўлса ёки маълум кишилар гуруҳига мурожаат қилганда товуш қайтаргич орқали бир неча марта огоҳлантирилиши улардан жавоб олиш учун маълум вақт берилиши керак. Ҳуқуқбузарлар қатъий қаршилиқ кўрсатганларида ушбу воситалар огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин.

### **Ўқотар қурол қўллашда хавфсизлик қоидалари**

Ўқотар қуролни қўллашда хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

қуролни ўқланган ёки ўқланмаганидан қатъи назар, кўп фуқаролар тўпланган жойга, тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлган ва бошқа хавфли йўналишларга қаратиш;

қуролни қаровсиз қолдириш ёки уни ўзга шахсга бериш;

махсус белгиланган жойлардан ташқарида ўқотар қуролни тўлиқ ва тўлиқсиз қисмларга ажратиш, ўқлаш ва ўқсизлантириш;

ўқотар қуролни белгиланмаган жойда сақлаш ва олиб юриш;

қуролни мақсадсиз ғилофдан чиқариш, ўқни ўқдонга жўнатган ҳолда олиб юриш;

носоз қуролдан ўқ отиш ёки яроқсиз ўқ-дориларни қўллаш;

ўқ-дориларни қисмларга ажратиш, ўқдондан ташқарида сақлаш ва олиб юриш.

Ходимнинг хизмат олиб боришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар вужудга келганда ёки шундай ҳолат аниқланганда, унинг бевосита бошлиғи (командир) томонидан ўқотар қурол олиб қўйилади.

Ходим ўқотар қуролни ёнғин чиқиши, авария ёки захарли моддаларнинг чиқиши ва портлаш вужудга келиши мумкин бўлган хавфли йўналишларга қарата қўллаши тақиқланади.

Ходим ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлашга келтиргандан сўнг, уни қўллаш зарурияти бўлмаган тақдирда, ўқотар қурол ўқсизлантирилиши шарт. Шунингдек, ўқотар қуролни қўллаб бўлгандан сўнг ҳам унинг ўқсизлантирилганлиги текширилиши шарт.

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тан жароҳати олган фуқароларга хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда биринчи ёрдам, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилади.

### **Ходимларни махсус воситалар билан қуролланишига қуйидагилар томонидан рухсат берилади:**

резина таёқлар, электрошок қурилмалари, қўлкишанлари, хизмат хайвонлар, тинчлантириш кўйлагли, кўздан ёш оқизувчи моддалар билан – ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси, жазони ижро этиш муассасаси (бундан буён матнда ЖИЭМ деб юритилади) бошлиғи ва унинг ёрдамчиси – тезкор навбатчи, ИИВ таълим муассасалари бошлиқлари, Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм ва бўлинма командирлари;

транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш мосламалари; махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар; кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли шикастлантирувчи қурол; чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товушли мосламалар, муҳофаза қилинадиган объектларни (худудларни) ҳимоя қилиш, ғайриқонуний ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракат йўналишини тўсиш воситалари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Транспортдаги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари, ЖИЭМ (тергов ҳибсхонаси) бошлиғи, Қоровул кўшинлари кўмондони, ИИВ таълим муассасалари бошлиқлари, махсус операция раҳбарининг қарори асосида.

Сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг оғзаки ёки ёзма қарори асосида қўлланилади, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларга дарҳол хабар берилади.

Ички ишлар органлари бошлиқлари ҳамда махсус операция раҳбари ўзининг қарорида махсус воситаларнинг қўллаш тартибини белгилайди.

Ички ишлар органларига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида ходим махсус воситаларни қўллаш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

**Қуйидаги шахсларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади:**

- ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга;
- ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга;
- ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга.

Бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари бундан мустасно. Шунингдек, куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлар ва пикет қўйишларни бартараф этиш чоғида махсус воситалар, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг қўлланилиши тақиқланади.

**Махсус воситаларни қўллашда қуйидагилар тақиқланади:**

Одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш;

ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича ноль даражадан паст бўлганида сув билан зарба берувчи машиналарни қўллаш.

Махсус воситаларни қўллаган ходим ўрнатилган тартибда ўзининг бевосита раҳбарига билдирги орқали ахборот беради. Билдиргида қачон,



қаерда, кимга нисбатан, қандай вазиятда махсус воситалар қўлланилганлиги кўрсатилади.

ЖИЭМда хизмат ўтаётган ҳарбий назоратчилар томонидан махсус воситаларни қўлланилганлиги тўғрисида назоратнинг суткалик жадвалига ёзиб қўйилади.

**Хулоса:** Ҳурматли тингловчилар, бугунги машғулотида Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролларни қўллашда ҳуқуқий асосларини ҳамда махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш вақтида хавфсизлик чораларини ўрганиб чиқдик. Бугунги машғулотида олинган билимларни мустақамлаб боришимиз ва ўз кўникмаларимизни ошириш устида ишлашимиз лозим.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

1. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллашнинг умумий шартлари;
2. Ўқотар қуролни олиб юриш ва сақлаш;
3. Махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари;

### **Назорат саволлари.**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунида “Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллашда ҳуқуқий асослар” банди қайси бобда келтирилган?

2. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролларни қўллаш шартлари бўйича махсус тайёргарликдан ўтган ходимга нима берилади?

3. Қурол мўлжалланган мақсади ҳамда асосий параметрлари ва тавсифларига кўра неча турга бўлинади?

4. Куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлар ва пикет қўйишларни бартараф этиш чоғида махсус воситаларни қўллаш кимнинг рухсати билан амалга оширилади?

5. Қайси ҳолатларда мажбурий тўхтатиш воситаларини қўллаш қатъиян ман этилади?

6. Махсус воситалар ҳисобланувчи резина таёқлар, электрошок қурилмалар ва қўл кишанлари билан жойларда ходимларни қуролланишига кимлар томонидан рухсат берилади?

7. Махсус восита ҳисобланувчи сув билан зарба берувчи машиналар нима мақсадда қўлланилади?

8. Қўл кишани ишлаётган вақтда қанча вақт ичида қулфлар ҳолати текширилиши лозим?

9. Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўллаш талабларига риоя этилиши ким томонидан назорат қилинади?

10. Жисмоний куч ишлатган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаган ходим ушбу ҳолат юзасидан кимга ахборот беради?

## **6.2-МАВЗУ: ТАБИЙ ШАРОИТДА ХАРИТАСИЗ ОРИЕНТИР ОЛИШ. ТОПОГРАФИК ХАРИТАЛАРНИЎҚИШ.**

(2 соат семинар)

### **Машғулот режаси:**

- 1 - ўқув саволи: Харитасиз ориентир олиш.
- 2-ўқув саволи: Топографик хариталарни мазмуни, разграфкаси ва номенклатураси.
- 3 - ўқув саволи: Топографик хариталар билан ишлаш.

### **1 - ўқув саволи: Харитасиз ориентир олиш.**

**Худуд** – бу ер юзасининг бир қисми. Унинг юзасидаги нотекисликларнинг йиғиндиси **рельеф** деб аталади. Унда жойлашган, табиат ва инсон томонидан яратилган объектлар (ўрмонлар, дарёлар, аҳоли пунктлари ва бошқалар) эса **маҳаллий предметлар** дейилади.

### **Қўйидагилар худуднинг асосий топографик элементларидир:**

- рельеф;
- аҳоли пунктлари;
- йўллар тармоғи;
- гидрография;
- ўсимликлар ва тупроқ қоплами.

### **Жойларда харитасиз мўлжалланиш.**

Ўз турар жойини ва дунё томонларини рельеф тузулишига, маҳаллий жисмларга нисбатан аниқлаш ва ўз йўналишини тўғри топиш жойда **мўлжалланиш** дейилади. Жойни аниқлашга ёрдам берувчи маҳаллий жисмлар, рельеф турлари ва йўналишни кўрсатувчи нишонлар **мўлжаллар** дейилади. Улар асосан ўзларининг ўлчами, турлари ва ранги билан ажралиб туради.

### **Мўлжаллар қуйидагиларга бўлинади:**

- майдонли**
- чизиқли**
- аниқ**
- махсус**
- ёрдамчи.**

Катта майдонни эгаллаган мўлжаллар **майдонли мўлжаллар** дейилади. Уларга аҳоли яшаш масканлари, шаҳарлар, қўллар, дарёлар, ўрмонлар ва боғлар киради. Бундай мўлжаллар жойни ўрганишда осон топилади ва ёдда қолади.

Энига катта бўлмаган ва узоққа чўзилган мўлжаллар **чизиқли мўлжаллар** дейилади. Йўллар, дарёлар, электр тармоқлари, темир йўллар

чизиқли мўлжалларга киради. Улар асосан йўналишни тўғри ушлаш учун ишлатилади.

Катта бўлмаган майдонни эгалловчи мўлжаллар **аниқ мўлжаллар** дейилади. Уларга алохида турган уйлар, завод ва фабрикалар трубалари, теле ва радио миноралари, кўприклар, чоррахалар ва х.к.з лар киради. Бу мўлжаллар асосан ўз турган жойини, нишонлар ҳолатини, отиш секторларини, кузатув чизиғини аниқлашда ишлатилади. Жойда ишончли мўлжалланиш учун, мўлжалларни тўғри танлаш керак.

Шундай қилиб, кундузи ҳаракат йўналишини тўғри ушлаш учун, узок масофадан кўриш ва таниш мумкин бўлган мўлжаллар, яъни аниқ мўлжаллар танланиши керак, масалан, минора шаклидаги қурилмалар, якка дарахтлар...

Бироқ тунда бундай мўлжалларни узокдан аниқлаш қийин, шунинг учун кўриниш чегараланган вазиятларда асосан чизиқли ва майдонли мўлжаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мўлжалларни танлашда албатта бўлинма ва кўшинларни ҳаракатланадиган жойлари инобатга олиниши зарур.

Жанговор ҳолларда, ўз турар жойини ва ҳаракат йўналишини аниқлаш билан биргаликда мўлжаллар нишон кўрсатиш,

кўшинларни ва жангда отишни бошқаришда қўлланилади. Улар бошлиқлар томонидан белгиланади, керакли ҳолларда эса бўлинма командирлари томонидан кўшимча мўлжаллар ҳам танланиши мумкин. Мўлжаллар сифатида мустаҳкамроқ, жанг майдонида сақланиб қоладиган маҳаллий жисмлар ва рельеф турларидан фойдаланиш керак, масалан, баландликлар, йўллар туташган жойлар, адирлар ва х.к.з.

Қўл жойларида бўлинма бошлиғи томонидан ўрнатилган мўлжаллар **махсус мўлжаллар** дейилади. Уларга алохида турган техника, аскар, кўмиб кўйилган устун, сунъий мўлжаллар киради. Мўлжалларни кўшимча равишда тушунтириш учун хизмат қиладиган мўлжаллар ёрдамчи мўлжаллар дейилади. Уларга дарё оқимини кўрсатувчи кўрсаткичлар, аҳоли яшаш жойларининг номлари, йўллар номлари ва рақамлари киради.

Нишонни жойлашувини аниқ ва тез кўрсатиш учун мўлжаллар, имконият борича фронт бўйлаб ва ичкарига бир текисда танланади. Танланган мўлжаллар ўнгдан чапга ва рубеж бўйича ўзидан душман томонга қараб рақамланади. Ҳар бир мўлжалга эслаб қолиш осон бўлиши учун, унинг ташқи тузилишига қараб рақамдан ташқари шартли ном берилади. Масалан, ясси тепалик, яшил кўрғон, оқ томли уй. Мўлжалларни рақами бошлиқ томонидан белгиланади ва у ўзгартирилмайди.

Мўлжаллар бўйича бўлинма бошлиғи қўл остидагиларга вазифа қўяди, масалан, «секторда; ўнг томондан мўлжал №2 (икки)- яшил кўрғон, чапдан мўлжал №3 (уч) – ясси тепаликни кузатаяпман ёки отиш секторида; мўлжал №4 (тўрт) – синган дарахт, чапдан мўлжал №1 (бир) – оқ томли уй.

#### **Жойда мўлжалланиш усуллари.**

Жойда мўлжалланиш усулларига қуйидагилар киради;

- **компас ёрдамида**
- **маҳаллий жисмлар ёрдамида**


- *қуёш ва соат ёрдамида*
- *тунда юлдузлар ёрдамида.*

Жойда мўлжалланиш *умумий ва аниқ* бўлиши мумкин.

*Умумий мўлжалланиш* ўз турар жойини тахминан топишни, охири нуқтагача бўлган харакатни вақтини ва харакат йўналишини топишни ўз ичига олади. Бундай мўлжалланиш асосан маршда, шахсий таркибда харита бўлмаганда, ахоли яшаш жойлари ва йўналишдаги мўлжаллар ёрдамида тузилган чизмадан фойдаланилганда ишлатилади. Бундай холларда харакат йўналишини тўғри ушлаш учун, ўтилган масофа вақтини, автомобил спидометри (тезлик ва масофа ўлчагичи) ёрдамида масофасини ва чизма бўйича ўтилган ахоли яшаш масканларини кузатиб бориш керак.

*Аниқ мўлжалланиш* ўз турар жойини ва харакат йўналишини аниқ мўлжаллашдан иборат ва харита билан мўлжалланишда, азимут бўйича харакатланиш каби холларда қўлланилади.

### Компас ёрдамида мўлжалланиш.



Адрианов компаси: 1— асос; 2 – лимб; 3 – магнитли стрелка; 4 – визир мосламаси (мушка ва мўлжал); 5 – ҳисоб кўрсаткичи; 6 – тормоз.

Магнитли компасларнинг тузулиши:

Жойларда мўлжалланишда Адрианов ва тўпчилар компаси кенг қўлланилади.

Адрианов компаси қуйидагилардан иборат:

- Асос (корпус)
- игна ўтказилган йўналиш кўрсаткичи (тўхтатгич билан тўхтатилмаган вақтда кўрсатгич фақат шимолни кўрсатади.)
- тўхтатгич

-компас ичидаги айлана сонлар кўрсатгичи (лимб), у 120 бўлакка бўлинган бўлиб, хар бир бўлаги 3 даражага тенг ёки 50 кичик бурчак ўлчагич бўлакларига (0-50) бўлинган. Сонлар кўрсатгичи икки қаторли рақамлардан иборат. Ички рақамлар соат кўрсатгичи йўналиши бўйича жойлашган бўлиб, 0 (нол) дан 360 даражагача бўлади ва хар 15 даражада ёзилади (беш бўлакдан кейин). Ташқи рақамлар эса соат йўналишига тескари жойлашган бўлиб, хар бешта катта бўлаклардан кейин ёзилади.

Бурчак ўлчаш сон кўрсатгичи 60 бўлакка бўлинган бўлиб, хар бир бўлак бурчак ўлчагичнинг 100 та кичик бўлакчаларига тенг. Бўлаклар ҳисоби соат

кўрсатгичи йўналиши бўйича ўсади. Компаснинг асосига мўлжаллаш мосламаси жойлаштирилган. Бурчак ўлчаш сон кўрсатгичи асосни айлантеришда, компаснинг ҳолатини ўзгартирмасдан, сон кўрсатгичини нолг бўлагига магнит кўрсатгичини шимолий учини тез тўғрилашни тامينлайди.

Компас қопқоғининг ички қисмида ойна жойлашган бўлиб, у компасни бирон-бир жисмга тўғрилаш билан бир вақтда, магнит кўрсатгичи ҳолатини ва сон кўрсатгичи натижасини кузатишни тامينлайди.

Компас билан ишлаш вақтида шуни доим ёдда тутиш керакки, кучли электромагнит тўлқинлар ёки яқин жойлашган металл жисмлар, кўрсатгични тўғри ҳолатидан адаштиради. Шунинг учун компас билан ишлашда, электрўтказгич тармоқлари, темир йуллари, жанговор машиналар ва бошқа катта темир жисмлардан 40-50 метр узоқликда туриш керак.

**Дунё томонлари йўналишларини компас ёрдамида аниқлаш қуйидаги тартибда бажарилади:**


1. Тўғрилаш мосламаси нишон кўрсатгичи санок кўрсатгичининг нол бўлагига тўғрилаб, компасни ётиқ ҳолатда ушланади.

2. Магнит кўрсатгичи тўхтатгичини қўйиб юбориб, компасни шундай айлантериш керакки, унинг шимол томони нол ҳисоби билан тўғри тушиши керак.

3. Компасни ҳолатини ўзгартирмасдан, шимол томонни кўрсатиш учун олинган мўлжални, тўғрилаш мосламаси ва нишон кўрсатгичи орқали кузатилади.

Дунё томонлари йўналишлари ўзаро боғланган бўлиб, агар улардан бирортаси маълум бўлса, бошқа томонларини ҳам топиш мумкин.

Шимолнинг қарама-қарши томони *жануб*, ўнг томони *шарқ* ва чап томони *ғарб* бўлади.



**Дунё томонлари йўналишларини осмон ёритгичлари ёрдамида аниқлаш.**

Компас бўлмаганда ёки худудда магнит майдони кучли бўлганлиги сабабли компас нотўғри йўналиш кўрсатган ҳолларда, дунё томонларини

осмон ёритгичлари ёрдамида аниқлаш мумкин: **кундузи - куёш, кечаси - ой ва юлдузлар** жойлашуви ёрдамида.

Шимолий ярим шарда куёш тахминан соат **7.00** да – **шарқда**, **13.00** да – **жанубда**, **19.00** да – **ғарбда** кўринади.

Дунё томонларини куёш билан аниқроқ топиш учун, рақамли қўл соатларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Соат кўрсатгичини куёшга тўғрилаб, уни ётиқ ҳолатга келтирамиз. Соат кўрсатгичи билан **1** рақами орасидаги бурчакни тўғри чизик билан иккига бўламиз. Шу чизик йўналиши жанубни, унинг орқа томони эса шимолни кўрсатади. Бу усулни қўллашда, соат кўрсатгичини **13.00 гача** ўтадиган бўлагини **тушликгача**, **13.00 дан кейинги** бўлагини эса **тушликдан сўнг** иккига бўлиш керак.



### Юлдуз ёрдамида дунё томонларини аниқлаш.

Қутб юлдузининг доимий жойлашуви шимолда бўлади. Қутб юлдузи кичик айиқ юлдузлари туркумига киради. Кечаси, булутсиз хавода қутб юлдузини катта айиқ юлдузи ёрдамида аниқ топиш мумкин. Катта айиқ туркумидаги икки четки юлдуздан фикран тўғри чизик ўтказилади ва бу чизик, икки юлдуз орасидаги масофадан беш марта узоқ масофага давом эттирилади. Шунда, давом эттирилган бу чизикнинг учи, қутб юлдузига тўғри келади. Бу юлдуз бизга доимо ҳаракат йўналишини ушлаш учун мустаҳкам мўлжал бўлиб хизмат қилади, чунки унинг осмондаги ўрни ҳеч қачон ўзгармайди. Қутб юлдузи ёрдамида йўналишни аниқлаш 2-3 даражага фарқ қилиши мумкин.




Ой тўлиб турганда дунё томонларини унинг ёрдамида беҳато аниқлаш мумкин. Қўйидаги жадвалда дунё томонларини ой ёрдамида қандай аниқлаш кўрсатилган.

Жадвал

Ойнинг тузилиши	Вақти		
	19.00	01.00	7.00
1.Биринчи чорак (ойнинг ўнг ярми)	Жануб	Ғарб	-
2. Ой тўлганда	Шарқ	Жануб	Ғарб
3. Охирги чорак (ойнинг чап ярми)	-	Шарқ	Жануб

### Дунё томонларини маҳаллий жисмлар ёрдамида аниқлаш.

Агар компас бўлмаса ёки осмон ёриткичлари кўринмаса, дунё томонларини маҳаллий жисмлар ёрдамида аниқлаш мумкин.



Дарахтлар танасини, тошлар ва тўнкаларни бақатуни ва лишайник қоплаган бўлади, агар бақатуни бутун танани қоплаган бўлса, унда шимол томонида, айниқса томирига яқин жойда кўпроқ бўлади.

Дархтлар пўсти шимол томондан кўполроқ ва тўқ рангда бўлади.

Баҳор ойларида ўт-ўланлар, алоҳида турга дарахт, тош, тўнкаларнинг жанубий томонидан қалинроқ ўсади.

Чумоли уяси асосан дарахт ва тўнкаларнинг яқинида, жануб томонда жойлашган бўлади, улар шимолга қараганда жануб томонга қияроқ бўлади.

Тоғларнинг жанубий ён бағирларидаги қорлар шимолга нисбатан тезроқ эрийди.

### Масофани шовқин эшитиш орқали аниқлаш.

Эшитиш қобилияти яхши бўлса, тунда масофа ўлчаш осон бўлади. Бу усулни сермахсул қўллаш учун эшитиш жойини тўғри танлаш керак.

Танланган жойда, шамол тўғридан-тўғри қулоққа кирмайдиган бўлиши зарур. Атрофдан бир неча метр узоқлида шовқин чиқариши мумкин бўлган жисмлар (қуриган ўтлар, бутазор шохлари, қуруқ барглар ва х.к.з) йўқотилади. Шамолсиз ва овоз яхши эшитиладиган тунда шовқин чиқарувчи жисмларгача бўлган узоқлик масофаси қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

Шовқин чиқарувчилар	Эшитилиш узоқлиги, м
Одам қадами	40
Синган шох	80
Паст овоз, қурол ўқланиши	100
Дарахт кесилиши ёки арраланиши, (болта овози)	300
Кесилган дарахт йиқилиши	600
Йўлдаги техника харакати	800
Шағал йўлдаги танк харакати.	2000

## **2-ўқув саволи: Топографик хариталарни мазмуни, разграфкаси ва номенклатураси.**

Топографик харитада жойнинг барча муҳим элементлари акс этади, булар рельеф, гидрография, тупроқ ва ўсимлик қоплами, йул тизими, чегаралар, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-маданият объектлари ва ҳоказолардир.

*Худудни харитада тўла акс эттириши.* Топографик хариталарда худуднинг ҳамма муҳим элементлари тасвирланади: рельеф, гидрография, ўсимликлар ва тупроқ, саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа объектлар. Харита масштаби қанчалик катта бўлса, унда объектлар шунчалик катта ва батафсил кўрсатилади.

Картографик шартли белгилар харитадаги турли ҳил объектларнинг белгилари ва уларнинг сифат ҳамда миқдорий томонларини ифодалайди. Топографик хариталарни яратиш билан машғуи бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳамма ташкилотлар учун шартли белгилар, стандарт ва мажбурийдир.

Ҳамма йирик масштабли хариталарда битта объектнинг шартли белгилари ўзининг чизилиши ва рангланиши жиҳатидан асосан бир хилдир ва улар ўлчамлари билангина фарқ қиладилар. Бир ҳил турдаги объектларнинг ҳар бир гуруҳи учун умумий шартли белги ўрнатилади ва у предметнинг турини аниқлаб беради. Улар, одатда чизиш ва эслаб қолишга қулай бўлиши учун оддий кўринишга эга бўлади, ўзларининг расмлари ёки ранглари орқали тасвирланаётган маҳаллий предметни эслатади ва бирон бир белгисини ифодалайди. Картографик шартли белгилар қўлланилиши ва геометри хусусиятларига кўра, уч турга бўлинади: чизиқли, масштабсиз ва майдонлар. Хариталарда шартли белгилардан ташқари, тасвирланган объектни ва унинг турини, шунингдек уларнинг миқдорий ва сифат хусусиятларини тавсифловчи ёзувлар қўлланилади.



Чизиқли картографик шартли белгилар билан чизиқли кўринишга эга бўлган объектлар тасвирланади ва уларнинг узунлиги харита масштаби бўйича ифодаланади: йўллар, нефт қувурлари, электр узатиш тизимлари ва бошқалар.


Масштабсиз картографик шартли белгилар билан харита, масштаби бўйича тасвирланмайдиган объектлар ва майдонлар акс эттирилади. Худуддаги объектнинг жойлашиш ҳолати симметрик шаклдаги белги марказига, белги асоси марказига мос келади. Майдонли картографик шартли белгилар билан харита масштабида ифодаланмайдиган объектлар майдонлари тасвирланади. Объект (ботқоқлик, ўрмон массиви ва шунга ўхшаш) лар контури (чегараси) ичига чизилган майдонли белгилар уларнинг худуддаги ҳолатини кўрсатмайди.

Тушунтирувчи ёзувлар худуддаги объектлар ҳақида қўшимча маълумотлар беради, яъни объектларнинг номлари, уларнинг вазифаси ва миқдор, ҳамда сифат тавсифномалари. Баъзи ҳолларда ёзувлар шартли белгилар билан биргаликда кўрсатилади, масалан, ўрмонларни тавсифлашда дарёдаги сувнинг оқилаш йўналишини белгилашда, ботқоқлик чуқурлигини кўрсатишда. Тушунтирувчи ёзувлар тўлиқ ёки қисқартирилган бўлиши мумкин.

Топографик хариталар ҳамма масштаблар учун ягона бўлган ранглинишга эга бўлади. Ранг маълум бир даражада маҳаллий предметнинг ёз вақтидаги ҳақиқий рангига мос келади. Қора рангда тупроқ йўллар, чегаралар, турли хил қурилишлар, иншоотлар, кўк рангда гидрография, жигар ранг билан рельеф ва кумлик юзалар, яшил рангда ўсимликлар қоплами ифодаланади. Анча муҳим объектлар (шаҳарлар, қопламасиз автомобил йўллари ва шунча ўхшашлар)нинг шартли белгилари жигар ранг билан тасвирланади.

### **Топографик хариталарнинг разграфикаси ва номенклатураси**

Топографик хариталарнинг ҳар бир саҳифаси трапеция шаклидаги рамкага эга бўлиб, унинг юқори ва пастки томонлари параллеллар, ён томонлари эса меридианлар ҳисобланади. Хариталарнинг алоҳида саҳифаларга бўлиниши хариталарнинг *разграфикаси* деб аталади, кўп саҳифали хариталарнинг белгиланиши эса хариталар *номенклатураси* дейилади. Хариталарнинг саҳифаларга бўлинишига асос қилиб олинган географик сеткадан унинг саҳифасида тасвирланган ер шари ҳар қандай майдонининг жойлашган ҳолатини аниқлаш мумкин. Ундан ташқари, харита томонларининг меридианлар ва параллеллар билан мос келиши харита саҳифаларининг горизонт томонларига нисбатан жойлашувини кўрсатади, яъни рамканинг юқори томонидаги шимолий ярим шар шимолни, пастки ярим шар жанубни, чап томон ғарбни ва ўнг томон шарқни ифодалайди.



1:1000000 масштабли хариталар саҳифаларининг жадвали.

Турли масштабли хариталар саҳифаларининг стандарт ўлчамлари жадвалда кўрсатилган.

Хариталарнинг масштаблари	Саҳифаларнинг ўлчамлари		Худудда мос келади (тахминан)	
	кенглик бўйича	узунлик бўйича	Рамка саҳифасининг ёнлама узунлиги (км)	Саҳифалар юзалари (54° кенгликда) км <sup>2</sup>
1:25 000	5'	7,5'	9	75
1:50 000	10'	15'	18	300
1:100 000	20'	30'	37	1 200
1:200 000	40'	1°	74	5 000
1:500 000	2°	3°	220	44 000
1:1 000 000	4°	6°	440	175 000

### Харита саҳифалари номенклатураси

У ёки бу масштабли ва ҳудуддаги керакли харита саҳифасини осон ва тезда топиш учун ҳар бир саҳифага маълум бир қоидага асосланган ҳолда, ҳарfli ва рақамли белги қўйилган.

N-37-4

А		Б	
а	б	Г	
В			
в	г		

N-37

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
I			II			III		IV		V	
13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24
VI		A		IX		X		Б		XII	
25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36
37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47	48
XIII		XIV		XV		XVI		XVII		XVIII	
49	50	51	52	53	54	55	56	57	58	59	60
61	62	63	64	65	66	67	68	69	70	71	72
XIX		XX		XXI		XXII		XXIII		XXIV	
73	74	75	76	77	78	79	80	81	82	83	84
85	86	87	88	89	90	91	92	93	94	95	96
XXV		B		XXVII		XXVIII		Г		XXX	
97	98	99	100	101	102	103	104	105	106	107	108
109	110	111	112	113	114	115	116	117	118	119	120
XXXI		XXXII		XXXIII		XXXIV		XXXV		XXXVI	
121	122	123	124	125	126	127	128	129	130	131	132
133	134	135	136	137	138	139	140	141	142	143	144

Хаританинг ҳар бир саҳифаси ушбу қаторга мос келадиган лотин алифбосининг бош ҳарфлари билан ва устунларга мос келувчи номерлар араб рақамлари билан белгиланади. Харита саҳифаларининг бундай белгиланиши унинг номенклатураси деб аталади. Ҳар бир саҳифанинг номенклатураси харита рамкасининг шимолий томонида кўрсатилади. Саҳифа номенклатураси ёнига ушбу харитада жойлашган анча йирик аҳоли пунктининг номи ёзиб қўйилади. Шунингдек, ҳар бир саҳифада унга қўшни бўлган саҳифаларнинг номенклатуралари ҳам кўрсатилади. Бу ёзувлар хаританинг тўрт томони ташқи рамкаларининг ўртасига жойлаштирилади.

Кенглик бўйича  $4^\circ$  ва узоқлик бўйича  $6^\circ$  ли миллионлик харита саҳифасининг халқаро разграфикаси топографик хариталарнинг номенклатурасига асос қилиб олинган. Разграфиканинг дастлабки параллели экватор, дастлабки меридиани эса Гринвич меридианидан  $180^\circ$  узоқликдаги меридиан ҳисобланади. Кенглик бўйича  $4^\circ$  ли саҳифалар **қаторлар** деб аталади. Саҳифаларнинг қаторлари латин алифбосининг бош ҳарфлари билан (А дан V гача) экватордан кутблар томон белгиланади.

Меридианлар оралиғидаги саҳифалар **устунлар** деб аталади. Саҳифалар устунлари 1 дан 60 гача бўлган араб рақамлари билан белгиланади ва уларнинг ҳисоби Гринвич меридианидан  $180^\circ$  узоқликдаги меридиандан бошланиб, ғарбдан шарққа томон олиб борилади. Ҳар  $4^\circ$  дан параллеллар ва  $6^\circ$  меридианлар ўтказилганида, ернинг бутун юзаси трапецияларга бўлаклаб ташланади, ўз навбатида, уларнинг ҳар бири 1:1000000 хаританинг бир саҳифасига тўғри келади.

Миллионлик харита саҳифаларининг кенглик бўйича устунлари Гаусс лойиҳаси асосида топографик харита тузишда ер юзаси эллипсоидини бўлақларга бўладиган олти градусли зоналарга мос келади. Уларнинг фарқи рақамланишида, холос: зоналарни ҳисоблаш бошланғич (Гринвич) меридиандан, миллионлик харита саҳифаларининг устунлари эса  $180^\circ$  ли меридиандан бошлаб ҳисобланади, натижада зоналар номерлари устунлари номерларидан 30 га фарқ қилади; шунинг учун харита саҳифаси номенклатурасини билиш орқали унинг қайси зонага тегишли эканлигини, шунингдек зонанинг рақами бўйича устунни осон аниқлаш мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳрининг харита саҳифаси 12-зонада жойлашган ( $42-30=12$ ), худди шунингдек устунни ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳри 12 зонада, бу ҳолда, устун 42 бўлади ( $12+30=42$ ). Агарда зона 30 дан кичик бўлса, унга 30 ни қўшиш зарур, агар 30 дан катта бўлса, 30 ни айириш зарур.

***Миллионлик хаританинг битта саҳифасидан қуйидагилар ҳосил қилинади:***

– 500 000 лик тўртта харита саҳифаси, улар А, Б, В, Г (К-42-А) бош ҳарфлар билан белгиланади;

– 200 000 лик 36 та харита саҳифаси, улар I дан XXXVI гача бўлган рим рақамлари билан белгиланади ҳамда уларнинг номенклатураси К-42-XXII каби шаклда ёзилади;

– 100 000 лик 144 та харита саҳифаси, улар 1 дан 144 гача бўлган араб рақамлари билан белгиланади ва уларнинг номенклатураси К-42-28 каби шаклда ёзилади.

***Юз минглик хаританинг битта саҳифаси қуйидагилар ҳосил қилинади:***

– 50 000 лик 4 та харита саҳифаси, улар кирилл алифбосининг А, Б, В, Г ҳарфлари билан белгиланади ҳамда уларнинг номенклатураси К-42-28-А каби шаклда ёзилади;

– 25 000 лик 16 та харита саҳифаси, улар кирилл алифбосининг а, б, в, г кичик ҳарфлари билан белгиланади ҳамда уларнинг номенклатураси К-42-28-А каби шаклда ёзилади;

– 10 000 лик 64 та харита саҳифаси, улар 1, 2, 3, 4 араб рақамлари билан белгиланади ҳамда уларнинг номенклатураси К-42-28-А-а-1 каби шаклда ёзилади.


Масштаб	Ҳарфли-рақамли номенклатураси
1:1 000 000	К-42
1:500 000	К-42-А
1:200 000	К-42-XXII
1:100 000	К-42-28
1:50 000	К-42-28-А
1:25 000	К-42-28-А-а
1:10 000	К-42-28-А-а-1

Разграфика, саҳифалар сони, уларнинг ўлчамлари ва номенклатуралари жадвалида кўрсатилган.

Хариталар масштаблари	Ушбу саҳифани ҳосил қилиш учун дастлабки саҳифа	Дастлабки саҳифадан ҳосил бўладиган саҳифалар миқдори	Саҳифанинг ўлчамлари		Дастлабки саҳифада саҳифаларни (рақамлаш) белгилаш	Номенклатураларнинг ёзилиш намуналари
			Кенглик бўйича	Узоқлик бўйича		
1:1000000	дастлабки	1	4°	6°	-	N-36
1:500000	1:1000000	4	2°	3°	А, Б, В, Г	N-36-Г
1:200000	1:1000000	36	40'	1°	I, II...XXXVI	N-36-XII
1:100000	1:1000000	144	20'	30'	1, 2.....144	N-36-24
1:50000	1:100000	4	10'	15'	А, Б, В, Г	N-36-12-Б
1:25000	1:50000	4	5'	7,5'	а, б, в, г	N-36-41-В-в
1:10000	1:25000	4	2,5'	3,75'	1, 2, 3,4	N-36-41-В-в-1


### Харита бўйича ўлчаш

Юза даражалари учун лойиҳалаштиришган топографик хариталарни яратишда ҳудуддаги барча объектларнинг чизиқли ўлчамлари муайян даражада кичрайтирилади. Бундай кичрайтириш даражаси *хаританинг масштаби* дейилади. Масштаблар сон билан ифодаланган (сонли масштаб) ёки жадвал кўринишида (чизиқли, кўндаланг масштаби) бўлиши мумкин.



### Эгри йўллар узунлигини ўлчаш

Харита орқали эгри йўллар узунлигини ўлчашда одатда курвиметрдан фойдаланилади.



### Курвиметр КУ-А:

- 1 – асос; 2 – шкала;
- 3 – стрелка; 4 – кўрсаткич;
- 5 – юргизадиган ғилдирак

Стандарт курвиметр харитадаги масофаларни ўлчаш учун зарур асбоб бўлиб, бир томони метрик (0 дан 100 см.гача), бошқа томони дюймли (0 дан 30,4 дюймгача) бўлган иккита шкаладан иборат. Курвиметр механизми айлана ғилдиракли бўлиб, у тишли узатиш тизими орқали стрелкага уланган. Харитадаги чизиқ узунлигини ўлчаш учун олдин ғилдиракни айлантириб, курвиметр милини шкаланинг бошланғич бўлмасига қўйиш, кейин айланма ғилдиракни ўлчанаётган чизиқ бўйлаб юргизиш керак. Курвиметр шкаласи бўйича олинган натижани харита масштаби катталигига қўпайтириш зарур.

Курвиметрнинг тўғри ишлаши олдиндан маълум бўлган чизиқ

узунлигини, дейлик, харитадаги километр сеткали чизиклар ўртасидаги масофани ўлчаш орқали текширилади. Курвиметр билан 50 см узунликдаги чизиқни ўлчашдаги хато 0,25 см.дан ошмайди.

### **3-ўқув саволи: Топографик хариталар билан ишлаш.**

#### **Жойни харитада ўрганиш.**

Топографик харита жой тўғрисида маълумот олишда асосий манбаалардан биридир. Харитада харакатлар олиб бориладиган худудни қанча узокликда бўлишидан қатий назар, ундаги жойни тактик ва ғимоя хусусиятларини, тавсифини тез баҳолаш ва ўрганиш мумкин. Бунда харита, бўлинма команлирлари учун жангни ташкиллаштириш ва олиб боришда, шунингдек бошқа жанговор вазифалар (истихборот, кузатув, қидирув, пистирма ва х.к.з.) бажаришда рельефни шакллари ва тузулишини, кўп маҳаллий жисмларни сон ва сифат хусусиятларини батафсил олишда амалий қизиқиш уйғотади. Жойни харитада ўрганишда уни тузилгандан бери ўтган вақт мобайнида жойларда харитада тасвирланмаган ўзгаришлар бўлганлиги мумкин, яъни харита тасвири қандайдир меъёрда жойнинг айна вақтдаги ғақиқий ғолатига тўғри келмайди. Шунинг учун, жойни харитадан ўрганишни, харитани ўзи билан танишиш ва уни ишга тайёрлашдан бошлаш тавсия этилади.

#### **Харита билан танишиш ва уни ишга тайёрлаш.**


Харита билан танишишда чегара ортида берилган маълумотлардан, ўлчами, рельеф кесимма баландлиги ва харитани тузилган вақти аниқланади. Ўлчами ва рельеф баландлиги кесиммасини баландлиги тўғрисидаги маълумот, маҳаллий жисмларни, рельеф шаклларини ва қисмларини берилган харитада мукамал тасвирлаш даражаси имконини беради. Ўлчам кўрсаткичини билган ғолда, маҳаллий жисмларни ўлчамини ёки уларни бир – биридан узоклигини тезроқ аниқлаш мумкин. Харитани тузилган вақт ғақидаги маълумот, уни жойни ҳақиқий ҳолатига тўғри келишини олдиндан аниқлаш имконини беради. Ундан кейин, йўналиш тўғрилигини, магнит кўрсаткичи ёндошини ўлчами ўқилади ва имкон борича эслаб қолинади. Йўналиш тўғрилигини ёддан билган ғолда дирекцион бурчакларни магнит азимутларига тез айлантириш ёки харитани жойларда километр тўрининг чизиғидан мўлжаллаш мумкин.

#### **Харитани ишга тайёрлаш.**

Харитани ишга тайёрлашга елимлаш, кўтариш ва қайта таклаш киради. *Харитани елимлаш.* Амалиётда шундай бўлиши мумкинки, ўрганилаётган жойнинг майдони ёки харакат йўналиши бир варағдан бошқасига, баъзи ҳолларда эса бир неча ёнма – ён варақларга ўтади. Харитани алоҳида варақларида ишлаш ноқулайлиги учун, уларни елимлаш керак бўлади.

Бунинг учун, харита варақлари номенклатурасига қараб терилади ва кесим керак бўлган жойларни белгиланади. Бунда четдагидан ташқари ғамма

варақларда ўнгдаги (шарқий) ва пастдаги (жанубий) томонлари кесилади, четдаги варақларда елимланадиган томонларгина кесилади (53-расмга қаранг)



Одатда, олдин варақлар қатор бўйича ундан кейин эса қаторлар ўзаро ўнгдан – чапга елимланади. Елимлаш учун, хар бир юқоридаги варақ юз томони билан пастгисига қўйилади ва хар икки варақлар четига бир текисда юпка қилиб елим суртилади. Сўнг устки варақни оғдариб, уни пастки варақнинг шимолий тарафига чегара томонларини шунингдек, километр тўрининг чизиқларини тўғрилаб бостирилади. *Харитани кўтариш*, вазифани бажаришда ахамиятга эга бўлган рельеф шаклларини ва қисмларини, алоҳида маҳаллий жисмларни аниқроқ ажратиш мақсадида ўтказилади. Яхши кўтарилган харита жойларда у билан ишлашни, айниқса истихборот қилишни ва харакат йўналишини ўрганишни енгиллаштиради. Харитани расм қаламлари билан кўтаришда, ажралиб турадиган иншоотларни шартли белгилари бўялади, уларни номлари ва сонли тавсифи белгиланади. Баъзида, харитада ўлчами катта бўлмаган шартли белгилар (кўприklar, миноралар, алоҳида қурилмалар ва х.к.) билан тавсифланадиган алоҳида маҳаллий жисмларни, шунингдек, ўлчами катта бўлган шартли белгиларни чизиш билан кўтарилади. Рельефни асосий шаклларини ва қисмларини кўтаришда, баландликларни юқори қисми бўялади (штрихланади), шунингдек қизиқтирувчи рельеф шаклини (пастликни, тизмани) ётиқ чизиқлари (горизонталлари) қалинлаштирилади.


Маҳаллий жисмларни алоҳида гуруҳлари қуйидаги ранглар билан: ўрмонлар, чакалакзорлар, боғлар ва бошқа ўсимликлар – *зангори*; дарёлар, ирмоқлар, кўллар, ботқоқликлар – *кўк*; йўллар – *жигар ранг*, аҳоли яшаш масканлари – *қора* рангларда бўяб кўтарилади. Рельеф – *оч жигарранг* рангида кўтарилади. Харитани кўтариш қоида бўйича, жойни бир вақтни ўзида ўрганиш билан ўтказилади ва ўрганиш натижасини унда тасвирланиши деб ьисобланади.

### **Харитани тахлаш.**

Харита билан жойларда ишлаш қулай бўлиши учун уни тахланади. Харитани тахланиши уни кўтарилишидан олдин ёки кейин бажарилиши мумкин. Харита билан хонада ишлаш учун, уни икки йўналишда ёнма – ён зич



холда (гармошка) тахланади: Олдин чўзилган томон йўналиши, кейин эса ташкил бўлган узун қисми тахланади. Жойларда харита билан ишлаш учун, харакатлар йўналиши бўйлаб ёки берилган йўналиш бўйича тахланади. Ёнма – ён зич тахланган харитани ўлчами, у сақланадиган сумка (папка) ўлчами билан аниқланади.



Ёнма – ён зич тахланган харитани қаватларини варақлаб, харитадаги керакли майдонни тез очиш мумкин. Елимланган харитани иш майдонида мўлжалланиш ва нишон кўрсатиш осонроқ бўлиши учун километр тўрининг чизиғини сонлар билан белгилаш фойдалидир.

**Хулоса:** Ҳурматли тингловчилар, бугунги машғулотида харитасиз ориентир олиш, топографик хариталарни мазмуни, разграфкаси ва номенклатураси ҳамда топографик хариталар билан ишлаш тартибини ўрганиб чиқдик. Бугунги машғулотида олинган билимларни мустаҳкамлаб боришимиз ва ўз кўникмаларимизни ошириш устида ишлашимиз лозим.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

1. Харитасиз ориентир олиш усуллари.
2. Топографик элементлар.
3. Топографик харитани ишга тайёрлаш

### **Назорат саволлари.**

1. “Топография” сўзининг маъносини нима?
2. Линейка орқали харитада нимани ўлчаса бўлади?
3. Рельеф деб нимага айтилади?
4. Худуднинг асосий топографик элементларига нималар киради?
5. Горизонт томонларни нималар ёрдамида аниқланади?
6. Компас стрелкасининг (қора, сариқ, оч кўк) рангли учи қайси томонни кўрсатади?
7. Кун давомида маҳаллий предметларнинг энг қисқа сояси соат нечада ҳосил бўлади?
8. Нуқтали ориентирлардан бирини аниқланг?
9. Чизикли ориентирлардан бирини аниқланг?
10. Майдонли ориентирлардан бирини аниқланг?

### 6.3 - МАВЗУ: ЭЛЕКТРОШОК ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ТАКТИК – ТЕХНИК ТАСНИФИ, ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

(2 соат маъруза)

#### Машғулот режаси:

1-ўқув саволи: АИР “М-140” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.

2-ўқув саволи: “Скарпион” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.

3-ўқув саволи: “Скала” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.

4-ўқув саволи: “ОСА-928” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.

**1-ўқув саволи: АИР “М-140” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.**

#### АИР “М-140” русумли электрошок қурилмаси



Мазкур, “М-140” русумли электрошок қурилмаси қурол кўринишида ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу кўриниш тартиббузарга қўшимча психологик таъсир кўрсатади. Ушбу электрошок ўзи ва қўшимча картриджи билан ҳам ихчам ва кийимда яширин равишда олиб юриш учун қулай.

Электрошок қурилмасини бириктирилган табель қуроли каби елкага осиб олинадиган қурол ғилофида ёки камардаги қурол ғилофида олиб юриш мумкин.



**АИР “М-140” русумли электрошок қурилмасининг таркиби.** Қурол кўринишидаги электрошок қурилмасининг ташқи кўриниши ва корпусининг ствол қисми:



– ЭШҚнинг ташқи кўриниши ва корпусининг ствол қисми (1);

– электродлари бўлган юқори вольтли ғалтакнинг диэлектрик бошчаси жойлашган (2) ва (3);

– байонет қулфи диэлектрик бошчанинг ён томонида (4) жойлашган бўлиб, функционал алмаштирса бўладиган

картридж (картридж “БТЭР”)ни қўйиш имконини бериб, у ҳуқуқбузарга масофадан туриб таъсир ўтказиш имконини беради;

– корпусининг ствол қисми пастида бошқарув тугмаси (тепки) жойлашган (5).

Электрошок қурилмасы корпусининг ўрта қисми:

- корпуснинг чап томонида лазерли мўлжалга олувчи (ЛМО) (6);
- корпуснинг ўнг томонида ёритгичнинг ёруғлик диодли фонари жойлашган қабарик қисми (7) (LED фонари).



Электрошок қурилмасы пистолет дастаги ва остки қисми:

- аккумулятор батареяси ечиладиган орқа қопқоғи (8);
- ечиладиган аккумуляторли батареяси (9) АКБ;
- маҳсулотнинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи OLED дисплейи (10);



- қўшимча учлик (насадка)ларни маҳкамлаш учун қурилма (11);
- ЭШҚнинг беҳосдан ўчиб қолишини олдини олувчи сақлагич (12);
- сервис тугмаси (13) (чуқурни ичида) ЭШҚнинг сервис функцияларини танлашга мўлжалланган.

Аккумуляторли батареяни (АКБ) ўрнатиш (ўзгартириш) тартиби:

АКБни ўрнатиш (ўзгартириш) учун АКБ бўлимининг орқа қопқоғини очиш (8) ҳамда АКБ бўлимига АКБни ўрнатиш (ўзгартириш) зарур.



АКБ бўлимга тепки контакт клеммалари ёрдамида АКБ заряд чуқурчаси ҳолатидан қатъий назар ўрнатилиши зарур. АКБ ўрнатилган (ўзгартирилган) дан сўнг АКБ бўлимининг орқа қопқоғини жойига қўйиш зарур.

Аккумуляторли батареяни зарядлаш тартиби.

Аккумуляторли батареяни зарядлаш учун (АКБ) бўлимининг орқа қопқоғини (8) ечиб олиш, АКБни бўлимдан чиқариб олиш зарур. Сўнгра АКБ заряд қурилмасига (14) (охиригача зич улаш керак эмас!) заряд қурилмасининг шнурини бириктириш (ЗУ) (15) керак, бунда заряд қурилмасида яшил ёруғлик диоди ёнади. Заряд симини маиший электр тармоғига (220В, 50 Гц) улаш зарур, бунда ёруғлик диодининг ранги яшилдан қизилга ўзгаради, бу заряд олиш бошланганлигини билдиради.



АИР “М-140” русумли электрошок қурилмасининг тактик-техник тавсифи:

1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача таъсир қуввати	7,0-10,0
Учкун разрядининг кучланиши	70,0-120,0
Ишлаш ҳароратининг диапазони, °С	-15°дан+50° гача
Ишдан чиқиш эҳтимоллиги 0,98 бўлганда ўртача ишлаш микдори, қувватланиш элементлари тугашини ҳисобга олмаган ҳолда ёқиб-ўчириш сони	3000
Қурилманинг узунлиги	154 ±2
Қурилманинг баландлиги	114 ±2
Қурилманинг кенглиги	42 ±1
Қурилманинг оғирлиги	0,250±0,03 гр.

Электрошок қурилмасини масофадан туриб ишлатиш учун иккита турдаги картридждан фойдаланиш мумкин.

Биринчи турдаги картридждан 4,5 метргача бўлган масофадан туриб фойдаланиш мумкин.

Иккинчи турдаги картридж 135 децибелга тенг шовқин чиқарувчи нур-шовқинли картридж ҳисобланади.

Картриджларни ўрнатиш даврида сақлагич юқорига кўтарилган ҳолда турган бўлиши лозим. Ушбу моделда картриджни тўғри ўрнатиш жуда муҳим, акс ҳолда у ишламайди. Масофадан туриб ишлатиладиган картриджларни электрошок қурилмасига ўрнатишда ЭШҚнинг картридж ўрнатиладиган қисмидаги махсус қулфга йўналиш бўйича горизонтал ҳолатга келгунча бураб қотирилади. Нур-шовқинли картридж ҳам юқоридаги каби горизонтал ҳолатга келгунча бураб қотирилади.



Электрошок қурилмаси созламаларини тўғрилаш учун унинг дастасидаги лед (LED) дисплейдан фойдаланилади.

Электрошок қурилмаси ишга туширилганда, дисплейда қуйидаги маълумотлар кўринади:


- аккумулятор қувватининг даражаси;
- маҳаллий вақт, соат ва дақиқа;
- электрошок қурилмасидан неча мартаба фойдаланилганлиги;
- электрошок қурилмасининг дастурий таъминот тури;
- ишлаб чиқарувчининг номи.




Электрошок қурилмаси менюсига кириш учун уни сақлагич ҳолатига қўйиб, дастакдаги сервис тугмасини ингичка жисм ёрдамида 10 сония давомида босиб турилади.

Экран менюси фаол ҳолатга ўтади, бироқ бу вақтда меню ёниқ вақтда электрошок қурилмаси нофаол ҳолатда бўлади, яъни ундан фойдаланиб бўлмайди. Менюда акс этган бирон бир функцияга кириш учун уни танлаб яна дастакдаги сервис тугмасини босиш керак. Керакли созламаларни амалга оширгандан сўнг уни хотирада сақлаш ёки ўзгартиришсиз қолдириш учун электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босилади.

Маҳаллий вақт, соат ва дақиқаларни созлаш - биринчи менюдан соат созламаси танланади. Бунда танланган ёзув алоҳида ранг билан ажралиб туради ва электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босилади, иккинчи соат ва сана созламалари кўринади. Дастлаб соат ва дақиқалар аниқ вақт режимида, ундан кейин йил, ой ва кун календарь бўйича созланади.



Электрошокдан неча маротаба фойдаланганли- гини кўриш менюси - биринчи менюдан “просмотр протокола” соzламаси танланади. Бунда танланган ёзув алоҳида ранг билан ажралиб туради ва электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босилади; - иккинчи жараёнда электрошок қурилмасидан фойдаланганлик тартиби, фойдаланилган санаси ва вақти кўринади.



Электрошок қурилмаси чироғини ёқиш учун қуйидаги амаллар кетма-кетликда бажарилади:

- электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва сақлагич ёқиб, тепки қўйиб юборилади;



- электрошок қурилмаси фонари ҳамда лазер нурини бир вақтда ёқиб туриш учун эса электрошок қурилмасини ҳаракатга келтириш тепкиси босиб турилади ва тепкини қўйиб юбормаган ҳолда ушлаб турилади, орадан 3 сония вақт ўтгач ўзингизга қулай бўлган режимни танлаб оласиз ва тепкини қўйиб юборасиз.



АИР “М-140” русумли электрошок қурилмасини қувватлаш учун қўшимча аккумулятордан фойдаланиш мумкин, қўшимча аккумулятор ҳам электрошокнинг дастагига ўрнатилади.



Аккумуляторни никел металл гибридли ҳамда литийполимерли турлари мавжуд. Аккумулятор ўрнатилгандан сўнг электрошок дастаги ушлаш учун янада қулай бўлади.

Бу турдаги электрошокга қўшимча "пикатини" қурилмасини ўрнатиш мумкин. Бу эса электрошокга яна бошқа мосламаларни ўрнатиш имконини беради.



## 2-ўқув саволи: “Скарпион” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.

“Скарпион” русумли электрошок қурилмаси бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган резина таёқ, яъни резина таёқ кўринишида ишлаб чиқарилган бўлиб, ундан нафақат электрошок сифатида, заруратга қараб резина таёқ сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

Мазкур электрошок, жиддий синовдан ўтган, кучли зарбга ва юқори чидамли корпусга эга. Бу турдаги электрошок қурилмаси мустаҳкам шиша толали материалдан тайёрланган. Унинг тутқичи сирғанмайдиган материалдан ишланган бўлиб, кафтда ушлаб туриш учун қулай ва қўлдан тушиб кетишини ёки тартиббузарлар томонидан тортиб олишига имкон бермайди. Унда билакка ўтказиб олинадиган махсус тасма (ип) мавжуд



“Скарпион” русумли электрошок қурилмасининг вазифаси ҳуқуқбузарга бевосита яқиндан алоқа қилиш вақтида ёки масофадан туриб очик жойда ва хоналарда катриджидан фойдаланган ҳолда унга юқори кучланишли бир қатор электр импульслар орқали нолатал таъсир қилишга мўлжалланган. Қурилма ҳуқуқбузарга рухий-жисмоний таъсир қилиш ҳамда овоз ва ёруғлик сигналини беришга мўлжалланган.

“Скарпион” русумли электрошок қурилмасининг сақлагичи бош бармоқ остида “Пуск” тугмачасининг ёнида жойлашган бўлиб, бу қисқа сонияларда электрошокни осонлик билан жанговар ҳолатига тушириш имконини беради.



Бу турдаги электрошок қурилмасини ҳам (шу жумладан, олдиндан ўрнатилган қўшимча картридж билан) камарга осиладиган махсус ғилофда олиб юриш мумкин.

“Скарпион” русумли электршок қурилмасини масофадан туриб қўллаш ва нур-шовқин чиқарувчи картриджлар ўрнатилиши мумкин. Ушбу моделда картриджни тўғри ўрнатиш жуда муҳим, акс ҳолда у ишламайди. Ушбу электрошокга картриджларни ўрнатиш даврида сақлагичини тутқичга қўйиш лозим. Картриджларни электрошокга ўрнатишда электрошокнинг картридж ўрнатиладиган қисмидаги махсус қулфга йўналиш бўйича бураб қотирилади.

Биринчи турдаги картридждан қўлланилганда 7,5 метр масофагача етиб боради, ушбу картриджни қўллаш учун масофа 4,5 метрдан узоқ ва

1 метрдан кам бўлмаслиги лозим, картриджнинг яхши самарали таъсир этиш масофаси 4,5 метр. Иккинчи турдаги элетрошок қурилмасига ўрна- тиладиган нур-шовқинли картридждан фойдаланилганда у ўзидан ёруғлик чақнаши ва 135 децибелга тенг шовқин чиқариши натижасида тартиббузар- нинг кўриш қобилияти вақтинча чекланиб, мувозанати йўқолади.

Нур-шовқинли картридждан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартиббузар ўртасидаги оралиқ масофа 1 метрдан кам бўлмас- лигини ёдда тутиш лозим, акс ҳолда картридж қўлланилган шахснинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин. Нур-шовқинли картриджни қўллаётганда ходим кулоқ битиб қолишини олдини олиш мақсадида ён томонга бурилиб, оғзини катта очиб туриши тавсия этилади.

Бундан ташқари, нур-шовқинли картридждан фойдаланиб бўлгандан кейин электрошокдан фойдаланишни давом эттириш мумкин.

Бу турдаги электрошок қурилмасига қўшимча ўрнатиладиган кучли ёритувчи фонар ҳамда 120 децибелга тенг кучли овоз чиқарувчи «Сирена» қурилмаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Электрошок қурилмасига фонар ҳамда овоз чиқарувчи қурилма осонлик билан ўрнатилади ва ечиб олинади. Бунинг учун электрошок қурилмасини дастак қисмини ҳимоя тасмаси ўрнатилган қопқоқ қисми бўшатилиб, унинг ўрнига қурилмани ўрнатиш кифоя бўлади.



Электрошок қурилмасига қўшимча қурилма ўрнатиладиган тақдирда ҳам унинг барча аввалги функциялари йўқолмайди. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида электрошок қурилмасидан инсон танасига теккизган ҳолда ҳамда масофадан туриб қўллаш мумкин.

Электрошок қурилмасини тўғри ва самарали қўллаш учун уни мунтазам равишда электр манбаи билан қувватлантириб туриш керак.

Қувватлантириш жараёни оддий, кўп вақт ва ҳаракат талаб қилмайди. Қувватлантириш қурилмасини улаш учун электрошокни дастак қисмидаги ҳимоя тасмаси ўрнатилган қопқоқ қисми очилади ва қувватлаш қурилмаси уланади, қурилмасини қувватлантириш учун 220 вольт кучланишга эга электр тармоғига уланади.

Қувватлантириш жараёни амалга ошириладиганда аккумуляторнинг яшил чироғи ёркинроқ ёнади, бу эса аккумуляторнинг қувватланаётганлиги- дан далолат беради.



Тавсия:

Электрошок қурилмасини қувватлантириш жараёнида ёқиш мумкин эмас, 8 соат давомида қувватлантирилганидан сўнг уни ишлашини текшириб кўриш мумкин. Бундан ташқари, зарурият туғилганда электрошок қурилмасини автомашинани қувватлантириш қурилмасига улаш орқали ҳам қувватлантириш мумкин.

“Скарпион” русумли электршокернинг тактик-техник тавсифи:

1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача

таъсир қуввати

7,0-10,0;

Учқун разрядининг кучланиши

70,0-120,0;

Ишлаш ҳароратининг диапазони, °С

–20°дан+50 ° гача.

Габарит ўлчамлари	Скарпион 250-А/250-- АЦ	Скарпион 350-А/350-- АЦ	Скарпион 500-А
Узунлиги, мм.	286±2	339±1	550±5
Диаметри, мм.	52,5±1	52,5±1	52,5±1
Оғирлиги, гр.	480±20	580±20	780±20

Айрим ҳолларда электрошокнинг аккумуляторини зудлик билан алмаштириш зарурияти юзага келиши мумкин.

“Скарпион” русумли электрошокларнинг барча моделлари учун кўшимча аккумуляторлар манбалари ишлаб чиқарилади.

Бундай вазиятларда ходим мустақил равишда оддий қўл фонарини батареясини ўзгартириш каби электрошокни қувват манбаини алмаштириб олиши мумкин.

Аккумулятор, зарур ҳолатлар юзага келишини, тунги вақтни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган, уни манфий ёки мусбат томонини ажратиш талаб этилмайди, аккумулятор ҳар қандай усулда электрошокга жойлаштирилиши мумкин.



**3-ўқув саволи. “Скала” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.**

“Скала” русумли электрошок қурилмаси қалқон (шит) кўринишида бўлиб, ушбу электрошок қалқони тўғридан-тўғри механик таъсир яъни, таёқ, темир жисм, тош ёки оёқ билан зарба берилиши мумкин бўлган ҳолларда ҳимояланиш учун мўлжалланган.

“Скала” русумли электрошок қалқонининг корпуси енгил ва бардошли қуйма поликарбонатдан тайёрланган бўлиб, бу нафақат зарбадан ҳимоя қилишда ишончли бўлиб, балки олиб юриш учун ҳам қулайдир.





Қалқон эргономик тутқичга эга бўлиб, тутқичнинг ёнида сақлагичдан олиш тугмаси ва «ишга тушириш» тугмаси мавжуд.

ИИО ходимлари оммавий тартибсизликлар юзага келган вақтда бу турдаги қалқонлардан жамоат тартибини сақлаш, тартиббузарларга самарали таъсир чораларини кўрсатиш учун фойдаланадилар.

Тартиббузарлар томонидан улоқтириладиган тошлар ёки таёқлардан сақланиш учун қалқонларни ёпиб, ички ишлар органлари ходимлари тартибсизликни ташкил этган ташкилотчи ёки уларнинг етакчисини оломон орасидан ажратиб (тортиб, чиқариб) олади.

Бу вақтда ходим қалқондаги электрошок функциясидан фойдаланади. Бунинг учун қалқонга ўрнатилган ишга тушириш яъни, “Пуск” тугмаси босилади.



Бу жараёнда электрошок қалқонининг токи махсус электродларнинг оқими орқали қалқоннинг ташқи томонига ўтади ва унга теккан тартиббузарларга таъсир кўрсатади.

Электрошок қалқони эса ходимларни ташқи механик таъсирлардан ишончли ҳимоя қилади.

Мазкур электрошок қалқонини аввалги қалқонлардан асосий фарқи шундаки, бу қалқонни оддий ёнда олиб юриш ва "Скарпион" русумли электрошок қурилмасини ўрнатиш зарурияти бўлмаган ҳолда ечиб олишимиз мумкин.

Қалқоннинг зарбга чидамли қисми, ташқи юзаси электр токини тез ва осон ўтказиш хусусиятига эга фальга билан қопланган:

- электрошок қурилмасини ўрнатиш жойи;
- қалқонни ишончли ушлаб туриш учун тутқич;
- юқори ҳамда пастки тутқичлар;
- пастки тутқичнинг ёнида электрошокни сақлагичи ва



ишга тушириш тугмаси жойлашади.

Қалқондан электрошок сифатида фойдаланиш учун электрошок қурилмасини пастки тутқичининг ёнига ўрнатилади

Қалқонни электр токи зарбасидан фойдаланиш учун электрошок сақлагичини ечиш ва ходим тартиббузар ўзига нисбатан энг яқин масофага келганда ишга тушириш яъни, “Пуск” тугмасини босиши лозим.

Бундай вазиятда электрошок қалқони тартиббузарга ваҳима уйғотувчи психологик таъсир кўрсатиб, унга электр зарба беради.

Зарурият юзага келганда қалқонга ўрнатилган электршокни осонлик билан ечиб олиб ундан электрошок ёки резина таёқ сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

*“Скала” русумли электрошок қалқонини тактик-техник тавсифи:*

Габарит	баландлиги -	1020±50мм.
ўлчамлари:	эни -	573 ±50 мм.
	қалинлиги -	116±20 мм.
электрошок қурилмаси билан оғирлиги -		4,1±0,5 кг.

электрошок қурилмасиз оғирлиги -	3,8±0,5 кг.
1 кОм, Вт оғирлик босими бўлганда ўртача таъсир қуввати-	7,0-10,0
уққун разрядининг кучланиши -	70,0-90,0 кВ
ишлаш ҳароратининг диапаъзони, °С -	-20 <sup>0</sup> +50 <sup>0</sup> гача
кийим устидан максимал таъсир кучининг пасайиши -	25%.

**Электрошок қалқонини қуйидаги ҳолатларда қўллаш тақиқланади:**

Электрошок қалқони ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан қўллаш тақиқланади. Бунда улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этилган ҳолатлар ҳамда гуруҳ бўлиб ҳужум қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Шу билан бирга, куч ишлатмасдан, жамоат тартибини бузмасдан, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишларни бартараф этиш вақтида электрошок қалқонини қўллаш тақиқланади.

**4-ўқув саволи. “ОСА-928” русумли электрошок қурилмасининг тузилиши, тактик-техник тавсифи ва ишлаш тартиби.**

“ОСА-928” русумли электрошок қурилмаси фаол мудофаа воситаси бўлиб, қонунбузарлар томонидан қилинган ҳужумни қайтариш ва тўғридан-тўғри ҳаракатларини сусайтириш учун қўлланилади. Элекшокер қурилмасининг комплектида камарга тақиладиган чехол ва қувватлаш мосламаси олиб юрилади.



Электрошок қурилмасининг юқори қисмида ўтказгич тугмаси билан ишлаб чиқарилган. Ушбу ўтказгич тугмаси қуйидаги уч функцияни бажаради:

- электрошокнинг ўчирилиши ўтказгич тугмасининг пастки ҳолати;
- электрошокнинг фонари ёқилиши ўтказгич тугмасининг ўрта ҳолати;
- электрошок жанговар ҳолатига келтирилиши ўтказгич тугмасининг юқори ҳолати.

Ўтказгич тугмаси жанговар ҳолатга келтирилганда юқори қисмида қизил чироқ ёнади, бу электрошокер жанговар ҳолатга келтирилгани ҳақида маълум қилади.



Электрошок қурилмасининг пастки қисмида қизил рангда 0 ва 1 рақам билан белгиланган қурилмани ҳаракатга келтириш тугмаси, бармоқлар учун ўйимлар мавжуд.



Қурилмани ҳаракатга келтириш тугмаси 0 рақамида турганда электрошокер ўчирилган бўлади, 1 рақамида босиб турилганда индукаторлари орасида электр учқуни ҳосил бўлади.



Электрошокерни олди қисмида фонар ва ток кучланишини ҳосил қилувчи индукатор ва унга уланган икки ёнга туширилган темир пластиналари жойлаштирилган. Темир пластиналарининг вазифаси қонунбузар қурилмани ушлаб олиб тортиб олмоқчи бўлганда унга юқори самарали таъсир қилишда темир пластиналарини қурилмадан ечиб олиш осон, индукатори бураб ечиб олинади, темир пластина чиқариб олинади ва индукатор жойига бураб қўйилади.

“ОСА-928” электрошокер қурилмасини қулайлиги шундаки уни бир қўлда жанговар ҳолатга келтириш ва қўллаш мумкин.

Қурилмани ҳаракатга келтириш тугмаси ва бармоқлар учун ўйимлар пастга қараган ҳолда ўнг қўлга олинади, кўрсаткич бармоғи ҳаракатга келтириш тугмасини устига, қолган учта бармоқлар бармоқлар учун ўйимларга қўйилади, бошмолдоқ бармоғи қурилмани юқорига қараб турган томонидаги ўтказгич тугмасига қўйилади.

“ОСА-928” электрошокер қурилмаси чехолга олд томони яъни ток кучланишини ҳосил қилувчи индукатори томони билан солинади ва бел камарида тақилган ҳолда олиб юрилади. Ушбу электрошокер қурилмасини қувватлантиришда қурилманинг остги қисмига қувватлаш мосламаси ўрнатилади ва 220 вольтда қувватлантирилади. Қурилмани қувватланиш давоми 2-3 соат.

*Электрошокер қурилмасининг тактик-техник таснифи:* қурилма пластик материалдан тайёрланган; оғирлиги 140 гр.; узунлиги 160 мм.; эни 45 мм.; қалинлиги 30 мм.; учқун разрядининг кучланиши 15 000 В.; 25 мм. қалин кийимдан ўтади.

**Электрошок қурилмаларини бошқа шахсий химоя ва фаол мудофаа воситаларидан афзаллиги:**

1. Электрошок қурилмасини ёпиқ жойларда, газдан химоя қилиш воситаларидан фарқли равишда қўллаш мумкин. Электрошок қўлланилган шахсда нафас етишмовчилиги ёки аллергия ҳолатлари кузатилмайди.

2. Электрошок қурилмаси қўлланилган шахснинг ўлимга олиб келмайди. Бошқа турдаги ўқотар қуролларида фарқли равишда электрошок қўлланилган шахсга ва ундан фойдаланган ходимга салбий таъсир кўрсатмайди ҳамда ток уриши тартиббузарнинг соғлиғига зарар етказмайди. Аксинча, тартиббузарга етказилган зарба натижасида уни шок ҳолатига келтириб, мувозанатини йўқотишига олиб келади. Электрошок қурилмаси қўплаб тиббий синовлардан ўтган. Уни қўллаш хавфсизлиги тегишли тиббиёт муассасалари томонидан тасдиқланган.

3. Электрошокни ҳайвонларга, айниқса итларга қарши ишлатиш самара беради.

**Электрошок қурилмаларидан фойдаланишда айрим фойдаланувчиларда қуйидаги нотўғри фикрлар юритилади:**

- электрошок қурилмасини ёмғирда ишлатиб бўлмайди;
- электрошок қурилмаси қўлланилаётганда тартиббузарга тегиш мумкин эмас, чунки электр оқими ундан фойдаланаётган ходимга ҳам таъсир қилади;
- электрошок қурилмаси ўлимга олиб келади;
- электрошок қурилмасини фақат инсон танасига теккизган ҳолда қўллаш мумкин;
- электрошок қурилмаси қалин, қишки кийимлар устидан таъсир қилмайди.

**Юқорида келтирилган фикрларга жавоб:**

1. Электрошок қурилмасини ҳар қандай об-ҳаво шароитида қўллаш мумкин бўлиб, шунчаки тартиббузарнинг баданига қурилмани қаттиқроқ босиш талаб этилади.

2. Бундай вазиятда электрошок қурилмасидан юборилаётган электр оқими электродлар орқали энг қисқа йўлдан тартиббузарнинг танасига ўтади ва фақат тартиббузарнинг зарба берилган жойига таъсир кўрсатади.

3. Инсон ҳаётига, ҳатто юрак қон томири билан оғриган шахсларга ҳам зарар етказмайди. Электрошок қурилмасининг таъсир кучи тартиббузарнинг шок ҳолатига тушиши ва мувозанатини йўқотиши учун етарли бўлади. Олиб борилган кўплаб тиббий синовлар натижаларига кўра электрошок қурилмаси тўғри қўлланилганда инсон саломатлигига зарар етказмайди.

4. Электрошок қурилмасида қўшимча картридж мавжуд бўлса, ундан масофадан туриб ҳам фойдаланиш мумкин. Картридж электродлари 4,5 метрдан 7,5 метргача бўлган масофага етиб боради.

5. Электрошок қурилмалари совуқ иқлим шароитларини ҳам инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, жемфер, пальто ва бошқа қалин кийимларни устидан ҳам таъсир этади. Йилнинг совуқ даврида, қалин кийим кийган тартиббузарларга қарши қўллашда таъсир ҳудудини кўпайтириш учун электрошок қурилмасини иложи борича инсон танасига босиброқ қўллаш лозим бўлади холос.

**Электрошок қурилмаларини қўллашда хавфсизлик қоидалари.**

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллашдан аввал улар қўлланилиши назарда тутилаётган шахсларга у ички ишлар органи ходими эканлигини айтиши, уларга нисбатан электрошок қурилмасини қўллаш нияти ҳақида огоҳлантириши ва ушбу шахсларга ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажариш учун имкон ва вақт бериши шарт.

Агар электрошок қурилмасини бўлинма (гуруҳ) таркибида қўлланилса, бундай огоҳлантириш ушбу бўлинма (гуруҳ) таркибига кирувчи ходимлардан бири томонидан берилади.

Агар электрошок қурилмасини қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирса ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллаш нияти ҳақида огоҳлантирмаслик ҳуқуқига эга.

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллашда юзага келган вазиятни, электрошок қурилмасини қўлланилиши назарда тутилаётган шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусияти ва хавфлилиқ даражасини, шу жумладан, кўрсатилаётган қаршилиқнинг хусусияти ва кучини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилади. Бунда ходим ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўлланилиши натижасида тан жароҳати олган фуқарога биринчи ёрдам кўрсатишга, шунингдек унга имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришга мажбурдир.

Электрошок қурилмаси қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органи ходими бевосита бошлиғи (командири)га дарҳол ахборот бериши ва электрошок қурилмасини қўлланилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида тегишли билдирги тақдим этиши керак. Ички ишлар органи ходимига фаол қаршилиқ кўрсатган ҳуқуқбузарга нисбатан электрошок қурилмасини қўлланилган ҳолатларда билдирги нусхаси прокурорга ҳам тақдим этилади.

Ички ишлар органи электрошок қурилмасини қўлланилганлиги натижасида:

фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса бу ҳақида имкон қадар қисқа, лекин йигирма тўрт соатдан ошмайдиган вақт ичида ушбу фуқаронинг қариндошларига ёки яқин шахсларига;

шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида прокурорга дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходими томонидан электрошок қурилмасини қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

**Қуйидаги ҳолларда электрошок қурилмасини қўллаш тақиқланади:**

- ҳар бир электрошок қурилмасининг ҳар бир турини ишлатиш бўйича йўриқномада белгиланган инсонга электр разряд таъсирини ўтказишнинг йўл қўйиладиган вақтини оширган ҳолда қўллаш;

- бир шахснинг ўзига нисбатан такроран 5 дақиқа ичида қўллаш;

- портлаш хавфи бўлган муҳитда, шу жумладан тез аланга оладиган ва портлаш хавфи бўлган моддалар мавжуд бўлган хоналарда қўллаш;

- инсон организмнинг рефлексоген (сезгир) жойлари (бош, бўйин, қориннинг устки қисми ва кўкрак қафасининг юрак қисми)га қўллаш.



Шунингдек, ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёки аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан, бундан уларнинг қуролли қаршилиқ кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно, шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намоёишларни бартараф этиш чоғида электрошок қурилмасининг қўлланилиши тақиқланади.



Электрошок қурилмаси билан муомалада бўлишда ички ишлар органи ходими қуйидаги хавфсизлик чораларини кўриши зарур:

хизмат ўташ чоғида электрошок қурилмасини ғилофда олиб юриш ва тегишли асосларсиз ундан чиқармаслик;

ишга туширилган электрошок қурилмасининг электродларига тегмаслик ва уларга қўлларни яқинлаштирмаслик;

ёнғин ва портлаш хавфи бўлган муҳитда ҳамда нам, шу жумладан ёмғирли шароитларда электрошок қурилмасидан имкон қадар фойдаланмаслик;

носоз бўлган электрошок қурилмасидан фойдаланмаслик ва уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш;

электрошок қурилмасини ўзга шахсга бермаслик.

### **Ходим эътибор қилиши лозим!**

Электрошок қурилмасини уч сониядан ортиқ вақт давомида қўллаш тавсия этилмайди, чунки бу вақт максимал таъсирга эришиш учун етарли ҳисобланади. Аммо, электрошок қурилмасини бир сониядан кам вақт

давомида қўллаш электрошокни етарли таъсир кўрсатмаслиги билан бир қаторда тартиббузарни ғазаблантириб юбориши мумкин.

Ҳар доим электрошок қурилмасини кутилмаган ҳолатда қўллаш яхши самара бериб, электрошокни таъсир кучини ошириши кузатилган.

Электрошок таъсирида инсон танаси биринчи сонияда оғриқ зарбасини бошдан кечирса, иккинчи сонияда мушакларни бўшашиши ва мувозанатни йўқолишига олиб келади.

Барча электрошоклар тўғри ва узоқ вақт давомида хизмат қилиши учун бир нечта умумий қоидалар мавжуд:

- электрошокни мунтазам равишда қувватлаб туриш зарур. Агар электрошок узоқ вақт ишламай турган тақдирда ҳам камида бир йилда бир марта қувватлантириш талаб этилади.

- электрошокдан фойдаланилган бўлса уни қувватлантириш тавсия этилади;

- электрошокга сув ёки бошқа намлик тушганда, уни юмшоқ мато билан артиб қуриштириш лозим;

- электрошокни ишлатиш жараёнида носозликлар ёки бошқа муаммолар юзага келса, камчиликни бартараф этиш учун электрошокни хизмат кўрсатиш марказларига топшириш талаб этилади ва уни мустақил равишда демонтаж қилиш қатъиян ман этилади!

**Хулоса:** Ички ишлар органлари фаолиятида қўлланиладиган электрошок қурилмалари шахсий хавфсизликни ҳимоя қилган ҳолда улардан фойдаланиш ва уларни қўллашни тақозо этади.

Электрошок қурилмалари ёрдамида ички ишлар органларида тартиббузарларни бўйсундириш, содир этилган жиноятларни очишда ҳамда тезкор қидирув тадбирларида жиноятчиларни ушлашда фойдаланилади. Шу сабабли, барча тингловчилар электрошок қурилмаларини қўллашнинг ҳуқуқий асосларини ва қўллаш тартибини билиши лозим.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

1. ИИВнинг 2021 йил 19 январдаги “Ички ишлар органларида электрошок қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 29-сонли буйруғини ўрганиб, конспектлаштириш;

2. АИР “М-140”, “Скарпион”, “Скала” ва “ОСА-928” электрошок қурилмаларини жанговар хусусиятларини ёдлаб келиш;

3. Электрошок қурилмаларини қўллаш бўйича хавфсизлик чораларини ўрганиб конспектлаштириш.

## Назорат саволлари

1. Электрошок қурилмасини қандай ҳолатларда қўллаш тақиқланади?
2. Картриддан фойдаланаётган ходим билан қаршисидан келаётган тартиббузар ўртасидаги оралиқ масофа неча метрдан кам бўлмаслиги лозим?
3. АИР “М-140” русумли электрошок қурилмасини лазер ва фонарни ёқиш тартибини тушунтириб беринг.
4. Электрошок қурилмасини хайвонларга неча сониядан ортиқ қўллаш тақиқланади?
5. Электрошок қурилмасини қўллагандан сўнг кимга билдирги асосида ахбарот бериш шарт?
6. Электрошок қурилмаси билан муомалада бўлишда ички ишлар органи ходими қандай хавфсизлик чораларини кўриши лозим?
7. “Скарпион” русумли электрошокерга ўрнатилган қўшимча қурилма нечи децибелга тенг кучли «Сирена» овозини чиқаради?
8. Электрошок қурилмаси билан инсоннинг қаерига қўллаш тақиқланади?
9. Электрошок қурилмасини кимларга нисбатан қўллаш тақиқланади?
10. АИР “М-140” русумли электрошок қурилмасининг менюсига кириш тартибини тушунтириб беринг.

## 6.4-МАВЗУ: ИИОЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТ КИЙИМИНИ КИЙИШ ТАРТИБИ.

(2 соат семинар)

### Машғулот режаси:

1. Формали кийим-бошни кийиш бўйича умумий қоидалар.
2. Формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби.
3. Орден, медаль ёки уларнинг планкаларини ва кўкрак нишонларни тақиб юриш тартиби.

### 1-ўқув саволи: Формали кийим-бошни кийиш бўйича умумий қоидалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 июлдаги ПҚ-4394-сон “Давлат органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тартибини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш тартибини белгилайди.

Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 8 августдаги “Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби тўғрисида”ги 232-сонли буйруғи тасдиқланди.

Ички ишлар органлари ходимларига, ҳарбий хизматчиларига, таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантларига (кейинги ўринларда ходимлар



деб аталади) фақат мазкур Қоидалар билан белгиланган тартибда формали кийим - бошни кийиб юришга рухсат этилади.

Ички ишлар органларида формали кийим-бошнинг қуйидаги турлари кийилади:

- тантанали формали кийим-бош;
- кундалик формали кийим-бош;
- дала (камуфляжли) формали кийим-бош;
- махсус (махкама) формали кийим-бош.

Ушбу формали кийим-бошлар - эркаклар ва аёлларники, мавсумга қараб - қишки ва ёзгига бўлинади.

Формали кийим-бошни мавсумга қараб ўзгартириш тегишли ҳарбий гарнизон бошлиғининг буйруғи асосида амалга оширилади.

#### **Формали кийим-бош қуйидаги ҳолларда кийилади:**

- **тантанали формали кийим-бош** - расмий, байрам, тантанали ва халқаро тадбирларда, суд мажлисларида, оммавий ахборот воситалари билан учрашувлар ва интервьюларда, ўқув машғулотларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказиладиган йиғилишларда;

#### **Ёзги мавсумий тантанали формали кийим-бош офицер, сержант ва сафдорлар учун**



#### **Изоҳ:**

**эркаклар учун** – денгиз тўлқини рангли фуражка, китель ва шим, энги узун оқ кўйлак, галстук, оқ қўлқоп ва қора туфли;

**аёллар учун** – денгиз тўлқини рангли аёллар шляпаси, китель ва юбка, энги узун оқ кўйлак, аёллар галстуғи, оқ қўлқоп, тана рангли чулки, қора туфли.



**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – денгиз тўлқини рангли фуражка ва шим, енги калта оқ кўйлак, қора туфли;

**аёллар учун** – денгиз тўлқини рангли аёллар шляпаси, юбка, енги калта оқ кўйлак қора туфли.

**Қишки мавсумий тантанали формали кийим-бош.**



**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – денгиз тўлқини рангли қишки кепи (қулоқчинли телпак) ёки фуражка, эгаллаб турган лавозимининг унвон поғонаси полковник бўлганлар учун кулранг қоракўл телпак рухсат этилади, денгиз тўлқини рангли қишки иссиқ куртка, китель ва шим, оқ кўйлак, галстук, оқ кашне ва оқ кўлқоп, қора туфли.

**аёллар учун** – денгиз тўлқини рангли қишки кепи, қишки куртка, китель ва юбка, оқ кўйлак, аёллар галстути, қора колготка, қора этик, оқ кашне ва оқ кўлқоп.

- **кундалик формали кийим-бош** - кундалик хизмат фаолиятида бевосита аҳоли билан ишлашда (тезкор ва тергов бўлинмаларидан ташқари), хизмат йиғилишларида, ўқитувчилар дарс машғулотларида, шунингдек бўлинмаларнинг соҳасидан қатъий назар раҳбарлар таркибига кирувчи ходимлар томонидан;

**Ёзги мавсумий кундалик формали кийим-бош офицер, сержант ва сафдорлар учун**



**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – денгиз тўлқини рангли кепи, шим, енги калта кўйлак, қора туфли;


**аёллар учун** – денгиз тўлқини рангли аёллар шляпаси, юбка, енги калта кўйлак, қора туфли.



**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – денгиз тўлқини рангли кепи, шим, енги узун кўйлак, галстук, қора туфли;

**аёллар учун** – денгиз тўлқини рангли аёллар шляпаси, юбка, енги узун кўйлак, аёллар галстуги, тана рангли чулки, қора туфли.



**Изоҳ:** эркаклар учун – денгиз тўлқини рангли кепи, кундалик ярим жунли куртка, шим, энги узун кўйлак, трикотаж футболка ҳамда қора туфли.

### **Қишки мавсумий кундалик формали кийим-бош.**




#### **Изоҳ:**

**эркаклар учун** – қишки кепи ёки қулоқчинли телпак, (эгаллаб турган лавозимининг унвон поғонаси полковник бўлганлар учун кулранг қорақўл телпак ёки фуражка рухсат этилади), денгиз тўлқини рангли қишки куртка, ярим жунли куртка ва шим, энги узун кўйлак, галстук, қора туфли. Ҳаво ҳарорати совуганда, ярим жунли куртка билан жунли жемпер кийиб юришга рухсат этилади. Хизмат хоналарида курткасиз жунли жемпер кийиб юришга рухсат этилади;

**аёллар учун** – денгиз тўлқини рангли аёллар шляпаси, қишки куртка, ярим жунли куртка ва юбка, кўйлак, аёллар галстуғи, қора колготка, қора этик.

- дала (камуфляжли) формали кийим-бош - ўқув-амалий машғулотлар даврида, фавқулодда вазиятларда, ҳарбий (алоҳида) ҳолатда ва махсус операцияларни ўтказиш вақтида, шунингдек, курсантлар таълим муассасаси худудида;

**Ёзги мавсумий дала (камуфляжли) формали кийим-бош  
офицер, сержант ва сафдорлар учун.**



**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – “Соя” (кўкимтир, қора тусли) рангли кепи, тўғри бичимли енги калта куртка ва шим, трикотааж футболка (фуфайка), баланд қўнжли ботинка.

**аёллар учун** – “Соя” (кўкимтир, қора тусли) рангли кепи, енги калта куртка ва шим, трикотааж футболка (фуфайка), қора туфли.



**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – “Соя” (кўкимтир, қора тусли) рангли кепи, тўғри бичимли куртка ва шим, трикотааж футболка (фуфайка), баланд қўнжли ботинка;

**аёллар учун** – “Соя” (кўкимтир, қора тусли) рангли кепи, куртка ва шим, трикотаж футболка (фуфайка), қора туфли.

**Қишки мавсумий дала (камүфляжли) формали кийим-бош.**




**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – кулоқчинли телпак (эгаллаб турган лавозимининг унвон поғонаси полковник бўлганлар учун – кулранг қоракўл), “Соя” (кўкимтир, қора тусли) рангли иссиқ куртка ва шим, тўғри бичимли куртка ва шим, трикотаж футболка (фуфайка), жемпер, баланд қўнжли ботинка, қора жун қўлқоп;

**аёллар учун** – табиий теридан кулоқчинли телпак, “Соя” (кўкимтир, қора тусли) рангли иссиқ куртка ва шим, куртка ва шим, жунли жемпер, трикотаж футболка (фуфайка), баланд қўнжли ботинка, қора жун қўлқоп.


**Ёзги мавсумий махсус (махкама) формали кийим-бош офицер, сержант ва сафдорлар учун.**



**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – (кўк аралашмали кулранг тусли) кепи, енги калта тўғри бичимли куртка ва шим, трикотаж футболка (фуфайка), баланд қўнжли ботинка;

**аёллар учун** – (кўк аралашмали кулранг тусли) кепи, енги калта тўғри бичимли куртка ва шим, трикотаж футболка (фуфайка), қора туфли.




**Изоҳ:**

**эркаклар учун** – (кўк аралашмали кулранг тусли) кепи, тўғри бичимли куртка ва шим, трикотаж футболка (фуфайка), баланд қўнжли ботинка;

**аёллар учун** – (кўк аралашмали кулранг тусли) кепи, тўғри бичимли куртка ва шим, трикотаж футболка (фуфайка), қора туфли.

**Қишки мавсумий маҳсус (маҳкама) формали кийим-бош**



**Изоҳ:** кулоқчинли телпак (эгаллаб турган лавозимининг унвон поғонаси полковник бўлганлар учун – кулранг қоракўл), (кўк аралашмали кулранг тусли) иссиқ куртка ва шим, тўғри бичимли куртка ва шим, трикотаж футболка (фуфайка), жемпер, баланд қўнжли ботинка, қора қўлқоп.

махсус (махкама) формали кийим-бош - ушбу турдаги кийим-бошни кундалик хизмат фаолиятида кийиши белгиланган соҳа ходимлари томонидан вазифаларини бевосита хизмат хоналарида (бино, транспорт воситаси, ҳарбий қисм) амалга ошириш вақтида, аудитория машғулотларида ва хизмат йиғилишларида.

Ходимларга оммавий ва қишлоқ хўжалиги тадбирларига ҳамда йўл-патруль хизмати стационар постларига хизматни ўташга жалб қилинган вақтда махсус (махкама) формали кийим-бошни кийиб юришга рухсат этилади.

Ходимлар мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ хизматни формали кийим-бошда ёки формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларда ўтайди.

Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг махсус кийим-бошни кийиб юриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Хизматни формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларда ўташи белгиланган ходимлар мазкур Қоидаларнинг 6-иловасида белгиланган талабларга риоя этишлари лозим.

Мазкур Қоидаларнинг 3-бандида назарда тутилган формали кийим-бошларни бевосита хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган вақтларда кўча ва жамоат жойларида, шу жумладан шахсий ва жамоат транспортида хизматни ўташ жойига уйдан келиб-кетишда кийиб юриш таъқиқланади, кундалик хизмат фаолиятида бевосита аҳоли билан ишлайдиган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ҳамда Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармасининг саф бўлинмалари ходимлари бундан мустасно.

Йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда кийиладиган формали кийим-бошлар ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан, саф кўриги вақтида кийиладиган формали кийим-бошлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Формали кийим-бош белгиланган талабларга жавоб бериши ҳамда ҳар томонлама нуқсонсиз ҳолатда кийиб юрилиши лозим.

Ходимларнинг формали кийим-бошни ушбу Қоидаларда назарда тутилмаган, ўзгартирилган ҳамда тартибга келтирилмаган, тозаланмаган, шунингдек фуқаролик кийими билан аралаш ҳолда кийиб юришига йўл қўйилмайди.

## **2-ўқув саволи: Формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби.**



Офицер, сержант ва сафдор (шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи)ларга формали кийим-бошни кийиб юришда куйидагилар рухсат этилади:

- сафдан ташқари қишки кундалик формали кийим-бошни кийиб юришда қулоқчинли телпак ўрнига қишки кепи кийишга;

- кадрлар бўлинмаларининг жанговар, хизмат ва жисмоний тайергарликни ташкиллаштириш бўлинмалари ходимларининг хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, хизмат ўташ даврида махсус (махкама) формали кийим-бошни еки спорт кийимларини кийиб юришга

- ички ишлар органлари, қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар оркестр ва ансамбллари ходимлари расмий, ҳарбий, тантанали ва бошқа маданий-маърифий маросимларда, шунингдек телевидение орқали чиқишларида тантанали формали кийим-бош кийишга.

Бош кийимлар тўғри ҳолатда кийилади. Фуражка ва кепининг соябони кош даражасида, қулоқчинли телпакнинг олд қисмининг пастки қирраси кошдан 2 см. юқорида бўлади.

Формали кийим-бошнинг бош кийимларига мазкур Қоидаларнинг 7-иловасида белгиланган кокардалар тақилади.

Эгаллаб турган лавозимининг унвон поғонаси полковник бўлган ходимлар формали кийим-бош билан фуражка (қишки мавсумда кулранг қулоқчинли қорақўл телпак) кийишлари мумкин.

Ходимлар махсус (махкама) ва дала (камуфляжли) формали кийим-бошни хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, баланд қўнжли ботинка ўрнига қора рангли туфли билан кийишларига рухсат этилади.

Офицерлар таркибидаги ходимларнинг тантанали ва кундалик формали кийим-боши кўйлақларининг пастки қисми резина чок билан тикилган, сафдор ва сержантлар, шунингдек таълим муассасалари тингловчи ҳамда курсантларининг тантанали ва кундалик формали кийим-боши кўйлақларининг пастки қисми резина чок билан тикилмаган бўлади.

Ходимларнинг барча турдаги формали кийим-боши учун белгиланган погонлар ҳамда уларга ўрнатиладиган фарқловчи белгилар мазкур Қоидаларнинг 8 ва 9-иловаларига мувофиқ тақилади.

Генераллар таркибининг формали кийим-бошига погонлар куйидагича тақилади:

- мундирга - зарҳал рангли;
- кундалик пальто, китель ва кундалик кўйлақларга - денгиз тўлқини рангли;

- дала (камуфляжли) формали кийим-бошга - “соя” (кўкимтир, қора тусли) рангли;

- оқ кўйлақка - зарҳал ипдан тўқилган оқ рангли.

Шунингдек, генераллар таркибига кийиб юришга рухсат этилади:

- қишки хизмат кийимини кийишда қулоқчинли қорақўл телпак ўрнига фуражка;

- кундалик хизмат кийимини кийишда китель ўрнига ярим жунли куртка;

- кундалик хизмат кийимини кийишда мавсумий пальто ўрнига куртка.

Махсус (маҳкама) ва дала (камуфляжли) формали кийим-бошнинг погонига ўрнатиладиган фарқловчи белгиларнинг ипдан тикилишига рухсат этилади.

Аёллар таркибининг тантанали ва кундалик формали кийим-боши юбкасининг ўлчамлари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 8 августдаги 232-сонли буйруғининг 10-иловасига мувофиқ бўлиши лозим. Уларга формали кийим-бош кўйлақларининг пастки қисми резина чок билан кийиб юришга рухсат этилади.

Галстукни тақишда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 8 августдаги 232-сонли буйруғининг 11-иловасида белгиланган қисқич кўйлақнинг юқоридан 3 ва 4-туғмалари оралиғига жойлаштирилади.

Тантанали формали кийим-бошнинг фуражкалари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 8 августдаги 232-сонли буйруғининг 12-иловасига мувофиқ белгиланган ўлчамларга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

Формали кийим-бошнинг пойабзали қора рангда бўлиши ҳамда қора ёки тўқ кўк рангли пайпоқ билан кийилиши лозим.

Ходимлар формали кийим-бошни ва формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларини ташқи кўриниши (соч, соқоли) тартибга келтирилган ҳолда кийиб юришлари лозим.

Аёллар формали кийим-бош ва формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларини хизматга келиб-кетиш ва хизматда кийган вақтида сочи бир турмакли, тартибга келтирилган бўлиши лозим. Тақинчоқлардан фақат никоҳни англатувчи узук ва ортиқча эътиборни жалб қилмайдиган ихчам сирға тақишга рухсат этилади.

Формали кийим-бошнинг чап енгига шевронлар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 8 августдаги 232-сонли буйруғининг 13-иловасига мувофиқ барча турдаги формали кийим-бошнинг елка чокидан 12 см., енг калта кўйлақда эса 7 см. пастга тикилади.

Курсантларнинг ўқиш босқичини англатувчи белгилари барча турдаги формали кийим-бошнинг чап енгиде тикилган шеврондан кейин 1 см. пастга жойлаштирилади.

Тезкор-тергов гуруҳи таркибида ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг терговчи (суриштирувчи) ходимлари ҳодиса жойига чиқилганда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 8 августдаги 232-сонли буйруғининг 14-иловаси мувофиқ терговчи (суриштирувчи)нинг нимчасида бўлади.

Етарлича кўриш имконияти бўлмаган, куннинг қоронғи вақтида ва тунда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 8 августдаги 232-сонли буйруғининг

15-иловасида кўрсатилган йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ходимининг тунги нур қайтарувчи нимчасида хизмат олиб боради.

**3-ўқув саволи: Орден, медаль ёки уларнинг планкаларини ва кўкрак нишонларни тақиб юриш тартиби.**

Орден, медаль ёки уларнинг планкалари ва кўкрак нишонларни фақат тантанали формали кийим-бошга тақиб юришга рухсат этилади.

Орден, медаль ёки уларнинг планкалари ва кўкрак нишонлар байрам кунлари ёки бошқа тантанали маросимларда тақилади.

Агар қонун ҳужжатларида орден, медаль ёки уларнинг планкалари ва кўкрак нишонларини тақишнинг бошқача қоидалари белгиланган бўлса, қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Орден, медаль ва кўкрак нишонлари бир қаторга сифмаса, кўкракнинг чап томонига ўнгдан чапга қараб, иккинчи ва кейинги қаторлар бўйича тақиб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча медаллари кўкракнинг чап томонига орденлардан кейин тақилади. Кўкракнинг чап томонида икки ва ундан ортиқ медаль тақиб юрилганида, шунингдек медаллар орденлар билан бирга тақилганида уларнинг қадағич (колодка)лари умумий планкада бир қатор қилиб жойлаштирилади. Бунда, медаллар орденлардан кейин ўнгдан чапга қарата бир қатор қилиб тақилади.

Хорижий давлатларнинг орден ва медаллари Ўзбекистон Республикасининг орден ва медалларидан пастда тақилади. Ленталарга бириктирилган орден ва медаллар кўкракнинг чап томонига, лентасизлари эса ўнг томонига жойлаштирилади.

Орден ва медаллар ёки уларнинг планкалари, алоҳида фарқловчи белгилар (тоифали мутахассисларнинг, малака тоифаларининг ҳамда олий таълим муассасаларини тамомлаганда бериладиган кўкрак нишонлари) - тантанали формали кийим-бошда мазкур Қоидаларнинг 16-иловасига мувофиқ тақилади.

Ички ишлар органлари, қоровул қўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлар оркестр ва ансамбллари ходимларининг кўкрак белгилари мазкур Қоидаларнинг 17-иловасига мувофиқ кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ходимларда икки ва ундан ортиқ олий таълим муассасасини тамомлаганлик ҳақидаги кўкрак нишонлари мавжуд бўлса, уларнинг юқори даражалиси тақиб юрилади.

**Хизматни формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимда ўташга рухсат этилган ички ишлар органлари ходимларининг кийиниш тартиби.**

**Эркаклар учун** - хизмат вақтида қуйидаги фуқаролик кийимларини кийиб юришга рухсат этилмайди:

ранг-баранг аралаш рангли кўйлак, футболкалар;

джинси шим (тўқ рангли ярим классик бичимдаги шимлар бундан мустасно);

ёрқин рангли, эътиборни тортадиган галстук;

товони очик пойафзал.

**Аёллар учун** - хизмат вақтида қуйидаги фуқаролик кийимларини кийиб юришга рухсат этилмайди:

ёрқин рангли, кўзга ташланадиган ва ортиқча эътиборни тортадиган кийимлар;

тор (танага ёпишиб турадиган) бичимли ҳамда харир матодан тайёрланган кийимлар;

тиззадан баланд юбкалар;

шиппак, товони очик туфли.

Шунингдек, аёллар косметикаси ўткир ёрқин рангларда бўлмаслиги ҳамда меъёр доирасида қўлланиши, соч турмаклари тартибли, саранжом-саришта ҳолда бўлиши керак.

Заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо тақинчоқлари ихчам, содда кўринишда бўлиши, фақат никоҳ узугини тақиб юриш талаб этилади.

Фуқаролик кийимида хизмат ўтовчи ходимлар қоида тариқасида, куз-баҳор мавсумида классик бичимдаги қора ёки тўқ кўк ёхуд ҳаворанг рангли бир хил тусдаги костюм ва шим кийиб юришлари лозим.

Фуқаролик кийимида хизмат ўтовчи ходимларга хизмат вазифаларини бажариш вақтида сиртки қисмида ишлаб чиқарувчи корхонанинг номи, савдо белгиси ёхуд бошқа ёзувлар тушурилган костюм, шим, жемпер, жилет ёки кўйлак кийиб юриш тақиқланади.

Мазкур қоидалар функционал вазифаларини бажаришда конспирация талабларига мувофиқликни таъминлаш зарур бўлган ҳолларда тезкор хизмат ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**Изоҳ:** Юқоридаги тартиб хизмат фаолиятини формали кийим-бошда ўтайдиган ходимларга нисбатан ҳам хизматга келиб-кетиш даврлари учун тааллуқли ҳисобланади.

Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**Хулоса:** Хурматли тингловчилар! Бугунги машғулот давомида ИИО ходимларининг мавсумий кийим-бош кийиш қойдалари ва тартиби тўғрисида назарий билимларга эга бўлдик. Ушбу олинган назарий билимларни дойимий равишда ўрнатилган тартибда кийим-бошларни кийиб юриш талаб этилади.

Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

1. Формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби;
2. Ордено, медалъ ёки уларнинг планкаларини ва кўкрак нишонларни тақиб юриш тартиби;
3. Хизматни формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимда ўташга рухсат этилган ички ишлар органлари ходимларининг кийиниш тартиби.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш” тартиби тўғрисидаги буйруғи қайси санада тасдиқланган?

2. Формали кийим-бошни мавсумга қараб ўзгартириш кимнинг тегишли буйруғи асосида амалга оширилади?

3. Ички ишлар органларида формали кийим-бош нечта турга бўлинади?

4. Ушбу формали кийим-бошлар кимларга ва нимага қараб бўлинади?

5. Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг махсус кийим-бошни кийиб юриш тартиби ким томонидан белгиланади?

6. Йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда кийиладиган формали кийим-бошлар ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан, саф кўриги вақтида кийиладиган формали кийим-бошлар ким томондан белгиланади?

7. Ходимларнинг формали кийим-бошни ушбу Қоидаларда назарда тутилмаган, ўзгартирилган ҳамда тартибга келтирилмаган, тозаланмаган, шунингдек фуқаролик кийими билан аралаш ҳолда кийиб юришига йўл қўйиладими?

8. Фуражка ва кепкининг соябони қош даражасида, қулоқчинли телпакнинг олд қисмининг пастки қирраси қошдан неча см. юқорида бўлади?

9. Аёллар формали кийим-бош ва формали кийим-бош сирасига кирмайдиган кийимларни хизматга келиб-кетиш ва хизматда кийган вақтида сочи нечта турмакли, тартибга келтирилган бўлиши лозим?

10. Формали кийим-бошнинг чап енгига шевронлар мазкур қоидаларнинг 13-иловасига мувофиқ, барча турдаги формали кийим-бошнинг

елка чокидан қанча ..... см., енги калта кўйлақда эса қанча ..... см. пастга тикилади?

## **6.5-МАВЗУ: ЖАМОАТ ЖОЙЛАРДА ШУБҲАЛИ БУЮМЛАР (ПОРТЛАШ ХАВФИ БЎЛГАН) АНИҚЛАНГАНДА ИИОЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.**

(Семинар – 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1. Портловчи моддалар тушунчаси, портлаш воситалари ва қўлбола портловчи қурилмалар.
2. Жамоат жойларда шубҳали буюмлар (портлаш хавфи бўлган) аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифалари.

**1-ўқув саволи: Портловчи моддалар тушунчаси, портлаш воситалари ва қўлбола портловчи қурилмалар.**

### **Портлаш тушунчаси.**

**Портлаш** – ўта қисқа вақт оралиғида, чегараланган ҳажмда жуда катта миқдордаги энергия ажралиши билан кечадиган жараён дур. Бунинг натижасида юқори даражали иссиқлик ва кўп миқдордаги газ ажралиб чиқади. Портлашлар кучли товуш ва ёруғлик ажралиши билан рўй бериб, баъзи ҳолларда ёнғинлар келтириб чиқишига сабаб бўлади.

Амалиётда асосан **физикавий** ва **кимёвий** портлашлар кузатилади.

**Физикавий портлашлар** моддаларнинг физикавий ўзгаришлари натижасида содир бўлиб, сиқилган газ ёки буғнинг потенциал энергияси таъсирида юзага келади. Бундай портлашлар ташқи муҳит таъсирида газ ёки буғнинг босими ошиб кетиши натижасида улар сақланаётган идиш қобиқларининг чидаш бермаслиги оқибатида содир бўлади.

**Кимёвий портлашлар** моддаларнинг жуда катта тезликда кимёвий ўзгариши натижасида юзага келади.

Бунда модда молекулаларининг ҳаракат энергияси иссиқлик ва газ тарзида ажралиб чиқади. Кимёвий портлаш портловчи моддаларнинг портлашидир. Бундай портлашларда саноат усули билан ҳамда қўлбола тарзда тайёрланган портловчи моддалардан фойдаланилади.



### **Портлатиш воситалари.**

**Портлатиш жиҳозлари:** Капсюль-детонатор мис, алюмин, биметалл ёки коғоз цилиндрик гильза кўринишида бўлиб, диаметри 6-7 мм ва узунлиги 47-51 мм ташкил этиши мумкин. Гильза ичига ташки таъсирга сезгир бўлган 0,5 гр гремучая ртуть ва 1 гр тетрил (мис ёки биметалл цилиндрик гильза) ёки 0Д гр ТНРС (Тринитрорезорцинат свинца), 0,2 гр азид свинца ва 1 гр тетрил (алюмин цилиндрик гильза) портловчи моддалари жойлаштирилган бўлади.

Капсюль-детонатор ишқаланишга, зарбага, сиқилишга ва алангага ўта таъсирчан бўлади. Шу сабабли улар билан ўта эҳтиёткор муносабат зарурдир. Электродетонаторлар капсюль-детонаторлар билан бир хил бўлиб, унга фақат электр чўлғами ўрнатилган бўлади. Электродетонатор гильзасидан чиқиб турган симлар ток манбаига ўланади. Ток электр чўлғамидаги улагични («перемичкани») киздиради, натижада пиротехник таркиб алангланади ва аланга учқуни ҳосил бўлади ҳосил бўлган аланга учқуни электродетонатор зарядини портлатади.

Аланга узатувчи шнур капсюль - детонаторларни ҳаракатга келтириш (портлатиш) учун мўлжалланган бўлиб, унинг ичига кам зичланган порох жойлаштирилган бўлади. Шнурни ташқи диаметри 5-6 мм булиб, 1 метрида 6 гр га яқин порох бўлади. У 1 сек.да 1 см тезликда ёнади.

Детонацион шнурлар детонацияни электродетонатор ва капсюль-детонатордан портловчи моддалар зарядига узатиб бериш учун мўлжалланган. Детонацион шнур ичи, яъни унинг узаги юқори қувватли портловчи модда «ТЭН»дан тайёрланади. 1 м детонацион шнурда 12 - 13 гр. «ТЭН» портловчи моддаси бўлади. Детонация шнурлари 50 м диаметрдаги бухталар (сим уралган бочкалар) шаклида чиқарилади.

## Портловчи моддалар.

**Портловчи модда деб** муайян ташқи таъсир (қиздириш, ишқаланиш, зарб ва бошқалар) натижасида портлаб кетиш хусусиятига эга бўлган кимёвий бирикма ёки механик аралашмага айтилади. Бунда иссиқлик ва газ ажралиб чиқиши билан кечадиган жуда катта тезликдаги реакция амалга ошади.

Иссиқлик ва газ ажралиши, кенгайиши натижасида зарб тўлқини ҳосил бўлади ва бу атроф муҳитни бузиб, вайронага айлантиради.

Портловчи моддаларни турли белгиларига қараб шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) Қуввати (портлаш жараёнида бажара оладиган иш ҳажми) бўйича – кучли портловчи моддалар ва кучсиз портловчи моддаларга;

2) Портлаш жараёни (ёниши ёки детонацияга киришиши) бўйича – портлаш жараёни ёниш билан амалга ошадиган улоқтирувчи портловчи моддалар ҳамда детонация билан амалга ошадиган бризант портловчи моддаларга;

3) Сезувчанлиги бўйича – ташқи таъсирга сезувчанлиги юқори бўлган кўзғатувчи ҳамда ташқи таъсирга сезувчанлиги паст бўлган бризант портловчи моддаларга;

4) Қўлланиш соҳаси бўйича – халқ хўжалигида ҳамда ҳарбий соҳада қўлланиладиган портловчи моддаларга;

5) Тайёрланиш усули бўйича – техник норматив ҳужжатлар асосида заводда ишлаб чиқариладиган ҳамда қўлбола усулда тайёрланадиган портловчи моддаларга;

6) Таркиби бўйича – бир таркибли ва аралашма портловчи моддаларга;

7) Физикавий ҳолати бўйича:

- қаттиқ ҳолатдаги портловчи моддалар (тротил, тетрил);

- суюқ ва қаттиқ моддалар аралашмаси (нитроэфирлар Қ аммиакли селитра, дизель ёқилғиси Қ аммиакли селитра);

- газлар аралашмаси (метан Қ ҳаво, ацетилен Қ кислород) ҳолатдаги портловчи моддаларга;

- қаттиқ ва суюқ моддаларнинг газлар билан аралашмаси (кўмир ёки бошқа органик чанглар, бензин, керосин буғлари Қ ҳаво);

- суюқ ҳолатдаги (тринитроглицерин, динитроглицоль) портловчи моддаларга.

Муҳандислик ўқ-дориларида қўлланиладиган портловчи моддалар физика-кимёвий ва портловчи хоссаларига қараб уч турга бўлинади:

- кўзғатувчи (бирламчи, иницирловчи);

- бризант (иккиламчи, парчаловчи);

- улоқтирувчи – отилувчи (порохлар).

Портловчи моддалар табиатига ва шаклига қараб муайян портлаш хусусиятларга эга. Улардан асосийлари:

- ташқи таъсирга сезгирлиги;

- портловчи жараённинг энергияси (иссиқлиги);

- детонация тезлиги;

- бризантлиги;



- фугаслиги.

Портловчи модданинг **бризантлиги** – миллиметрда ўлчаниб, портловчи модданинг турли материалларни парчалаш, майдалаш қобилиятини кўрсатади. Портловчи модданинг бризантлиги қанча юқори бўлса, унинг вайрон қилиш қобилияти шунча юқори ҳисобланади.

Портловчи модданинг **фугаслиги** – сантиметр кубда ўлчаниб, портловчи моддани портлаш зонасидан турли материалларни (тупроқ, тош, бетон ва бошқаларни) улоқтириш (чиқариб ташлаш) қобилиятини кўрсатади.

Портловчи моддани шу иккита хусусияти билан тавсифлаш мумкин. Портловчи моддани портлатиш мақсади бўйича танлашда, унинг юқоридаги иккита хусусияти – бризантлик ва фугаслигини ўрганиб танлаш етарли бўлади. Масалан, тоғ жинслари ёки тупроқларда портлатиш ишларини олиб бориш учун ҳар қандай бризантлик ва юқори фугаслик хусусиятларига эга бўлган портловчи моддалар тўғри келади. Снарядларни портлатиш учун эса, ҳар қандай фугаслик ва юқори бризантлик хусусиятларига эга бўлган портловчи моддалар тўғри келади.

Порох - доналарига қараб, майда ва йирик донали, кучли нам тортувчан, намлик таъсирида намикиб қоладиган, намлиги 2% дан юқори шароитда ишлатишга яроқсиз бўладиган модда. Қурилган порох фойдаланишда сифати кескин пасаяди. Учкун ва алангага тез берилувчан. Саноатдан ташқари фуқаролар томонидан овчилик патронларини тайёрлашда ишлатилади.

Шунингдек, икки хил моддани аралаштириш (оксидловчи ва ёнилғи) йўли билан жуда осон **қўлбола портловчи модда** ясаш мумкин.

Қўлбола портловчи моддаларнинг оксидловчи таркиби сифатида аммиакли селитра, калийли селитра, хлорат калия (ва бошқа хлоратлар), натрийли селитра ва бошқа нитратлардан, ёнувчи таркиби сифатида эса металлларнинг кукунсимон ҳолатидан (Al, Mg), қизил фосфор ёки нефть маҳсулотларидан (дизель ёнилғиси, керосин, бензин), глицерин, олтингугурт, ёғоч кўмир ёки ёғоч қириндиси, қанд кукуниларида фойдаланилиши мумкин.

### **Қўл бола портловчи қурилмалар.**

**Қўлбола портлатиш қурилмаси** деб, қурилмада ҳеч бўлмаганда унинг битта элементи қўлбола усулда тайёрланган ёки ўрнатилган ҳамда тузилишга кўра белгиланган техник талабларга номувофиқ ясалган қурилмага айтилади.

Қўлбола портлатиш қурилмалари хилма-хил бўлиб, ҳозирги кунда жиноятчиликда уларнинг қўлланилиши кенг тус олмоқда. Амалиётда “Шахид белбоғи”, “Қўл гранатаси”, “Челак”, “Канистр”, “Металл труба” “Салқин ичимлик идишлари”, “Қўл фонари”, “Китоб”, “Пиво банкаси” асосидаги қўлбола портлатиш қурилмалари учрайди.



Қурилмаларнинг зарар етказиш кучини ошириш мақсадида унинг қобиқларига болт, гайка, мих, темир бўлақлари, пўлат симлар ва бошқалар шрапнель сифатида маҳкамланган ҳолатлари қайд этилган. Умуман қўлбола портлатиш қурилмаларининг ясаши ва уни ниқоблаш, ясовчи шахснинг малакаси ва фантазиясига боғлиқ бўлиб, турли кўринишларда бўлиши мумкин. Қўлбола портлатиш қурилмаларининг ишга туширувчи механизмлари сифатида соат механизми, таймер қурилмалари, масофадан ишга туширувчи турли электрон платалар ва тумблер каби мосламалардан фойдаланилмоқда. Қурилманинг портловчи модда заряди сифатида саноат портловчи моддалари ҳамда қўлбола усулда тайёрланган портловчи модда ва аралашмалари ишлатилади, портлатиш жиҳозлари сифатида саноатда ишлаб чиқарилган электрон детонаторлар ҳамда қўлбола усулда ясалган детонаторлардан фойдаланилади.

#### **Саноатда ишлаб чиқарилган қурилмалар.**

Портлатиш қурилмаси деб, муайян шароитда портлашни амалга ошириш учун мўлжалланган махсус тайёрланган (ишлаб чиқарилган) қурилмага айтилади. Портлатиш қурилмаларини саноатда ишлаб чиқарилган портлатиш қурилмаларига ва қўлбола усулда ясалган портлатиш қурилмаларига ажратиш мумкин.

Саноатда ишлаб чиқарилган портлатиш қурилмалари норматив-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ завод усулида саноатда ишлаб чиқарилади. Заводда ишлаб чиқарилган портлатиш қурилмаларига муҳандислик ўқ-дорилари, запаллар, портлатгич (детонатор)лар, имитация воситалари, гранаталар, миналар, гранатомёт отилмалари, портловчи зарядлар, артиллерия ва авиация ўқ-дориларитурли калибрли отилма (снаряд)лар ва авиабомбалар

мисол бўлади<sup>1</sup>.

Портлатиш қурилмаси, муайян шароитда портлашни амалга ошириш, махсус тайёрланган (ишлаб чиқарилган) қурилмалар, саноатда ишлаб чиқарилган портлатиш қурилмалари, қўлбола усулда ясалган портлатиш қурилмалари.

Муҳандислик ўқ-дорилари, запаллар, портлатгич (детонатор)лар, имитация воситалари, гранаталар, миналар, гранатомёт отилмалари, портловчи зарядлар, артиллерия ва авиация ўқ-дориларитурли калибрли отилма (снаряд)лар ва авиа бомбалар.

## **2-ўқув саволи. Жамоат жойларда шубҳали буюмлар (портлаш хавфи бўлган) аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифалари.**

ИИОлари ходимлари портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни аниқлаганларида қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш қатъиян тақиқланади:

Демак, жамоат жойларида, яъни бозор, темирўл вокзаллари, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларида, бошқа одамлар гавжум жойларда дипломат, кути, чемодан, пакет, сумка каби шубҳали ашёлар аниқланган тақдирда ички ишлар органлари ходимлари қуйидаги қоидаларга қатъий амал қилишлари шарт:

- Шубҳали нарса ва буюмларга тегиш қатъиян ман этилади.
- Ҳар қандай портловчи моддаларни зарарсизлантириш фақатгина махсус тайёрланган мутахассис (сапёр)лар томонидан амалга оширилиши лозим.

Шубҳали ашёлар ва автомобиллар аниқланганда, ИИО ходимлари томонидан амалга ошириладиган кечиктириб бўлмас ҳаракатлар: жамоат жойларида, яъни бозор, темир ўл вокзаллари, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларида, бошқа одамлар гавжум жойларда шубҳали ашёлар (дипломат, кути, чемодан, пакет) аниқланганда:

1. Шубҳали ашёга тегишли ва уни жойидан қўзғатишга ҳамда очишга йўл қўймаслик чораларини кўриш.
2. Шубҳали ашё турган жойнинг аниқ манзили ва ашёнинг кўриниши ҳақида ИИОга хабар бериш.
3. ИИО бошқа ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда камида 150 метр масофали айлана узунликда шубҳали ашё аниқланган жойни ўраш, қўриқлаш ҳамда бегоналарни киритмаслик чораларини кўриш.
4. Агар шубҳали ашё поезда ёки кўп қаватли уй ёнидан топилса, шовқин суронсиз ва вахималарсиз ушбу уйда яшовчиларни хавфсиз жойга кўчиришни ташкил этиш.

---

<sup>1</sup>А.Х.Салимов, Э.Т.Тургунов, Й.Ш.Эшмурзаев. Мураккаб бўлмаган портлатиш қурилмалари ва портловчи моддаларнинг экспертиза тадқиқотлари бўйича услубий тавсиялар - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ноширлик маркази, 2017, - 62 бет

5. Яқин атрофда турган барча техник воситаларини шубхали ашё турган жойдан узоклаштириш чораларини кўради.

6. Шубхали ашё аниқланган жойга яқин жойлашган корхона, муассасалар ходимларини ва савдо ҳамда овқатланиш шаҳобчаларидан. Оммавий дам олиш жойлари, ўйингоҳлардан фуқароларни хавфсиз жойларга чиқаришини ташкил этиш.

7. Шубхали ашёни зарарсизлантириш учун келган мутахассисларга вазиятни тушинтиради ва уларга керакли ёрдам кўрсатади.

Транспорт воситаларида портловчи моддалар мавжудлиги аниқланганда:

Транспорт воситаларида портловчи моддалар мавжудлигини аниқлаш бўйича текширув уч босқичда олиб борилади:

1. Автомобилнинг олд қисмини текшириш. Олдинги бампернинг ички қисмини, олд ғилдиракларининг сачратмағичлари остидаги бўшлиғини, шамоллатиш тизимининг ҳаво йўллари, аккумулятор батарейкалари остидаги бўшлиғини, олд ғилдиракларининг декоратив қалпоқларини остини, олд қанотлари ва чироқлари ўртасидаги ораликни, олд капотнинг ички бўшлиқ қисмларини кўздан кечириш ва текшириш.

2. Салонни текшириш. Приборлар шитининг орқа бўшлиғини, бардачокнинг устки ва ён деворларини, эшиклардаги кулдонларни, гиламлар ва қопламалар остини, салондаги мавжуд буюмларни, ўриндиқларнинг суянадиган қисмларини ва бўшлиқларни, ўриндиқларнинг пружиналари оралиғидаги бўшлиқни, эшик ва шифтнинг қопламалари орасидаги бўшлиқни, остона тагидаги бўшлиқни, консолларни кўздан кечириш ватекшириш.

3. Автомобилни орқа қисмини текшириш. Орқа бампернинг ички қисмини, юкхонадаги мавжуд буюмларни, юкхонанинг ички қисмини, гиламлар ва қўшимча жиҳозланган жойларни, чироқлар орасидаги бўшлиқни, орқа ғилдиракнинг декоратив қалпоқлари остини кўздан кечириш ва текшириш.

Шубхали автоуловларда портловчи моддалар борлиги аниқланганда зудлик билан қилинадиган ҳаракатлар:

1. Транспорт воситасини қўзғатмаслик билан унинг ичини очиб кўрмаслик ва автомобилни эвакуатор билан эвакуация қилмаслик чораларини кўради. Шубхали автоуловга тегишли эшикларини ва юкхоналарини очиш ҳамда хайдаб бошқа жойга йўл қўймайди.

2. Шубхали автоулов турган жойнинг аниқ манзили, автоулов ва портловчи моддаларнинг кўриниши ҳамда вазият ҳақида ИИОга зудлик билан хабар беради.

3. Транспорт воситаси турган жойдан камида 1000 м узокликдаги атрофни ўраб олиб, кўриқлайди ва худудга бегоналарнинг киришига йўл қўймаслик чораларини кўради.

4. Маскан ёки постга олиб келувчи, патруль йўналишидаги ўтувчи автомобиль йўлларда ҳаракатланишини тўхтатиш ва қолиб кетган транспорт воситаларини хавфли худуддан чиқариб юбориш чораларини амалга оширади.

5. Агар шубхали автоулов поездез ёки кўп қаватли уй ёнида аниқланса

шовқин – суронсиз ва вахимасиз ушбу уйда яшовчиларни хавфсиз жойга кўчириш чораларини кўради.

6. Шубҳали автоулов турган жойга яқин жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларини, шунингдек бошқа фуқароларни савдо ёки овқатланиш шаҳобчалардан оммавий дам олиш жойларидан, ўйингоҳлардан хавфсиз жойларга чиқаришни ташкил этади.

7. Шубҳали автоуловни зарарсизлантириш учун келган мутахассисларга вазиятни тушунтиради ва уларга керакли ёрдам беради.

Автотранспорт воситаларига портловчи модда ёки портлатиш қурилмалар ўрнатилган деб гумон учун асос бўладиган ҳолатлар:

- автоулов ҳайдовчиси автомашинасини бошқа транспорт воситалари орасида беркиниб юришига ва кўзга ташланмасликка ҳаракат қилганида;

- назорат-ўтказиш пунктларига етмасдан йўловчиларни тушириб ёки йўловчи билан жой алмаштириб ўтиб кетишга ҳаракат қилганида;

- йўловчи ёки ҳайдовчи назорат-ўтказиш пунктида хизмат ўтаётган милиция ходимларининг хатти-ҳаракатларини узоқ вақт назорат қилганлиги аниқланганда;

- ҳайдовчи ва йўловчиларнинг безовталаниши, ўша ҳолатдаги хатти-ҳаракатларида бирдан ўзгаришлар сезилганда (ранги ўзгарганда, тез-тез сигарет чекканда, терлаганда, титроқ босганда, хаяжонланганда);

- автоулов ижарага олинганлиги аниқланганда;

Аниқ вазият билан боғлиқ хавф-хатарга ҳуқуқбузар, қуролланган гумондор шахс ёки олдиндан таниш бўлган хавфли жиноятчи бор автомашинани тўхтатиш киради. Ушбу ҳолат бевосита милиционерлар учун тан жароҳати олишига ёки ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда наряд каттаси вазиятни назорат қилиш мақсадида ўз хатти-ҳаракатларини вазиятнинг кескинлигини ҳис этган ҳолда бошқариши керак. Доимо қутилмаганда қилинадиган ҳужумни қайтариш чораларини кўриш ва вазиятни аниқ баҳолай олиши лозим.

Бу ерда баён этилаётган қоидалар умумтавсиявий характерга эга бўлиб, ходимнинг аниқ хатти-ҳаракатлари шаклланаётган вазият ҳамда жиноятчининг психологик хусусиятларини тўғри баҳолаш асосида белгиланади. Шундай қилиб, кўчада, транспорт воситасида ёки хонадонда ўзининг хатти-ҳаракатлари ва ташқи кўриниши билан террорист-«камикадзе»га ўхшайдиган шахс мавжудлиги аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари ходими учун энг асосий вазифа -саросимага тушмаслик, ўзини йўқотмаслик, мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда тезкор ва қатъиятлилиқ билан ҳаракат қилиш орқали ўзининг ва атрофдагиларнинг хаётини сақлаб қолишдан иборатдир.

Бундай ҳолатларда ходимларининг асосий эътибори ўзининг хатти-ҳаракатлари ва устки кийим боши (масалан, иссиқ кунда қалин кийиниши), юриши, берилган саволлардан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилаётган ва уларга аниқ жавоб бера олмаётган, мулоқотда ўзини йўқотиб қўяётган, шунингдек кийими тагидан беўхшов, мос бўлмаган нарсаларни яшириб олган, қўлидаги сумка, кейс, чемодан, дипломат ёки бошқа нарсаларнинг ичидан

симлар ёки бошқа нарсалар кўришиб турган шахсларга қаратилиши керак.

Шу билан бирга, ходим ўз хизмат фаолиятида шубҳали, ўз аломатлари ва хатти-ҳаракатлари билан террорчи-«камикадзе»га ўхшаш шахсга рўпара келганида:

- жиноятчининг кўриниши ва жойлашуви, ходиса жойи, қўлланилиши мумкин бўлган воситаларнинг кўриниши, тури ва характери ҳақида зудлик билан ИИБ навбатчилик қисмига хабар бериши;

- хавфли ҳудуддан фуқаролар ва транспорт воситаларини эвакуация қилиш (олиб чиқиш), шунингдек ушбу ҳудудга бегона фуқаро ва автомашиналарнинг киришига йўл қўймаслик чораларини кўриши;

- олдиндан пана жойни аниқлаб, хавфсизроқ масофани эгаллаши ва табел қуролини жанговар ҳолатга келтириши;

- имкон қадар тезроқ террорчи билан мулоқотга киришиб, унинг талаб ва мақсадларини аниқлашга ҳаракат қилиши;

- террорчининг жинси, ёши, хулқи, руҳий ҳолатининг тахлили асосида муомала қилишнинг тўғри усулини танлаши;

- юмшоқ усул танланган ҳолатларда хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда мулоқотга киришиши, унинг ҳақиқий мотивлари ва мақсадларини аниқлашга ва жиноят йўлидан қайтаришга ҳаракат қилиш, бу борада унинг ёшига қараб ота-онаси, неваралари, болалари ва бошқа яқинлари ҳақида эслатиши ва х.к.;

- қатиъятлилиқ билан ҳаракатланиш йўли танланганда террористдан баланд овозда ва қатъий тарзда қўлларини кўтаришни талаб этиши, акс ҳолда унга нисбатан қурол қўлланилиши ҳақида огохлантириши;

- террорчи қўлларини кўтарган ҳолда чеккарок, одамлар гавжум бўлмаган жойга ўтишга (уйдан чиқишга, автомобилдан тушишга) мажбур қилиш чораларини кўриши тавсия этилади.

Бироқ, гумондор шахс террорист-«камикадзе» эканлиги, уни танланган йўлдан қайтаришнинг реал имкони бўлмаган тақдирда юзага келган вазият бўйича аниқ қарор қабул қилмаслик, яъни зудлик билан қатъий чоралар кўрилмаганда атрофдаги фуқароларнинг ҳаёти хавф остида қолиши ва қурбонлар бўлишига олиб келадиган бўлса, огохлантирмасдан табель қуролидан фойдаланиб, уни зарарсизлантириш чоралари кўрилади.

**Хулоса:** Ҳурматли тингловчилар! Бугунги машғулот давомида портловчи моддалар турлари, портлатиш воситалари, усуллари бўйича тушунчаларга, шунингдек, жамоат жойларда шубҳали буюмлар аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифалари бўйича билимга эга бўлдик.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

1. Портловчи моддалар тушунчаси, портлаш воситаларини ўқиб, ўрганиб келиш.

2. Қўл бола тайёрланадиган портловчи қурилмалар ҳақида ўқиб келиш.

3. Жамоат жойларда шубҳали буюмлар (портлаш хавфи бўлган) аниқланганда ИИОлари ходимларининг вазифаларини конспект қилиш.

### **Назорат саволлари**

1. Портловчи модда деб нимага айтилади?
2. Аланга узатувчи шнур 1 секундда неча сантиметр ёнади?
3. Капсюль-детонатор нималарга ўта таъсирчан бўлади?
4. Автоуловларда портловчи моддалар борлиги аниқланганда қандай ҳаракатлар амалга оширилади?
5. Автоуловда портловчи моддалар борлиги аниқланганда, транспорт воситаси турган жойдан камида неча метр узоқликдаги атроф ўраб олиши керак?
6. Муҳандисликда қўлланиладиган портловчи моддалар нечта турга бўлинади?
7. Детонацион шнурлар детонацияни қайси портловчи моддалар зарядига узатиб бериш учун мўлжалланган?
8. Детонацион шнурни ичи, яъни унинг узаги нимадан тайёрланади?
9. Портловчи моддаларни турли белгиларига қараб қайси гуруҳларга ажратиш мумкин?
10. Муҳандисликда қўлланиладиган портловчи моддалар физика-кимёвий ва портловчи хоссаларига қараб қандай турларга бўлинади?

## **2.6-МАВЗУ: ЎҚ ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ ИИО ХОДИМИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА: ЯНГИ МЕЪЁРЛАР, ЎҚ ОТИШДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ.**

(Семинар – 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

- 1-ўқув саволи: Отиш курсининг мазмуни ва асосий тушунчалар.
- 2-ўқув саволи: Отиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш.
- 3-ўқув саволи: Отиш машғулотларини ўтказиш вақтида хавфсизлик қоидалари.

### **1-ўқув саволи: Отиш курсининг мазмуни ва асосий тушунчалар.**

Отиш курси ички ишлар органларида хизмат қилаётган сафдор, сержант ва офицерлар таркибидаги ходимлар ҳамда Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантларига ўқотар қуролларни хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳамда махсус ҳаракатларда охириги чора сифатида қўллаш, ундан моҳирона фойдаланиш ҳамда амалий кўникмаларини баҳолаш учун мўлжалланган.

**Отиш курсининг асосий мақсади** – ички ишлар органларида юқори жанговар тайёргарликка эга ходимларни тайёрлашдан иборатдир.

**Отиш курсини ўзлаштирилиш қўйидагилар орқали амалга оширилади:**

- бўлинмалар билан комплекс машғулотларни сифатли ўтказиш ва барча турдаги ўқотар қуроллардан амалий отиш машқларини бажариш имконини берадиган замонавий ўқув моддий база (полигонлар, отиш майдонлари ва жанговар отиш тирлари)нинг мавжудлиги;

- машғулот раҳбарларининг юқори методик тайёргарлиги ва ўқ отиш машқларини режалаштиришда замонавий методлардан фойдалана олиши;

- ўқ отиш машғулоти раҳбарларининг юксак профессионал ва услубий тайёргарлиги;

- таълим жараёнида ўқув машқ воситаларидан самарали фойдаланиш;

- ходимлар томонидан отиш асослари ва қоидалари, қурол-аслаҳа, ўқ-дори, кузатиш асбобларини таркибий қисмлари ва жанговар хусусиятларини бўйича билимларни пухта ўзлаштириш;

- қуролларни отишга тўғри тайёрлаш ва ҳар қандай вазиятда нишонларни тезда аниқлаш ва унга талофат етказишни мукамал билиш;

- отиш вазифаларини бажаришда бўлинма шахсий таркибининг ҳаракатларини ҳамжиҳатлиги;

- машғулотлар давомида шахсий таркибнинг доимий ва муайян мақсадга йўналтирилган руҳий тайёргарлиги;

- отиш машқи шартлари, машқ бажариш тартиби ва хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиниши;

- ўқотар қуроллардан моҳирона фойдаланиш, техник ҳолатини текшириш, баҳолаш, қуролдан отиш машқларини ва тўғри отишни бажариш усулларини такомиллаштириш.

### **Отиш курсини ўзлаштиришга оид ташкилий-услубий кўрсатмалар ва отиш машғулотини ўтказишнинг умумий тартиби**

Ўқув (назорат) отиш машқлари давомида ўқув жойларида кўшимча машғулот (машқ)лар ташкил этилади. Ўқув жойлари ва ўтказиладиган машғулотлар мазмуни машғулот раҳбари (бўлинма раҳбари) томонидан белгиланади.

Отиш машғулоти раҳбарлик қилиш ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, отиш мобайнида хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида, отиш машғулотларига қуйидаги таркибда масъуллар тайинланади:

- ўқ отиш машғулоти катта раҳбари;

- ўқ отиш машғулотининг ўқув нуқталари ва жойлари бўйича раҳбарлари;

- кузатув гуруҳи бошлиғи ва шахсий таркиби (очиқ жанговар отиш тирлари ва дала ўқув майдонларида);

- навбатчи шифокор (фельдшер), шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш тўплами

ва тез ёрдам автомобили билан;

- жанговар таъминот пункти бошлиғи;

- ўқ-дорилар тарқатувчиси;

- қурол-аслаҳа техник устаси;



- навбатчи автотранспорт ҳайдовчиси;
- тунда ўқ отиш машғулоти ўтказилса, нишонлар майдонини ёритиш пости.

Жанговар қуролдан амалий ўқ отиш машқларини бажаришдан камида бир кун олдин, шахсий таркиб билан мазкур курснинг 4-иловасидаги “Отиш машғулоти ўтказишдаги хавфсизлик қоидалари”, шунингдек, қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларнинг жанговар хусусиятлари, таркибий тузилиши, амалий отиш машқларини ўқув қуроллари (ўқув пистолет, автомат ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда патронсиз (ўт очишга тайёрланиш, ўт очишни амалга ошириш ва ўт очишни якунлаш) бажариш тартиби юзасидан синовлар қабул қилинади.

Синов топширмаган ходимларга жанговар қуролдан амалий ўқ отишга ва ушбу машғулотларда қатнашишга рухсат берилмайди.

Жанговар қуроллардан амалий ўқ отиш машғулоти шахсий таркибнинг сони 70 фоиздан кам бўлмаган тақдирда ўтказилади ва барча ходимлар ўзига бириктирилган шахсий табель қуролидан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Жанговар отиш (очик ёки ёпиқ) тири ва дала ўқув майдонларида жанговар отиш машқлари, шунингдек, махсус-тактик машғулотларга тайёрлаш тадбирлари полигон ҳамда ички ишлар органи ихтиёридаги куч ва воситалар билан амалга оширилади.

Ушбу объектлар ўз вақтида сифатли тайёрланиши учун жавобгарлик полигон бошлиғининг зиммасига, полигон таркибига кирмаган отиш объектларининг тайёрланиши учун жавобгарлик эса тегишли ички ишлар органининг раҳбари зиммасига юкланади.

Отиш машғулоти бошланиши (ўтказилиши)дан камида 3 кун олдин ички ишлар органи бошлиғи раҳбари полигон бошлиғига нишонлар майдонини тегишли машқ шартларига мувофиқ тайёрлаш бўйича талабнома тақдим этади.

Объектларни отиш машғулоти тайёрлаш бўйича барча тадбирлар отишга камида бир соат қолганда, шунингдек, жанговар отишлар ва жанговар отиш билан ўтказиладиган тактик ўқувлар учун нишонлар майдонини тайёрлаш ишлари отувчи бўлинма раҳбарлари жойида ишлашни бошлаши билан тугатилади.

*Қуйидаги ҳолатларда нишон яқсон этилган деб ҳисобланади:*

- доиралар юритилган нишон – агар ушбу нишон сиртида тўғридан-тўғри теккан ўқ изи кўринса. Бунда, доира чизиғига теккан ўқ изи отувчи фойдасига ҳисобланади;

- отиш машқлари давомида фойдаланган нишонлар гуруҳи (бир неча нишонлардан ташкил топган нишон) таркибида камида битта нишонга шикаст етказилган бўлса.

Жанговар қуролдан амалий ўқ отиш машғулоти учун масъул раҳбар Вазирлик таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларининг Касбий тайёргарлик бўлинмалари масъул ходимлари, туман (*шаҳар, тармоқ*) ички ишлар органи бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича

ўринбосарлари (катта инспектор методистлари билан бирга), таълим муассасаларида эса “Ўқ отиш тайёргарлиги” фани бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидаги ходимлар ҳисобланади.

Ўқув жойларини алмаштириш машғулот раҳбарининг алоҳида командасига асосан амалга оширилади.

Машғулот якунида машғулот раҳбари ўқув жойида якуний хулоса қилиши, кўриб чиқилган саволлар бўйича ходимларни амалий отиш натижаларига кўра, ҳар бирини баҳолаши лозим.

Машғулот раҳбари ўтказилган машғулотни таҳлил қилишдан олдин шахсий таркиб, қурол-яроғ сони, уларнинг ўқсизлантирилгани, моддий анжомларни текшириб, сарфланмаган ўқ-дориларни топширишга буйруқ беради.

Шундан сўнг машғулот раҳбари машғулотда кўзланган мақсадга қай даражада эришилганлигини маълум қилади ҳамда ходимларнинг баҳолари ва фаол қатнашганларни эълон қилади, натижаларга кўра ўз устида ишлашлари бўйича вазифа ва топшириқлар беради.

Доимий жойлашув пунктига етиб келгач, касбий тайёргарлик машғулотларини ҳисобга олиш журналини (таълим муассасаларида гуруҳ журналини) ҳамда тегишли ҳужжатлар (ўқ-дорилар сарфи бўйича қайдномалар ва бошқалар)ни расмийлаштириб, отиш машқи ўтказилганлиги ҳақида бевосита раҳбарига ахборот беради.

Ўт очиш машқи бир нечта ўқув жойларида ўтказилиши мумкин. Бунда, ҳар бир ўт очиш машқида отишни ўргатиш бўйича тайёрлов машқлари учун (доимий) жой кўзда тутилган бўлиши шарт. Қолган ўқув жойлари доимий бўлмай, отиш машқидан кўзланган ўқув мақсадлар мазмуни, ходим ларнинг тайёргарлик даражаси ва савияси ҳамда отиш жойининг жиҳозланишига кўра ўзгартириб турилиши мумкин.

*Машғулотларни сифатли ўтказилишини таъминлаш учун қуйидаги жиҳозланган ўқув жойлари бўлиши лозим:*

- отиш машқларини бажариш, жанговар отиш машғулотини ўтказиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;

- қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, патронларни ўқдонга жойлаш бўйича меъёрларни машқ қилиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;

- қуролнинг нишонга олиш мосламаларини нормал ҳолатга келтириш, қуролнинг отиш қобилиятини текшириб, жанговар ҳолатга келтириш учун ростлаш нишонининг мавжудлиги;

- қўл гранатасини улоқтиришни ўргатиш учун мўлжалланган ўқув жойлари;

- қуролнинг таркибий қисмларини ўрганиш учун мўлжалланган ўқув жойлари.

Кичик калибрли (пневматик) қуролдан отиш учун мўлжалланган алоҳида ўқув жойини (одатда, тирда) тайёрлашга рухсат берилади.

Ўт очиш машқларининг умумий мазмуни, яъни ўқув жойини танлаш масаласи шахсий таркибни тайёргарлигидан келиб чиқиб, ўқув саволлари, отиш

майдонида мавжуд моддий таъминот ва унинг ҳолати машғулот раҳбари томонидан белгиланади.

Ўтказиладиган ўт очиш машқининг режасида ушбу машқ мавзуси, уни ўтказишдан кўзланган мақсад, ўтказиладиган вақти, жойи, моддий таъминоти, машқ турлари ва мазмуни кўрсатиб ўтилади.

Ўт очиш машқини ўтказиладиган машғулот раҳбари зиммасига мавзу мазмуни, очиш тайёргарлигига оид ўқув қўлланма ва йўриқномаларда баён этилган талабларни пухта ўзлаштириш, шунингдек, ўт очиш машқини ўтказиш режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун раҳбарга тақдим этиш мажбуриятлари юклатилади.

Шахсий таркиб очиш машқлари ўтказиладиган жойга етиб келгач, машғулот раҳбари қурол-аслаҳаларни кўриқдан ўтказилади, шундан сўнг машғулотнинг кириш қисмида мавзу ва уни мақсади, ўқув жойлари ва уларни алмаштириш тартибини эълон қилиб, хавфсизлик қоидаларини эслатиб ўтади.

Бажариладиган меъёрлар ва уларнинг ижроси учун белгиладиган баҳолар эълон қилинади.

Ўт очиш машқининг асосий қисми ўқув жойларида ўтказилиши ва машқ учун ажратилган вақтнинг 90 фоизини эгаллаши шарт.

Амалий ўқ очиш машқининг ёки қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича меъёрларнинг бажариш тартиби машғулот раҳбари (машғулот раҳбарининг ёрдамчиси) томонидан шахсан кўрсатиб берилади. Ушбу ҳатти-ҳаракатлар дастлаб қисмларга бўлиб, сўнг яхлит, талаб этилган суръатда кўрсатилиши шарт.

Машқнинг якуний қисмида машғулот раҳбари ўтказилган ўт очиш машқини таҳлил қилади. Бунда, ходимлар томонидан машқ ва меъёрларни бажариш давомида амалга оширилган ҳаракатларга баҳо бериб, хато ва камчиликлар, уларни келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш усулларини етказиб, вазифалар белгилайди.

Бажариладиган барча амал, хатти-ҳаракат ёки машқлар ходимлар томонидан дастлаб элементлар бўйича, сўнггра ўзлаштирилиб, ижроси таъминланади.

Шахсий таркибнинг тегишли хатти-ҳаракатларни мустақил бажара олиш ва психологик жиҳатдан бардошлилик сифатини тарбиялаш мақсадида ўт очиш машқи давомида турли ташқи таъсирлар юзага келтирилиши, нишонларнинг хусусиятлари, пайдо бўлиш жойи ва вақти тез-тез ўзгартириб борилиши, душман томонидан отилган ҳолат ва шу каби, ниқобланиш ҳолати ўзгартирилган вазият намоён (имитация) қилиниши мумкин.

Ўт очиш машқи сутканинг ҳар хил вақтида, ноқулай об-ҳаво ва кўриниши чекланган (тумандан ташқари) шароитларда ўтказилиши, машқ давомида шахсий таркибга бериладиган жисмоний юклама ошириб борилиши тавсия этилади.

## **2-ўқув саволи: Очиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш.**

Дастлабки ҳолат, ўт очишни бошлаш ва тўхтатиш марралари норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ белгиланади ва жиҳозланади.

Ўқотар қуролдан отишда ўт очиш марраси (позицияси) дастлабки маррадан пистолетлар (ПМ, АПС, GLOCK ва бошқа) учун камида 3-4 метр, автоматлар (АК, АКМ, 9А-91 ва бошқа) учун камида 10 метр, пулемёт қурилмаларидан отишда камида 30 метр узоқликда белгиланади.

Бўлинмалар дала отиш майдонларига отиш машғулоти бошланишидан камида 30 дақиқа олдин етиб келиши лозим. Бу вақтда ўқув жойларида машғулот ўтказишнинг ташкилий ишлари ўтказилади, нишонлар кўздан кечирилади, отиш майдонининг жиҳозланиши, машғулот раҳбарининг ўқув нуқталари ва отиш машғулоти ўтказиладиган жойлар билан алоқаси, шунингдек, қурол-аслаҳалар ва қуролларнинг отиш машғулоти учун шайлиги текширилади ҳамда ходимларга тегишли вазифалар қўйилади.

Амалий ўқ отиш бўйича машғулотларни ўтказиш вақтида қуйидаги тартибга қатъий риоя қилинади:

Машғулот бошланиши билан машғулот раҳбари:

машғулот мавзусини, машғулот ўтказишдан кўзланган мақсадлар ва уни олиб бориш тартибини маълум қилади;

ходимларнинг отиш курсини асосий қоидалари, ижро этилаётган машқ шартлари ва хавфсизлик талаблари юзасидан билимини текширади, уларга метеорологик маълумотларни етказиши мумкин;

вазифаларни қўйиб бўлгандан сўнг, бўлинма (гуруҳ)ларга кўрсатилган ўқув жойларини эгаллаш командасини беради.

Машғулот раҳбари отувчиларнинг машқни бажариш давомидаги ҳаракатларини кузатади. Унга отувчиларнинг ҳаракатларига, агар улар хавфсизлик талабларини бузماётган бўлсалар, аралашиш тақиқланади.

Бўлинма (гуруҳ)нинг отиш машғулоти тугаллангач, машғулот раҳбари гильзаларни тўплаш, қуролларнинг жанговар ҳолати, патрон қутилари, ўқдонлар ҳамда ўқдон ва гранаталар солинадиган сумкаларни текширишни буюради.

Қуролларнинг ўқсизлантирилганлиги текширилиб, зарур ҳолларда нишонларни кўздан кечиради, сўнгра ходимларга амалий отиш натижаларига кўра қўйилган баҳолари эълон қилинади.

Амалий ўқ отиш машғулотларини отиш майдонининг битта ўқув нуқтасида ўтказиш вақтида ҳам, машғулотни бир неча ўқув нуқталарида ўтказилгани каби тартиб-қоидаларга риоя қилинади.

Амалий ўқ отиш машғулотлар тунда ташкил этилганда ёки ўтказганда унга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

дастлабки ва ўт очиш маррасидаги байроқлар фонарларга (отиш вақтида – қизил, отиш тўхтатилганда ёки танаффус вақтида – оқ рангдаги) алмаштирилади;

нишонлар жойлаштирилган майдонлар ичкарасидаги ҳар бир участкага отишнинг асосий йўналишини кўрсатувчи, яшил рангда нур берувчи ёриткич билан жиҳозланган тўғри тўртбурчак шаклидаги белги, ён томонларга

отишнинг хатарли чегараларини кўрсатиб берувчи қизил рангда нур берувчи ёритгич билан жиҳозланган учбурчак шаклидаги белгилар ўрнатилади;

ҳар бир ҳаракат йўналишида отувчининг ҳар бири учун дастлабки ҳолатга – оқ рангдаги, ҳар бир ўт очиш маррасидаги ўт очиш позициясига кириш жойининг ўнг томонига – қизил рангдаги, ўт очишни тўхтатиш маррасига эса – кўк рангдаги ёритгичлар қўйилади;

тунда жойдан отиш машқлари ўт очиш маррасидан ёки машғулоти раҳбари тайинлаган маррадан (позициясидан) туриб, **“Ўт оч!”** сигналидан сўнг бошланади.

Агар отиш машғулоти вақтида туман тушганлиги, қор, ёмғир ёққанлиги ёки кучли чанг-тўзон кўтарилганлиги, шунингдек, сувда юриб (сузиб) бораётган ҳолатда отишда тўлқин баландлигидан нишонга уриш чизиги кўринмаса, машғулоти (ўқув нуқтасидаги отиш машғулоти) раҳбари ёки катта раҳбар (бошлиқ)нинг қарорига биноан отиш машғулоти тўхтатилади.

Ўқ-дорилар сонини машқлар шартида кўрсатилганидан ортик кўпайтириш, шунингдек, бошқа енгиллаштириш ёки соддалаштиришлар тақиқланади. Агар машқларни енгиллаштириш ва соддалаштиришларга йўл қўйилса, отиш машғулоти дарҳол тўхтатилиб, бундай камчиликка йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

*Қуйидаги ҳолларда яксон қилинган нишонлар сонидан қатъий назар, отиш машғулоти **“Қониқарсиз”** деб баҳоланади:*

- отувчи ўт очишни тўхтатиш маррасига чиққандан кейин ўқ узган бўлса;
- ҳаракатдаги отиш машқларини бажаришда ҳеч бўлмаганда бир маротаба тўхташни амалга оширган бўлса;
- отувчи машқларни бажаришда хавфсизлик чораларини бузган бўлса;
- хавфли йўналишлар чегарасидан ташқарига ёки блиндажларга (байроқ, ёритгич осилган) ўт очган бўлса;
- ўт очиш маррасига чиқмай туриб ўт очган бўлса;

**“Машқ тамом”** сигнали (**“Тўхта!”**, **“Ўт очишни тўхтат!”** командаси) берилганига ҳамда блиндажларда оқ рангдаги байроқ (ёритгич) кўтарилганига қарамай ёки қурол стволи қум тепалигига (тўсиққа) туширилгандан кейин ҳам отишни давом эттирган бўлса.

Қуйидаги ҳолатларда отиш машқлари такроран бажарилади (тўлиқлигича ёки қолган ўқ-дорилар билан):

- машқларни бажариш вақтида отиш машғулоти олдидан аниқлаш ва машғулоти вақтида бартараф этишнинг имкони бўлмаган, носозлик ва тўхталишларга йўл қўйилган бўлса;
- нишонлар жиҳозларининг ишдан чиқиши сабабли отиш машғулоти олиб борилмаган ёки тўхтатилган бўлса;
- отиш жараёнида нишон белгиланган вақтдан олдин бекилиб қолган (йиқилиб тушган) ёки қулаб тушган (вайрон бўлган) бўлса, лекин уни кўздан кечиришда яксон қилинганлиги исботланмаса, ходим унга сарфланиши керак бўлган отиш машғулоти ўқ-дориларни тўлиқ сарфлаб бўлмаган бўлса.

Ходимнинг ўз билан боғлиқ равишда ўқ-дориларини тўлиқ сарфламаган бўлса, машқ бажарилиши нишонларнинг яқсон қилиш натижаларига кўра баҳоланади.

Такрорий отиш машғулотининг тартиби отиш машғулоти раҳбари (отиш машғулотининг катта раҳбари) ёки текширувчи томонидан белгиланади. Такрорий отиш машғулотида машқ тўлиқлигича ёки қолган ўқ-дорилар билан такрорланаётганидан қатъий назар машқ шартларида назарда тутилган барча нишонлар бошқа вариант бўйича кўрсатилиши мумкин. Сўнгги ҳолатда ходим биринчи отиш машғулотида ўт очишни олиб бормаган нишонларга отади, қолган нишонларга фақат отишни ифодаловчи ҳаракатларни бажаради.

Отиш машқларини бажара олмаган ходимларга, отиш машқини кўшимча ўрганганларидан сўнг навбатдаги отиш машғулотида айнан ушбу машқларни такроран бажаришларига рухсат берилади.

Отиш машғулоти мобайнида бартараф этилиши мумкин бўлган қуроллардаги носозлик ва тўхталишларни ходимларнинг ўзлари мустақил равишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда бартараф қиладилар ҳамда машқларни бажаришда давом этадилар. Отиш машғулоти вақтида бартараф этиш мумкин бўлмаган носозликлар ҳақида ходимлар машғулот раҳбарини дарҳол хабардор қилади.

Шахсий таркиб газниқобни кийган ҳолда отишни амалга ошириши мумкин. Текширувлар вақтида текширувчининг қарорига биноан отиш машқларини газниқобни кийган ҳолда бажаришга ходимларнинг учдан бир қисми жалб қилади.

Газниқобни кийиб бажариладиган отиш машғулоти машқларнинг шартларини ўзгартирмаган ҳолда олиб борилади.

**“Диққат! Ҳамма эшитсин!”** сигналинин беришдан олдин ўқув нуқталаридаги машғулот раҳбари томонидан бериладиган **“Газлар!”** командасига асосан шахсий таркиб газниқобларни кияди ҳамда ўқотар қуролдан отувчилар сменасининг бошланғич ҳолатига қайтиб, машғулот раҳбарининг командасига кўра газниқоб ечади.

**Кўзойнак тақадиган ходимлар** ўқотар қуролдан отиш машқларини кўришни яхшиловчи ойнакли газниқоблардан фойдаланган ҳолда бажаради. Кўришни яхшиловчи ойнақлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда, уларга машқларни газниқобни тақмасдан бажаришга рухсат берилади.

### **Ўқотар қуролдан отиш машқларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тартиби.**

Ўқув жойларидаги отиш машғулоти раҳбари отувчиларнинг навбатдаги сменаси (ҳисоби)га жанговар таъминот пунктидан ўқ-дориларни олиш ҳақида буйруқ беради. Ўқ-дорилар ходимларга белгиланган тартибда доналаб ёки тайёрланган тасма (ўқдон)ларда тарқатилади, шунингдек, заруратга қараб фақатгина тайёрланган ўқдон (тасма)ларда тарқатилиши мумкин.

Ходимлар ўқ-дори (патрон)ларни олгандан сўнг, уларни кўздан кечириб, унвони ҳамда фамилиясини айтган ҳолда **“Ўқ-дори (патрон)ларни олдим, камчиликлар йўқ (ёки камчиликлар мавжуд бўлса айтади)!”** деб ахборот

беради. Ўқ-дориларни ўқдон (тасма)ларга, шунингдек, гранаталар билан бирга сумка (кути)ларга жойлаштирадилар ҳамда смена бошлиғининг раҳбарлигида бошланғич ҳолатга ўтадилар.

Смена (ҳисоб) бошланғич ҳолатга етиб келгач, ўқув жойларидаги отиш машғулоти раҳбари отувчилар гуруҳи командири (раҳбари)га отувчиларнинг ҳар бирига жанговар вазифани тушунтириш тўғрисида буйруқ беради.

Отувчилар гуруҳи командири (раҳбари) ёки ўқув жойларидаги отиш машғулоти раҳбари ҳар бир отувчига машқни бажариш тартибини (ўт очиш позицияси, ўрни ва отиш ҳолати, отиш сектори, ҳаракат йўналиши, ходимларнинг отиш навбати ва бошқалар) тушунтиради.

Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари ходимлар сменаси ва ўқув жойининг отиш машғулотларини ўтказиш учун шайлигига ишонч ҳосил қилгач, ўқув жойининг бошқарув пунктида қизил байроқ кўтаришни (визуал сигнал мосламасининг қизил рангдаги ярим доирасини очишни, бундан буён матнда кўмондонлик, ўқув жойи бошқарув пунктларидаги байроқлар ҳақида айтилган ҳамма нарса визуал сигнал мосламасига ҳам тааллуқли ҳисобланади) буюради ва отиш машғулотининг катта раҳбарига отишга шайлик ҳақида билдирув беради.

Барча майдонлар машғулотини ўтказиш учун шай ҳолатга келиши билан отиш машғулотининг катта раҳбари кўмондонлик пунктида қизил байроқ кўтаришни буюради ва **“Диққат! Ҳамма эшитсин!”** сигналинини беришга кўрсатма беради.

Жойдан отиш назарда тутилган машқларни бажаришда (ўт очиш позицияларини алмаштириш билан) ходимлар ўт очиш маррасидаги кўрсатилган ўт очиш позицияларини эгаллайдилар, қуролни ўқлайдилар ва унвони ҳамда фамилиясини айтган ҳолда **“Ўқ отишга тайёр!”** деб билдирув беради.

Билдирувларни қабул қилгач, машғулот раҳбари ходимларга **“Ўт оч!”** командасини беради ҳамда ходимлар отиш секторини кузатиб, нишонлар аниқланган вақтда машқ шартларида отиш учун кўзда тутилган ҳолатлардан уларга мустақил равишда отадилар.

Ўт очиш маррасидан маълум узоқликдаги тайинланган ўт очиш позицияларига қараб силжиш назарда тутилган машқларни бажаришда участкадаги отиш машғулоти раҳбарининг командасига кўра ходимлар ўт очиш маррасида отишга тайёрланадилар, қуролни ўқлайдилар ҳамда унвони ва фамилиясини айтган ҳолда **“Ўқ отишга тайёр!”** деб билдирув берадилар.

Отиш машғулоти раҳбарининг **“Ўт очиш маррасига – ОЛФА!”** командасига биноан ходимлар қуролларни сақлагичга қўйган ҳолда шахдам қадамлар билан, қисқа масофаларга югуриб ўтган ёки югурган ҳолда кўрсатилган ўт очиш позициялари томон юрадилар.

Қўйилган вазифага мувофиқ кўрсатилган отиш секторини кузатадилар, нишонлар аниқланган вақтда машқ шартларида отиш учун кўзда тутилган ҳолатлардан уларга мустақил равишда отадилар.

Машқларни бажариш тугагандан сўнг ходимлар қуролни ўқсизлантирадилар, ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари қуролни кўздан

кечириб, сменани бошланғич ҳолатга қайтаради, бошқарув пунктидаги қизил байроқни оқ рангдаги байроқ билан алмаштиришга кўрсатма беради ва ҳар бир ходимнинг машқ пайтидаги ҳаракатлари, отиш натижалари юзасидан кузатувлар, ўқ-дориларнинг сарфланиши, носозликлар ҳамда отишдаги тутилишлар тўғрисидаги билдирувини тинглайди.

Билдирув бериш мисол тариқасида қуйидагича амалга оширилади:  
**“Ўртоқ катта лейтенант, сафдор Ўролов пистолетдан назорат отиш машқини бажарди, отиш вақтида:**

- 4-сонли, айланалар туширилган кўкрак шаклини 5 та ўқ билан зарб этди;

- ўқ-дориларнинг барчаси сарфланди (барчаси сарфланмади, шунча патрон ортиб қолди), отиш вақтида тўхталишлар бўлмади (ёки тўхталишлар сабабини айтиб ўтади)”.

Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари ходимнинг билдирувларини тинглаб бўлгач, машқлар ижроси юзасидан қисқача муҳокама ўтказди ва унда ходимлар қуйидагиларга эътибор қаратади:

- ходимларнинг отишга тайёрланиш вақтидаги ҳаракатлари, отиш йўллари ва усулларининг тўғри ижро этилиши, ҳаракат давомида қисқа тўхташлар давомийлигига;

- отиш учун маълумотларни тайёрлашдаги аниқлик, бошланғич кўрсатмаларга тузатишлар киритиш ва ўт очиш амалини олиб боришга тузатишлар киритишга;

- ҳаракатланиш, отишни олиб бориш, қўл гранаталарини улоқтириш вақтида жой ва маҳаллий предметларнинг ҳимоя хусусиятларидан фойдаланишга;

- машқ шартлари ва хавфсизлик талабларининг бажарилишига.

Ўқув жойидаги отиш машғулоти раҳбари муҳокамани ўтказиб бўлгандан сўнг баҳоларни эълон қилиб, сарфланмаган ўқ-дориларни жанговар таъминот пунктига ёки тарқатувчига топшириш ва навбатдаги ўқув жойига йўл олиш тўғрисида буйруқ беради. Сўнгра отиш машғулоти катта раҳбарига сменанинг отишни тугатганлиги тўғрисида билдирув беради.

Смена бошланғич ҳолатга қайтгандан сўнг (бошқарув пунктларининг барчасида оқ байроқ чиқариб қўйилгандан сўнг) отиш машғулотининг катта раҳбари қўмондонлик пунктида оқ байроқ чиқариб қўйиш, **“Машқ тамом!”** белгисини бериш ва зарурат бўлса **“Нишонларни кўздан кечириш!”** ҳақида кўрсатма беради.

**ПМ, ПЯ, ГЛОК-17, АПС ва бошқа турдаги пистолетлардан отиш машқлари.**

ПМ, ПЯ, ГЛОК-17, АПС ва бошқа турдаги жанговар пистолетлардан отиш машқлари штат лавозими бўйича ушбу қуролларга эга бўлган барча соҳавий хизмат ходимлари томонидан бажарилади ҳамда бошланғич, ўқув ва назорат туридаги машқлардан иборат бўлади.

Ходимлар бошланғич, ўқув ва назорат отиш машқларини ўзлаштирилиши ва амалий бажарилишида белгиланган кетма-кетликка амал



килади. Бунда, ҳар бир отиш машқини амалий бажаришда ижобий баҳоланган ходимларга кетма-кетлик бўйича кейинги машқни бажаришга рухсат берилади. Бошланғич отиш машқи ҳамда отишга ажратилган вақт чегараланмаган турдаги отиш машқларини бажаришда жанговар пистолетлардан ташқари, спорт қуроллари (Марголин пистолети, ТОЗ-36, ТОЗ-49 револьверлари ва шу кабилар)дан фойдаланишга рухсат этилади.

### **Бошланғич отиш машқи.**

**Ҳаракатланмайдиган нишонларга турли масофалардан отиш**  
(*таълим муассасаларининг бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган 1-босқич курсант (тингловчи)лари ҳамда хизмат стажси бир йилдан кам бўлган ходимларнинг бошланғич тайёргарлиги учун*).

**Нишон:** кўз баландлигида ўрнатилган спорт нишон (2-спорт нишони).

**Нишонгача масофа:** 5, 10, 15 метр (машғулот раҳбари кўрсатмаси бўйича).

**Ўқ-дорилар сони:** 3 дона патрон.

**Отишга ажратилган вақт:** чегараланмаган.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда икки (бир) қўлдан.

**Баҳолаш:** “аъло” – 21 балл;

“яхши” – 18 балл;

“қониқарли” – 15 балл.

**Машқ бажаришнинг ўзига хос хусусиятлари:** Машғулот раҳбари отувчиларнинг амалий кўникмаси ва тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, нишонгача бўлган масофани (5, 10, 15 метр) мустақил тарзда белгилайди.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командасига биноан ўт очиш маррасига сафланади. “Ўқла!” командасидан кейин пистолет дастасига ўқдонни ўрнатиб, қурол сақлагичини жанговар ҳолатга келтиради ва затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритади. Сўнгра қуролни сақлагичга қўйиб, тик туриб икки (бир) қўлдан отиш ҳолатини эгаллайди ҳамда ўқ отишга тайёрлик ҳақида машғулот раҳбарига ахборот беради. Машғулот раҳбари отувчи сменага нишонгача ўзи белгилаган (5, 10, 15 метрли) маррада “Ўт оч!” командасини беради. Отувчи смена қуролни сақлагичдан ечиб, тепкини жанговар ҳолатга келтириб, машғулот раҳбарининг кузатуви остида нишонга қарата уч маротаба ўқ узадилар.

Машғулот раҳбари отувчиларнинг барчаси отишни тугатганларидан сўнг, “Тўхта!”, “Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка!” командасини беради. Отувчилар пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

### **1-отиш машқи (ўқув).**

**Кундузи аниқ нишонга олиш ва ҳаракатланмайдиган нишонга отишни ўрганиш.**

**Нишон:** кўз баландлигида ўрнатилган айланали кўкрак баробар шакл (4-нишон).

**Нишонгача масофа:** 20 метр.

**Ўқ-дорила сони:** назорат отишни бажариш учун – 3 дона;  
синов отишни бажариш учун – 3 дона.

**Отишга ажратилган вақт:** чегараланмаган.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда икки (бир) қўлдан.

**Баҳолаш:** “аъло” – 25-30 балл;  
“яхши” – 21-24 балл;  
“қоникарли” – 18-20 балл.

**Машқ бажаришнинг ўзига хос хусусиятлари:** йиғилган баллар шаклга теккан ўқлар сонига қараб аниқланади ҳамда назорат ёки синов отиш машқининг энг яхши натижаси бўйича ҳисобланади.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командасига биноан ўт очиш маррасига сафланади. “Ўқла!” командасидан кейин пистолет дастасига ўқдонни ўрнатиб, қурол сақлагичини жанговар ҳолатга келтиради ва затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритади. Сўнгра қуролни сақлагичга қўйиб, тик туриб икки (бир) қўлдан отиш ҳолатини эгаллайди ҳамда ўқ отишга тайёрлик ҳақида машғулот раҳбарига ахборот беради. Машғулот раҳбарининг “Ўт оч!” командасидан сўнг, отувчилар қуролни сақлагичдан ечиб, тепкини жанговар ҳолатга келтирадилар ва машғулот раҳбарининг кузатуви остида нишонга қарата 3 маротаба ўқ узадилар.

Машғулот раҳбари отувчиларнинг барчаси отишни тугатганларидан сўнг, “Тўхта!”, “Қуроллар ўқсизлантилсин, кўрикка!” командасини беради. Отувчилар пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

### **2-отиш машқи (назорат).**

**Чекланган вақтда кундузи ва тунда ҳаракатсиз нишонларга жойдан туриб ўқ отишни ўрганиш.**

**Нишон:** кўз баландлигида ўрнатилган кўкрак баробар шакл (4-нишон).

**Нишонгача масофа:** 15 метр.

**Ўқ-дорила сони:** 3 дона (қурол мўлжалини текшириш учун 3 дона кўшимча патрон берилиши мумкин).

**Отишга ажратилган вақт:** кундузи 8 сония, тунда 12 сония.

**Отиш ҳолати:** тик турган ҳолда икки (бир) қўлдан.

**Баҳолаш:** “аъло” – нишонга 3 та ўқ тегса;  
“яхши” – нишонга 2 та ўқ тегса;  
“қоникарли” – нишонга 1 та ўқ тегса.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командаси билан ўт очиш маррасига чиқиб, ўқдонни пистолет дастасига ўрнатиб, пистолетни ғилофга солиб, ғилофни ёпганларидан сўнг, машқ бажаришга тайёрлиги ҳақида

ахборот берадилар. Отувчиларнинг тайёрлиги текширилгач, машғулот раҳбари “Ўт оч!” командасини бериб, секундомерни ишга туширади. Бу команда билан отувчилар ғилофдан пистолетни олиб, сақлагични жанговар ҳолатга келтирадилар ва затворни тортиб қўйиб юбориб, патронни патрондонга киритадилар ҳамда машғулот раҳбарининг назорати остида нишонга қарата тезкорлик билан уч маротаба ўқ узадилар.

Вақт тугагач, машғулот раҳбари секундомерни тўхтатиб, “Тўхта!”, “Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка!” командасини беради. Отувчилар пистолет дастасидан ўқдонни чиқариб, пистолетни ўнг қўлда, ўқдонни чап қўлда ушлаган ҳолда машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

### **Автомат ва қўл пулемётларидан отиш машқлари**

Автомат ва қўл пулемётларидан отиш машқлари мутахассислар ва ходимлар томонидан мўлжалланиши ва вазифасидан келиб чиқиб, штатдаги куролида бажарилади ҳамда бошланғич, ўқув ва назорат машқларидан иборат. Ходимлар томонидан бошланғич, ўқув ва назорат отиш машқларини ўзлаштирилиши ҳамда амалий бажарилишида белгиланган кетма-кетликка амал қилиниши шарт. Бунда, ҳар бир отиш машқини амалий бажаришда ижобий баҳоланган ходимларга кетма-кетлик бўйича кейинги машқни бажаришга рухсат этилади.

**Бошланғич отиш машқи (автомат учун).**

**Кундузи ҳаракатсиз нишонларга жойдан отиш**

*(таълим муассасаларининг бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган 1-босқич курсант (тингловчи)лари ҳамда хизмат стажси бир йилдан кам бўлган ходимларнинг бошланғич тайёргарлиги учун).*

**Нишон:** кўкрак баробар шакл (6-нишон), нишон ердан 20-30 см баландда ўрнатилган, ҳаракатсиз.

**Нишонгача масофа** – 100 метр (АКС-74У – 50 метр).

**Ўқ-дори**лар сони: 6 дона патрон.

**Отишга ажратилган вақт:** чегараланмаган.

**Отиш ҳолати:** ётган ҳолда таянчдан.

**Ўқ отиш тури:** якка тарзда (битталаб).

**Баҳолаш:** “Аъло” – нишонга 5-6 та ўқ тегса;

“Яхши” – нишонга 3-4 та ўқ тегса;

“Қониқарли” – нишонга 1-2 та ўқ тегса.

### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командаси билан дастлабки маррада патронларни олиб, ўқдонга жойлаштирадилар. **“Ўқ отиш маррасига ётиб, жангга”** командаси билан отувчилар автоматларни тасмадан ўнг қўлига оладилар, ўқ отиш маррасигача илон изи (*зиг-заг*) ҳолатида югуриб келиб, ўнг оёқни олдинга қўядилар ва чап қўлга таянган ҳолда чап томонга ёнбошлайдилар, чап қўл билан автомат тутқичини ушлаган ҳолда ўқдонни бириктириб, сақлагични энг пастки (*ОД*) ҳолатига туширадилар ва затворни тортиб қўйиб юборадилар ҳамда сақлагичга қўядилар.

Сўнгра ерга қорин билан ётиб, мўлжалга олиш планкасини (*АКМ, АКМС*) “3” ёки “П”, (*АК-74, АКС-74*) “4” ёки “П” ҳолатига қўйиб, ўт очишга тайёрлиги ҳақида ахборот берадилар. Машғулот раҳбари томонидан **“Ўт оч!”** командаси берилгандан сўнг, отувчилар сақлагични энг пастки (*ОД*) ҳолатига тушириб, якка тарзда (*битталаб*) нишонга қарата олти маротаба мўлжалли ўқ узадилар.

Машғулот раҳбари, отувчилар отишни тугатганларидан сўнг, **“Тўхта!”** командасини беради. Отувчилар автоматни сақлагич ҳолатига қўйиб, нишонга юзланган ҳолда кейинги командани кутадилар. Машғулот раҳбарининг **“Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка!”** командаси билан отувчилар чап томонга ёнбошлаб, чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни ажратадилар, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни илгагидан тортиб ушлаган ҳолда автоматни ва ўқдоннинг оғиз қисмини машғулот раҳбарига кўрсатадилар. Машғулот раҳбарининг **“Кўрилди!”** командаси билан затвор илгагини қўйиб юбориб, назорат отишни амалга ошириб, қуролни сақлагич ҳолатига қўядилар.

### **1-отиш машқи (назорат). Автомат ва қўл пулемёти учун**

#### **Ётиб, тиззалаб ва тик турган ҳолатларда отиш**

**Нишон:** Айланали кўкрак баробар шакл (4-нишон), нишон ердан 20-30 см баландда ўрнатилган, ҳаракатсиз.

**Нишонгача бўлган масофа:** 100 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 15 дона патрон (учта ўқдонда 5 тадан).

**Отиш ҳолати:** тик туриб, тиззалаб ва ётган ҳолда.

**Отишга ажратилган вақт:** ҳар бир ҳолатга 1 дақиқадан.

**Командалар:** овоз, елкасига уриш билан ва ҳуштак орқали.

**Ўқ отиш тури:** – якка тарзда (*битталаб*).

**Баҳолаш:** “Аъло” – 121-150 балл;

“Яхши” – 101-120 балл;

“Қониқарли” – 80-100 балл.

#### **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи смена машғулот раҳбарининг командаси билан дастлабки маррада патронларни олиб, учта ўқдоннинг ҳар бирига бештадан патронларни

жойлаштирадилар ва отиш маррасига келиб, жангга тайёргарлик кўрадилар. Машғулот раҳбарининг “**Ўқла!**” командаси билан отувчилар тик турган ҳолда чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб биринчи ўқдонни бириктирадилар, сақлагични пастки ҳолатига туширадилар ва затворни тортиб қўйиб юбориб, сақлагичга кўядилар. Сўнгра мўлжалга олиш планкасини (АКМ, АКМС, РПК) “3” ёки “П”, (АК-74, АКС-74, РПК-74) “4” ёки “П” ҳолатига қўйиб, ўқ отишга тайёрлиги ҳақида ахборот берадилар.

Машғулот раҳбари “**Ўт оч!**” командаси бериш билан бир вақтда секундомерни ишга туширади. Отувчилар сақлагични энг пастки (ОД) ҳолатига тушириб, якка тарзда (*битталаб*) нишонга қарата беш маротаба мўлжалли ўқ узадилар. Белгиланган вақт тугаши билан машғулот раҳбари “**Тўхта!**” командасини беради. Отувчилар автоматни сақлагич ҳолатига қўйиб, нишонга юзланган ҳолда кейинги командани кутадилар.

Машғулот раҳбарининг “**Қуроллар ўқсизлантирилсин, кўрикка!**” командаси билан отувчилар чап томонга ёнбошлаб, чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни ажратадилар, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни илгагидан тортиб ушлаган ҳолда автоматни ва ўқдоннинг оғиз қисмини машғулот раҳбарига кўрсатадилар.

Машғулот раҳбарининг “**Кўрилди!**” командаси билан затвор илгагини қўйиб юбориб, назорат отишни амалга ошириб, қуролни сақлагич ҳолатига кўядилар

ва кейинги тиззалаб отиш ҳолатига тайёргарлик кўрадилар. Кейинги тиззалаб ҳамда тик туриб бажариладиган амалий ўқ отиш машқлари ҳам худди шу тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

## **2-отиш машқи (назорат)**

### **Автомат ва қўл пулемёти учун чегараланган вақтда яқин масофадаги нишонга тезкор отиш.**

**Нишон:** кўкрак баробар шакл (6-нишон), нишон ердан 20-30 см баландда ўрнатилган, ҳаракатсиз.

**Нишонгача масофа:** 50 метр.

**Ўқ-дорилар сони:** 10 дона патрон.

**Отиш ҳолати:** тиззалаб ва тик турган ҳолда.

**Отишга ажратилган вақт:** жами 40 сония.

**Командалар:** овоз, елкасига уриш билан ва ҳуштак орқали.

**Ўқ отиш тури:** – якка тарзда (*битталаб*).

**Баҳолаш:** “Аъло” – нишонга 9-10 та ўқ тегса;

“Яхши” – нишонга 7-8 та ўқ тегса;

“Қониқарли” – нишонга 6 та ўқ тегса.

## **Машқни бажариш тартиби**

Отувчи машғулот раҳбарининг командаси билан дастлабки маррада патронларни олиб, ўқдонга жойлаштиради ва отиш маррасига келиб, жангга тайёргарлик кўради. Машғулот раҳбарининг “**Ўқла!**” командаси билан отувчи

тик турган ҳолда чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни автоматга бириктиради, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни тортиб қўйиб юборади ва қуролни сақлагичга қўяди. Сўнгра ўт очишга тайёрлиги ҳақида ахборот беради.

Машғулот раҳбари “**Ўт оч!**” командаси бериш билан бир вақтда секундомерни ишга туширади. Отувчи сақлагични энг пастки (ОД) ҳолатига тушириб, якка тарзда (*битталаб*) нишонга қарата беш маротаба мўлжалли ўқ узади ва тезлик билан тиззалаб отиш ҳолатини эгаллаб, нишонга қарата яна беш маротаба мўлжалли ўқ узади. Белгиланган вақт тугаши билан машғулот раҳбари “**Тўхта!**” командасини беради.

Отувчи автоматни сақлагич ҳолатига қўйиб, нишонга юзланган ҳолда кейинги командани кутади. Машғулот раҳбарининг “**Қурол ўқсизлантирилсин, кўрикка!**” командасида отувчи чап қўл билан автомат тутқичидан ушлаб ўқдонни ажратади, сақлагични пастки ҳолатига тушириб, затворни илгагидан тортиб ушлаган ҳолда автоматни ва ўқдоннинг оғиз қисмини машғулот раҳбарига кўрсатади. Машғулот раҳбарининг “**Кўрилди!**” командаси билан затвор илгагини қўйиб юбориб, назорат отишни амалга ошириб, қуролни сақлагич ҳолатига қўяди.

Ички ишлар органларидаги хизмат стажи 3 йилдан кам бўлмаган ҳудудий Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Пробаця, Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш хизмати, Метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари ҳамда ИИОлари маъмурий биноларини кўриклаш отрядларининг саф бўлинмалари, Жиноят қидирув, Тезкор қидирув ҳамкорлиги, Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари, шунингдек, Навбатчилик қисмларининг шахсий таркиби учун автомат ва қўл пулемётидан отиш бўйича белгиланган махсус машқлар бажаради.

Ушбу махсус отиш машқларини бажариш учун барчага бирдек мўлжалланган бошланғич, ўқув ва назорат машқларини амалда тўлиқ ўзлаштирган ва ижобий баҳоланган ходимларга рухсат берилади.

### **Ўқ отиш тайёргарлигини баҳолаш тартиби**

Ички ишлар органлари ходимларининг ўқ отиш тайёргарлигидан олган билимларини якка тартибда баҳолаш тест синовлари ва амалий ўқ отиш машқларини бажариши билан амалга оширилади.

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича меъёрлар мазкур Отиш курсининг б-иловасига мувофиқ тартибга солинади.

### **Ходимнинг ўқ отиш тайёргарлигидан олинган билимини якка тартибда баҳолаш меъзони.**

<b>Амалий ўқ отиш машқини бажаришда олинган баҳолар (балл)</b>		
<b>Пистолет</b>	<b>Автомат</b>	<b>Умумий балл</b>
5	5	5 балл (аъло)
5	4	5 балл (аъло)
4	5	5 балл (аъло)

4	4	4 балл (яхши)
5	3	4 балл (яхши)
3	5	4 балл (яхши)
4	3	4 балл (яхши)
3	4	4 балл (яхши)
3	3	3 балл (қониқарли)
5	0	3 балл (қониқарли)
0	5	3 балл (қониқарли)
4	0	0 балл (қониқарсиз)
0	4	0 балл (қониқарсиз)
3	0	0 балл (қониқарсиз)
0	3	0 балл (қониқарсиз)
0	0	0 балл (қониқарсиз)

Қуролларни тўлқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш тартиби бўйича ходимларнинг умумий баҳоси қуйидагича аниқланади:

Қуролларни қисмларга тўлиқсиз ажратиш ва йиғиш бўйича қўйиладиган баҳолар (балл тизимда)				Умумий балл
аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз	
5 балл	4 балл	3 балл	0 балл	

АКМ ва ПМ қуролларининг тўлқсиз қисмларга ажратиш ва қайта йиғиш меъёрларини умумий йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда (тўлиқсиз қисмларга ажратилиб йиғилган қуролларни умумий йиғиндиси қўшилиб тўртга бўлинади) балл чиқарилади.

Жанговар қуроллардан амалий ўқ отиш бўйича ходимларнинг умумий баҳоси қуйидагича аниқланади:

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича қўйиладиган умумий баҳолар (балл тизимда)				Умумий балл
аъло	яхши	қониқарли	қониқарсиз	
9-10 балл	7-8 балл	6 балл	5 ва ундан паст балл	

Амалий ўқ отиш бўйича кўрсатган натижанинг умумий йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда ўртача балл чиқарилади.

Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича амалий ўқ отиш машқларига сабабсиз қатнашмаган ходимлар “қониқарсиз” баҳоланади.

Ички ишлар органлари бўлинмаларининг (Соҳавий хизмат) амалий ўқ отиш машқлари натижалари қуйидагича баҳоланади:

“Аъло” – агар умумий баҳоларнинг 90 % ижобий бўлиб, улардан 50 % ва ундан ортиғи “аъло” баҳо бўлса;

“Яхши” – агар умумий баҳоларнинг 80 % ижобий бўлиб, улардан 50 % ва ундан ортиғи “яхши” баҳо бўлса;

“Қониқарли” – агар умумий баҳоларнинг 70 % ижобий бўлиб, улардан 50 % ва ундан ортиғи камида “қониқарли” баҳо бўлса;


“Қониқарсиз” – агар “қониқарли” баҳо олиш талаблари бажарилмаса.

### Ўқ отиш тайёргарлиги бўйича МЕЪЁРЛАР

Т/р	Меъёрлар	Шартлар	Натижалар бўйича баҳолаш (сониягача, дақиқагача)		
			Аъло	Яхши	Қониқ-ли
<b>Макаров пистолети</b>					
1	Пистолетни қисмларга тўлиқсиз ажратиш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда, пистолет дастасига ўқдон жойлаштирилган ва стол устига қўйилган	7 сония-гача.	8 сония-гача.	9 сония-гача.
2	Қисмларга тўлиқсиз ажратилган пистолетни йиғиш	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, пистолет қисмлари стол устида жойлашган	9 сония-гача.	10 сония-гача.	11 сония-гача.
3	Патронларни ўқдонга жойлаштириш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда, 8 та патрон сочилган ҳолда бўлади	16 сония-гача.	18 сония-гача.	20 сония-гача.
4	Пистолетни қисмларга тўлиқ ажратиш ва қайта йиғиш	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, пистолет дастасига ўқдон жойлаштирилган ва стол устига қўйилган	8 дақиқа-гача.	10 дақиқа-гача.	12 дақиқа-гача.
<b>Калашников автомати</b>					
5	Автоматни қисмларга тўлиқсиз ажратиш	Ходим стол олдида, қўллари пастга туширилган ҳолда, автоматга ўқдон жойлаштирилган, пенал ажратилмайди	16 сония-гача.	20 сония-гача.	24 сония-гача.
6	Қисмларга тўлиқсиз ажратилган автоматни йиғиш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда, автомат қисмлари стол устида жойлашган	30 сония-гача.	35 сония-гача.	40 сония-гача.
7	Патронларни ўқдонга жойлаштириш	Ходим стол олдида қўллари пастга туширилган ҳолда, 30 та патрон сочилган ҳолда бўлади	35 сония-гача.	40 сония-гача.	45 сония-гача.

### Нишонлар намуналари

Ўлчамлар сантиметрларда кўрсатилган (катталиги 1 метргача бўлган нишонларни  $\pm 1$  см ўзгариш билан, ундан катта ўлчамдаги нишонларни  $\pm 2$  см ўзгариш билан тайёрлашга рухсат берилади)





## Текширув нишони

### Изоҳ:

1. Чизиклар қуйидагича ифодаланади:

1 – автомат, қўл пулемети ва 1943 йил намунасидаги патронларга мўлжалланган карабин учун;

2 – мерганлик милтиғи учун;

3 – Калашников пулемети ва милтиқ патронига мўлжалланган қўл пулемёти учун;

4 – тиргакли пулемётдан 1930 йил намунасидаги патронларда отиш учун;

5 – тиргакли пулемётдан 1980 йил намунасидаги ва 5.45 мм патронларда отиш учун;


6 – пистолет ва револьверлар учун;

7 – 12.7 мм ДШК (НСВ) учун;


8 – 5.45 мм Калашников қўл пулемёти учун.

2. Қуролни текшириш ва уни меъёрий жанговар ҳолатга келтириш вақтида нишонга олиш нуқтаси оқ рангли вертикал чизик ҳамда рақамли чизиклар билан ифодаланган нишон пастки чеккасининг кесишиши жойидан танланади.

3. Меъёрий жанговар ҳолатдаги ўртача тегиш нуқтаси кичик айланадан четга чиқиб кетмаслиги керак.




1-нишон. Ғилдирак




2-Спорт нишони




2-а нишон. Махсус бел баробар шакл




2- б нишон. Махсус бел баробар шакл




2-в нишон. Жиноятчининг бўй баробар шакли




3-Спорт нишони




4-нишон. Айланали кўкрак баробар шакл




4-а нишон. Спорт нишони




5-нишон. Бош шакли




5-а нишон. Бош шакли





6-нишон. Қўкрак баробар шакл



6-б нишон. Қўкрак баробар шакл




6-а нишон. Қўкрак баробар шакл



7-нишон. Бел баробар шакл




7-б нишон. Террорчи




7-г нишон. Кесик бел баробар шакл


7-а нишон. Бел баробар шакл




7-в нишон. Анатомик бел баробар шакл




7-д нишон. Зонали бел баробар шакл



8-нишон. Бўй баробар шакл



8-а нишон. Бўй баробар шакл




8-б нишон. Бўй баробар шакл



8-в нишон. Гаровга олган террорчи



8-г нишон. Ташқи кўриниш акс эттирилган бўй баробар шакл



8-д нишон. Зонали бўй баробар шакл

## Отиш машғулотларини ўтказишдаги хавфсизлик қоидалари

**Хавфсизлик қоидалари** – шахсий таркибнинг хавфсизлиги, қурол-аслаҳанинг бутлигини таъминлаш бўйича олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

Шахсий таркиб томонидан отиш машғулотининг хавфсизлигига юксак жанговар кўникма, юқори ахлоқий-руҳий ҳолат, ҳарбий интизомга эга бўлиш, отиш асослари ва қоидаларини билиш ҳамда аниқ кетма-кетлик билан бажариш, ўт очишни маҳорат билан бошқариш, юксак даражадаги профессионал тайёргарлик, бошлиқларнинг юқори бошқарувчанлик қобилиятлари орқали эришилади.

Ходимларнинг қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар, уларнинг мўлжалланиши ва замонавий жангда қўлланилиши бўйича билимлари синовдан ўтказилганидан сўнг уларга отиш машғулотига қатнашишларига рухсат берилади.

Отиш машғулоти ўтказилаётган ҳар бир объектда унинг ўзига хос хусусиятлари ва маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб, отиш машғулотида чиқарилган бўлинмалар шахсий таркиби билиши керак бўлган хавфсизлик қоидалари бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиши мумкин.

Хавфсизлик қоидалари, машқ бажариш тартиби ва шартлари, қурол-аслаҳаларнинг тактик-техник тавсифлари, моддий қисмлари, фойдаланиш қоидалари ҳамда улар билан муомала қилишдаги хавфсизлик қоидаларини ўзлаштирмаган шахсий таркибга отиш машғулотида иштирок этишга ва унга хизмат кўрсатишга **рухсат берилмайди**.

Ҳар бир ходим томонидан отиш машғулотидаги хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

Ички ишлар органларининг барча даражадаги раҳбарлари кўл остидаги шахсий таркиби томонидан хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

Отиш майдонининг чегаралари табиий жойда **“Тўхта, отяпти!”**, **“Ўтиш тақиқланади!”** белгилари билан белгиланиб, улар сўқмоқ ва йўлларнинг кесишиш жойларида ҳамда бир-биридан ажралиб турадиган қилиб ўрнатилади. Заруратга кўра, отиш майдонининг чегараларида траншея қазилиши мумкин. Барча йўллар ва пиёда сўқмоқлар шлакбаум ёки зич тўсиқлар билан ёпилади. Бундан ташқари, отиш майдонига яқин жойлашган аҳоли яшаш жойларида отиш майдони бошлиғининг рухсатсиз отиш майдони ҳудудига киришни тақиқловчи эълонлар осилади.

Бўйсунувида отиш майдони бўлган раҳбар (бошлиқ)лар маҳаллий ҳокимият органлари орқали ўрнатилган огоҳлантирувчи белги ва сигналларнинг нимани аңглатиши, отиш машғулоти мобайнида ҳудудга кирган, портламай қолган ўқ-дорилар ва имитация жиҳозларига теккан шахслар ўзларини қандай хавфга қўяётганлиги бўйича аҳолига мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб бориши лозим.

Маҳаллий ҳокимият органларига отиш машғулоти ўтказилиши ҳамда белгиланган вақтда отиш майдони ҳудудига ўтишнинг тақиқланиши ҳақидаги хабарномалар юборилади.

Хабар бериш хабарнома варағига имзо қўйиш орқали амалга оширилади.

Отиш машғулотидан олдин нишонлар майдони кўздан кечирилиши ҳамда одам, ҳайвон ва транспорт воситалари унинг ҳудудидан чиқариб юборилиши керак.

Отиш машғулоти объектида фақат белгиланган йўллар бўйлаб ва полигон бошлиғи томонидан кўрсатилган ҳудудларда ҳаракатланишга рухсат этилади.

Портламай қолган снаряд, мина, портлатгич ва бошқа портловчи моддалар бўлган участкаларга кириш ман этилади. Ушбу участкалар тегишли огоҳлантирувчи ёзувлари бор кўрсаткич ва белгилар билан белгиланиши керак.

Портламай қолган снаряд, мина, портлатгич ва бошқа портловчи моддалар ҳамда имитация воситаларига тегиш тақиқланади. Ҳар бир портламай қолган снаряд (граната), имитацион заряд ҳақида отиш машғулоти раҳбари ва полигон бошлиғига белгиланган тартибда билдирув берилади.

Отиш машғулоти раҳбари ўртасида радиоалоқа мавжуд бўлмаган тақдирда отишни бошлаш ва олиб бориш тақиқланади, шунингдек, нишонлар майдони ва ўқ кучини сўндирувчи макон чегарасида ёнғин содир бўлганда отиш тўхтатилади. Отишни тўхтатиш сигналлари ва **“Тўхта!”**, **“Отиш тўхтатилсин!”** командаларига биноан отувчилар отишни тўхтатади, қурол ўқсизлантирилади ва сақлагичга қўйилади.

Жанговар қўл гранаталарини улоқтиришда фақат раҳбарнинг командасига биноан, гранаталарни улоқтиришдан олдин уларга запал қўйишга рухсат берилади.

Жанговар қўл гранаталарини граната сумкаларидан ташқарида олиб юриш тақиқланади. Мудофаада қўлланилувчи ва танкка қарши гранаталар портлаганидан сўнг **10 сония** ўтиб блиндаждан чиқишга рухсат этилади. Агар заряд жойланган граната улоқтирилмаган (сақлаш чекаси суғурилмаган) бўлса, уни ўқсизлантириш командага биноан ва отиш машғулоти раҳбарининг бевосита кузатуви остида амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолатларда отувчилар томонидан мустақил равишда ёки раҳбар командасига биноан отиш зудлик билан тўхтатилади:

нишонлар майдонида одам, машина ва ҳайвонларнинг, отиш машғулоти ҳудуди устидан пастлаб учаётган самолёт ва вертолётларнинг пайдо бўлиши;

гранаталар хавфсиз зона чегарасидан ташқарига ёки одамлар томонидан банд қилинган жойларга тушса ва блиндаж билан алоқа узилиб қолса;

қўмондонлик пункти ёки блиндажда оқ рангли байроқ кўтарилса (оқ рангли фонар ёқилса), шунингдек, блиндаждан отишни тўхтатиш тўғрисидаги бошқа қабул қилинган сигнал (портлатгич пакет, тутунли шашка, ракета ва шу кабилар) берилса;

куршов постидан отиш машғулотини давом эттиришнинг хавфли эканлиги тўғрисидаги билдирув ёки сигнал берилса;

нишонлар майдонида ёнғин чиқса.

Отишни тўхтатиш учун **“Отиш (машқ) тамом!”** сигнали берилади ва қизил рангли байроқ ўрнига оқ рангли байроқ ўрнатилади (оқ рангли фонарь ёқилади) ҳамда **“Тўхта, отиш тўхтатилсин!”** командаси берилади. **“Отиш (машқ) тамом!”** сигнаolini барча отувчилар дарҳол қабул қилиб олиши ҳамда ўз жойида қолиб, ўз командирларининг сигнал ва командаларини кутмаган ҳолда отишни тўхтатишлари талаб этилади.

**“Отиш (машқ) тамом!”** сигналидан **“Ўт оч!”** сигналигача ким бўлишидан қатъий назар ўт очиш маррасида (отиш жойида) қолиши ва у ерда қолдирилган қуролга яқинлашиши тақиқланади.

Қуйидагилар қатъиян тақиқланади:

**“Ўт оч!”** сигнали (раҳбар, бошлиқнинг командаси) берилгунгача қуролни жанговар ва пахтавон патронлар билан, шунингдек, жанговар ва инерт зарядли гранаталар билан ўқлаш;

қурол ўқланган ёки ўқланмаганидан қатъий назар уни одамларга, четга ва отиш майдонининг фронт орти қисмига йўналтириш;

носоз қуролдан, носоз ўқ-дорилар билан, отиш хавфли бўлган йўналишларда, кўмондонлик (бошқарув) пункти ва блиндажларда оқ рангли байроқ ўрнатилганда отиш ёки отишни давом эттириш;

ўқланган қуролни ҳар қандай жойда қолдириш ёки уни бошқа шахсларга бериш, раҳбар (бошлиқ)нинг командасисиз шахсий қуролни ўт очиш позициясида (отиш жойида) қолдириш;

ташқи қопламаси шикастланган гранаталардан фойдаланиш;

кучли ёмғир ёки қор ёғаётган шароитлардаги отишда жанговар граната портлатгичининг каллак қисмидаги сақлагич қопқоғини олиб ташлаш;

отиш жойининг олд томонида бутазор ёки баланд ўсган ўтлар бўлиши;

отиш майдонининг портламай қолган гранаталар ва бошқа портловчи буюмлар мавжуд бўлган участкаларига кириш, мазкур участкалар тақиқланган зона ҳисобланади ва тўсиб қўйилган, кўрсаткич ҳамда тегишли ёзувлари бор белгилар билан белгиланган бўлиши лозим (масалан, **“Хавфли!”**, **“Портламай қолган граната – тегилмасин!”**).

Портламай қолган гранаталар, снарядлар ва бошқа портловчи буюмларга ўзбошимчалик билан тегиш (ҳар бир портламай қолган граната (снаряд)ни, у аниқлангандан сўнг дарҳол огоҳлантирувчи ёзувли кўрсаткич билан белгилаш ва бу ҳақида отиш майдони бошлиғига хабар бериш лозим);

жанговар гранаталарни қисмларга ажратиш ва улардаги носозликларни бартараф этиш тақиқланади.

Ушбу қоида билан бирга, қўшимча равишда ҳар бир қурол тури бўйича тегишли қўлланма ва йўриқномаларда баён қилинган хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши талаб этилади.



## МАВЗУЛАР БЎЙИЧА ТАХМИНИЙ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

### 6.1-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Қурол билан муомала қилишда нималар тақиқланади?
2. Қўл кишанлари қайси ҳолатларда қўлланилади?
3. “ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 55-сонли буйруғи қачон ва ким томондан тасдиқланган?
4. “ЁЖ-М” Автотранспорт воситаларини мажбуран тўхтатиш мосламаси нима учун мўлжалланган?
5. 2016 йил 16 сентябрь кунидаги 407-сонли “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг қайси моддасида “Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш шартлари” кўрсатиб ўтилган?
6. 2016 йил 16 сентябрь кунидаги 407-сонли “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг қайси моддасида “Жисмоний куч ишлатиш” шартлари кўрсатиб ўтилган?
7. 2016 йил 16 сентябрь кунидаги 407-сонли “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг қайси моддасида “Ўқотар қуролни қўллаш” шартлари кўрсатиб ўтилган?
8. Кимларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади?
9. Инсоннинг қайси қисмига махсус воситаларни қўллаш тақиқланади?
10. Ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга эҳтиёж бўлмаганда қайси тартибда сақланади?

### 6.2-мавзу бўйича назорат саволлари

1. Майдонли ориентирларга нималар киради?
2. Қутб юлдузи горизонтнинг қайси томонида жойлашган?
3. Топографик хариталар масштаби жиҳатидан қандай турларга бўлинади?
4. Курвиметр ёрдамида нималар ўлчанади?
5. Катта айиқ юлдузлар туркуми нечта ёрқин юлдузлардан иборат?
6. Қайси пайтда қора рангли предметлар ориентир қилиб белгиланади?
7. Худудда ориентир олиш тартибини айти беринг?
8. Катта айиқ юлдузлар туркуми қандай шаклда жойлашган?
9. Худуд деб нима айтилади?
10. Гидрографияга нималар киради?

### **6.3-мавзу бўйича назорат саволлари**

1. ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан электрошок қурилмаларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома қайси сана ва сон билан тасдиқланган?
2. АИР «М-140» русумли электрошок қурилмаси нима кўринишида ишлаб чиқарилган?
3. АИР «М-140» русумли электрошок қурилмаси қандай олиб юрилади?
4. АИР «М-140» русумли электрошок қурилмасининг оғирлиги куйидагилардан бирини белгиланг?
5. АИР «М-140» русумли электрошок қурилмасидан картриджни қўллаш учун масоофа неча метрдан узоқ бўлиши керак?
6. АИР «М-140» русумли электрошок қурилмасидан нур шовқинли картриджни қўллаш учун масоофа неча метрдан кам бўлмаслиги лозим?
7. Электрошок қурилмалари - инсон организмига нималарни ҳосил қилади?
8. «Скарпион» русумли электрошок қурилмалари нимага ўхшаш шаклда ишлаб чиқарилган?
9. «Скарпион» русумли электрошок қурилмалари қандай материалдан тайёрланган?
10. «Скарпион» русумли электрошок қурилмасини қувватлан-тириш учун неча кучланишга эга электр тармоғига уланади?

### **6.5-мавзу бўйича назорат саволлари**

1. Шубҳали автоуловларда портловчи моддалар борлиги аниқланганда қандай ҳаракатлар амалга оширилади?
2. Шубҳали автоуловларда портловчи моддалар борлиги аниқланганда, транспорт воситаси турган жойдан камида неча метр узоқликдаги атрофни ўраб олиши зарур?
3. Муҳандислик ўқ-дориларида қўлланиладиган портловчи моддалар неча турга бўлинади?
4. Детонацион шнурлар детонацияни қайси портловчи моддалар зарядига узатиб бериш учун мўлжалланган?
5. Детонацион шнурни ичи, яъни унинг узаги нимадан тайёрланади?
6. Портловчи моддаларни турли белгиларига қараб қайси гуруҳларга ажратиш мумкин?
7. Муҳандислик ўқ-дориларида қўлланиладиган портловчи моддалар физика-кимёвий ва портловчи хоссаларига қараб қандай турларга бўлинади?
8. Портловчи модданинг бризантлиги нимада ўлчанади?
9. Портловчи модданинг фугаслиги нимада ўлчанади.
10. Портловчи моддани қайси хусусияти билан тавсифлаш мумкин?

## **6.6-мавзу бўйича назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи қайси санада тасдиқланган?
2. Отиш курсининг асосий мақсади?
3. Нишон деб нимага айтилади?
4. Ўқ отилиши деб нимага айтилади?
5. Хизмат стажи бир йилдан кам бўлган ходимларнинг бошланғич тайёргарлиги учун қандай отиш машқи ўтказилади?
6. Назорат отиш машқини бажариш учун нечта дона патрон берилади?
7. Хавфсизлик қоидаларини ўзлаштирмаган ходимлар ўқ отиш машғулотида иштирок этиши учун рухсат бериладими?
8. Бошланғич отиш машқида машғулот раҳбари отувчиларнинг амалий кўникмаси ва тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, нишонгача бўлган масофани мустақил тарзда қанча метргача белгилаши мумкин?
9. Назарий синовларни топширмаган ходимларга жанговар қуролдан амалий ўқ отишга рухсат бериладими?
10. Ўқотар қуролдан отишда ўт очиш марраси (позицияси) дастлабки маррадан пистолетлар (ПМ, АПС, GLOCK ва бошқа) учун камида неча метргача бўлиши керак?

## ГЛОССАРИЙ

### ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

**Рельеф** – бу турли тартибдаги ҳар хил элементлар формалардан ташкил топган ер юзасининг нотекисликлари йиғиндисидир (*тоғлар, тепаликлар, чуқурликлар, жарлар ва ҳоказо*). Бу ер юзасининг вертикал ва горизонтал бўлинишининг уйғунлигидир. Рельеф жойнинг тактик хусусиятларини белгиловчи энг муҳим элементидир.

**Аҳоли пунктлари** – уларга шаҳарлар, поселкалар, қишлоқлар ва бошқалар киради.

**Гидрография** – денгизлар, кўллар, дарёлар, каналлар, булоқлар, сув омборлари, кудуқлар ва ҳоказо;

**Йўллар тармоғи** – автомобиль (шоссели, тупроқли) ва темир йўлларни ўз ичига олади; уларнинг зичлиги, йўлларнинг асосий йўналиши ва уларнинг техник мукамаллиги билан ҳарактерланади.

**Ўсимликлар қоплами ва тупроқлар** – ўрмонлар, экинзорлар, боғлар, яйловлар, чўллар, даштлар, тақирлар ва ҳоказо;

**Разграфка** – хариталарнинг алоҳида саҳифаларга бўлиниши хариталарнинг разграфкаси деб аталади. Разграфканинг дастлабки параллели экватор, дастлабки меридиани эса  $180^\circ$  узоқликли меридиан ҳисобланади.

**Номенклатура** – кўп саҳифали хариталарнинг белгиланиши хариталар номенклатураси дейилади.

**Қаторлар** – кенглик бўйича  $4^\circ$  ли минтақалар қаторлар деб аталади.

**Устунлар** – меридианлар оралиғидаги саҳифалар устунлар деб аталади.

**Ҳудуд** – бу ер юзасининг бир қисми.

**Маҳаллий предметлар** – ер юзасида жойлашган, табиат ва инсон томонидан яратилган объектлар (ўрмонлар, дарёлар, аҳоли пунктлари ва бошқалар) маҳаллий предметлар деб аталади.

**Фронтал йўллар** – ичкаридан фронтга қараб юради ва қўшинлар ҳаракати, ташиш ва эвакуациянинг асосий йўллари бўлиб хизмат қилади.

**Рокад йўллар** – фронт чизиғи бўйлаб ўтади ва қўшинлар маневри жой алмашинуви учун асосий йўллар бўлиб хизмат қилади.

**Катерли йўл** – қўшинларнинг қиска муддатли ҳаракати учун танланган йўлдан ташқаридаги жой чизиғи, жанговар ҳаракатлар районида автомобиль йўллари танқислигида курилади.

**Йўналиш** – бу бўлинмалар (қисмлар) ҳаракати учун белгиланган ёки берилган йўлдир.

**Темир йўллар** – МДХдаги темир йўлларнинг ўртача излари кенлиги – 1524 мм, хорижда эса 1435 мм. Йўл тармоғи қўшинларнинг кўчиши учун муҳим

аҳамиятга эга ва уларни ўқ-дори, озиқ- овқат ва таъминотнинг бошқа турлари билан таъминлайди.

**Дарёлар** – ўзлари ясаган ўздан оқувчи сув оқимидир. Дарёлар хужумни қийинлаштирувчи ва мудофаани осонлаштирувчи марралар сифатида қўшинларнинг жанговар ҳаракатига катта таъсир кўрсатади.

**Дарё тармоғи** – маълум бир территория чегарасида жойлашган дарёлар мажмуидир.

**Дарё водийси** – бир йўналишда чўзилиб, пасайиб борган ва дарё ўзани ўтадиган водийдир.

**Каньон** – Тоғлик жойдаги чуқур дарё водийси дара ёки торлик деб аталади; жуда тик, кўпинча пасайган қиялик ва нисбатан тор тубли водий каньон деб аталади.

**Ўзан ва сув оқими** – дарёнинг асосий элементларидир.

**Фарватер** – энг чуқурликдаги чизиқ бўлиб унда одатда кемалар сузади;

**Негиз** – оқимнинг энг катта тезликлари чизиғи (*одатда сув оқимининг ўртасида жойлашади*).

**Ороллар орасидаги жой** – текис дарёнинг чуқур бўлмаган участкаси бўлиб, одатда кечиш ўтиш учун қулай жой.

**Дарё қирғоқлари** – тупроқнинг баландлиги, қаттиқлиги ва тупроқнинг характери билан ҳарактерланади.

**Ўрмон ўсимликлари** – дарахтларнинг баландлиги ва ёйилишининг тўлалигига (дарахт тепасининг зичлигига) қараб харитада ўрмон шохлари, сийрак ўрмон каби ўрмон белгилари билан белгиланади.

**Тупроқ** – ҳосилдорликка эга бўлган юмшоқ ернинг юқори қатламидир.

**Ботқоқлар** – жойнинг 30 см дан ортиқ ёпишқоқ тупроқ (торф, лой ) қатлами бўлган нам участкаларидир. Жойнинг 30 см дан кам намланган тупроқ қатлами бўлган участкалари ботқоқланган ерлар дейилади.

**Кесиб ўтиладиган жой** – Агар умумий майдоннинг 20% кесиб ўтиш учун қийинчилик туғдирса, бутун майдоннинг 30%дан ошиғи тўсиқлар билан қопланса, жой қатъий кесиб ўтиладиган жойга киради.

**Кам кесиб ўтиладиган жой** – бу майдонини 10% дан ортиғи тўсиқлар билан қопланган жойдир.

**Кесиб ўтилмайдиган жой** – агар тўсиқлар бўлмаса ёки улар 10% дан кам жойни ишғол қилса бундай жой кесиб ўтилмайдиган дейилади.

**Очиқ жой** – у ерда рельеф шакллари ва маҳаллий предметлар ҳосил қилган табиий ниқоблар йўқ.

**Ярим ёпиқ жой** – майдоннинг 50 %гача жойини кўриш мумкин бўлган жой ярим ёпиқ жой дейилади.

**Ёпиқ жой** – майдонининг 25 %и кўриш имконини беради, бу

ниқобланиш ва душман ҳужумидан яшириниш учун яхши шароитлар яратади, аммо бўлинмаларнинг жангда бошқаруви, жанг майдонида мўлжал олиш ва ўзаро ҳаракатни қийинлаштиради.

**Жойни баҳолаш** – бу унинг жанговар ҳаракатларни ташкил этиш ва ўтказишда қандай ёрдам бериши ва қай даражада бу ҳаракатларни қийинлаштиришини аниқлашдир.

**Рекогносцировка** – бу жанговар ҳаракатлар районини бевосита кузатиш пунктлари, қўмондонлик тепаликлари, вертолёт ёки машинадан (ҳаракат йўналиши бўйича) ўрганиш бўлиб, одатда қарор қабул қилиш жараёнида бажарилади. Вазифага боғлиқ ҳолда рекогносцировка давомида душманнинг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар аниқланади, танкдан хавфли йўналишлар, табиий тўсиқлар ва бошқалар аниқланади ва жойдаги қўшинларнинг жанговар ҳаракатига таъсир кўрсатувчи барча ўзгаришлар харитага туширилади.

**Жойни разведка қилиш** – бу жой ва унинг айрим элементлари: рельеф, тупроқлар, тупроқ-ўсимлик қатлами, гидрографик тармоғи, аҳоли пунктлари, йўллар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва тизимлаштиришдир.

**Ўрмонлар** – баландлиги 4 м дан юқори дарахтлардан иборат бўлган ва тепа қисми майдонининг ер майдонига нисбати 2 м дан катта бўлмаган дарахтзорлар ўрмонлар деб аталади.

**Сийрак ўрмонлар** – агар дарахтзорлардаги дарахтлар сийрак жойлашган бўлса, сийрак ўрмонлар деб аталади.

**Соф ўрмонлар** – агарда ўрмондаги дарахтларнинг 80% бир хил турдаги дарахтлар бўлса соф ўрмонлар деб аталади.

**Аралаш ўрмон** – агарда ўрмондаги дарахтларнинг ҳар бир тури 20% дан ошиқ бўлмаса, аралаш ўрмон дейилади.

**Ўрмон зичлиги** – дарахтлар орасидаги ўртача масофа билан фарқланади.

**Буталар** – баландлиги 4 м гача бўлган ёғочли ўсимликлар.

**Ўтли ўсимликлар** – ўсиш жойига боғлиқ равишда яйлов ва чўл ўтларига, баландликларига боғлиқ ҳолда эса паст (1 м дан паст) ва баланд (1 м дан баланд) ўтларга бўлинади.

**Маданий ўсимликлар** – турли сунъий кўчатлар ва маданий экинлар (мевали боғлар, цитрус ўсимликлари, резавор мевали бутазорлар, токзорлар, чой плантациялари, полиз экинлари) киради.

**Тупроқ қатлами** – ернинг бир неча метр чуқурликкача бўлган юқори қатлами тупроқ қатлами деб аталади.

**Тупроқнинг сиртқи қатлами** – Тупроқнинг юқори юмшоқ қатлами (1—1,5 м гача) ҳосилдор бўлиб, тупроқнинг сиртқи қатлами деб аталади.

**Қумликлар** – қумликлар 1 км<sup>2</sup> дан ортиқроқ майдонни эгалласа, харитада кўрсатилади.

**Тақирлар** – горизонтал лойли участкаларни ташкил этиб, рельефнинг пастки тошлоқ ва қумли жойларида жойлашади. Улар ботиқ ернинг ясси таг қисмидир.

**Шўрхок** – чуқур ботиқларда жойлашган нам шўр тупроқлардир. Бундай ерларда ер ости сувлари ернинг тепа қисмига яқин келади.

**Ўтиб бўладиган ботқоқликлар** – бундай ботқоқликлардан ёз кунлари хар қандай йўналишда пиёдалар харакатланиши мумкин.

**Қийин ўтувчан ботқоқликлар** – пиёдалар ўтишига катта қийинчилик туғдирувчи ботқоқликка қийин ўтувчан ботқоқликлар деб айтилади.

**Ўтиб бўлмайдиган ботқоқликлар** – чуқур лойли ботқоқликларга ва бу ботқоқликларнинг пиёдалар ўтиши амалда мумкин бўлмаган қисмига ўтиб бўлмайдиган ботқоқликлар деб айтилади.

**Электрошок қурилмалари** – инсон организмига йўл кўйиладиган шикаст етказувчи таъсир нормаларига эга бўлган, электр импульсларини ҳосил қилиш асосида контактли ва масофа-контактли электр таъсир ўтказиш қурилмалари

**Масофавий электрошок қурилмалари** – масофадан электро импульсларни юборадиган картридждан фойдаланиш.

**Портлаш** - бу механик ишларни бажариш (майдалаш, тупроқни чиқариш, зарба элементларини ташлаш) билан катта миқдордаги энергия ва иссиқлик ажралиб чиқиши билан модданинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши.

**Бризантли портловчи моддалар** (симоб фулминати, кўрғошин азид) кичик иссиқликга ёки механик таъсирида портлаши мумкин бўлган моддалардир.

**Бошловчи портловчи моддалар** (симоб фулминати, кўрғошин азид) - кичик иссиқликга ёки механик таъсирида портлаши мумкин бўлган моддалар.

**Бризантли портловчи моддалари** (тетрил, пикринлик кислота, аммонитлар, коалитлар, динамонлар, гранулитлар) ташқи таъсирларга нисбатан кам сезгир бўлган моддалардир.

**Улоқтириладиган портловчи воситалар** (тутунсиз порох - пироксилин, нитроглисерин, тутунли порох) отиш - ёниш портловчи трансформациянинг асосий шакли бўлган моддалардир; асосан турли қурилмаларда қувиб чиқариш зарядлари сифатида, шунингдек, ракета ёки қилғиси сифатида хар хил ўлчамдаги шашка шаклида қўлланилади.

**Пиротехника воситалари** - ёруғлик, тутун ёки товуш эффектини яратиш учун мўлжалланган ва механик аралашмалар бўлиб, уларнинг асосий компоненти оксидловчи, ёнувчи ва боғловчи ҳисобланади.

**Портловчи қурилма** - бу махсус тайёрланган ва маълум шароитларда портлаши мумкин бўлган ҳар қандай қурилма. Портловчи моддалар саноатда ишлаб чиқарилган ҳамда қўлбола тайёрланган турларга киради.

**Нишон** – жанговар отиш (очиқ ёки ёпик) тири ва дала ўқув майдонларида машғулот ҳамда мусобақаларда фойдаланилувчи сунъий мўлжал;

**Отиш марраси** – отиш машқини бошлаш ва бажариш учун ажратилган шартли жой (қизил рангли чизик ёхуд қизил рангли байроқ билан белгиланади, тунги вақтларда эса қизил фонардан фойдаланиш мумкин);

**Дастлабки марра** – отишга тайёргарлик кўриш ва отиш маррасига ҳаракатланиш учун белгиланган жой (оқ рангли чизик ёхуд оқ рангли байроқ билан белгиланади, тунги вақтларда эса оқ фонардан фойдаланиш мумкин);

**Команда** – ўқ отувчига отишни бошлаш, тугатиш ва отиш давомидаги ҳаракатларини бошқариш юзасидан овоз, елкасига уриш ва ҳуштак орқали бериладиган ишора (буйруқ);

**Авария** – патронлар тугаганда, қурол носоз ҳолатга келганда ёки ўқдонни алмаштиришда зарурат юзага келганида бериладиган команда;

**Отиш** – порох зарядини ёниши жараёнида ҳосил бўлувчи газларнинг энергияси таъсирида ствол каналидан ўқ (граната)ни отилиб чиқиши;

**Отиш вақти** – отиш машқни бажариш учун белгиланган вақт;

**Нишонгача бўлган масофа** – отиш маррасидан нишонгача бўлган масофа;

**Отиш ҳолати** – ўқ отувчининг отиш вақтидаги эгаллаган ҳолати;

**Отиш майдони** – отиш машқларини ўтказиш ёки қурол-яроғлардан ўт очиш ҳамда қуролларни синовдан ўтказиш учун мўлжалланган ҳудуд;

**Отиш шаҳарчаси** – ходимларнинг ўқ отиш бўйича бошланғич билимларини ўзлаштириши ва шакллантириб бориш учун мўлжалланган моддий-техник базаси.



# **Фойдаланишга тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхати**

## **I. Ўзбекистон Республикаси Қонулари.**

1. 2017 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунидаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони.

## **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 15 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 55-сонли буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 22 сентябрдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат, жанговар, жисмоний ва ахлоқий-психологик тайёргарлигини ташкиллаштириш” тўғрисида 383-сонли буйруғи.

## **III. Махсус адабиётлар:**

### **Фойдаланиш тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхати**

1. *Умурзаков Б.Б., Батыров У.А.* Махсус тактика. Ўқув қўлланма. – Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 8 августдаги “Ички ишлар органларида формали кийим-бошни кийиб юриш” тартиби тўғрисидаги 232-сонли буйруғи.

3. Багал Л.И. Химия и технология инициирующих взрывчатых веществ М., Машиностроение, 1975 г.

4. Варенышев В.В. и др. Военно-инженерная подготовка. Учебное пособие. Военное издательство. – Москва, 1982 г.

5. *Тангирбердиев С.К., Закиров Р.С., Шерматов А.Ф.* Ҳарбий топография: Ўқув қўлланма. – Т., 2005.

6. *Юлдашев У.Ш.* Ҳарбий топография: топографик хариталар, шартли белгилар ва уларнинг мазмуни: Ўқув қўлланма. – Т., 2015.

7. Юлдашев У.Ш. ва бошқ. Жанговар тайёргарлик (2-қисм): Ўқув қўлланма. – Т., 2016.

8. Юлдашев У.Ш., Шерматов А.Ф. Ҳарбий топография: Маърузалар курси. – Т., 2020.

#### **V. Интернет сайтлари**

1. <http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси).

2. <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларнинг маълумотлар миллий базаси).

3. <http://yeduportal.uz> (Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш маркази).

4. <http://uzsci.net> (Илмий таълим тармоғи).

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИГА НАВБАТДАГИ  
“КАПИТАН” МАХСУС УНВОНИ БЕРИШ УЧУН МАЛАКА ОШИРИШ  
ЎҚУВ КУРСЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК МОДУЛИ  
БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_\_ 2023 й. Нашриёт-ҳисоб табағи 3,5.  
Адади \_\_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100077. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.